


С. С. ҚОСИМОВ, А. А. ОБИДОВ

# КОМПЬЮТЕР ОЛАМИ



ТОШКЕНТ «ЧҮЛПОН» 2001

Масъул муҳаррир: Академик В. К. Қобулов

Тақризчилар: Ўзбекистон Миллий Университети Компьютер технологиялари факультети «Информатика ва тадбиқий дастурлаш» кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, проф. М. АРИПОВ, техника фанлари доктори, профессор Р. ҲАМДАМОВ.

Мазкур кўлланмада дастлабки электрон ҳисоблаш машиналарининг яратишдан тортиб, энг замонавий компьютерларнинг пайдо бўлишигача бўлган тарих, ахборот, алгоритм ва компьютер ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, компьютернинг таркибий қисм ва бўлаклари, программа таъминоти атрофлича кўриб чиқилган. Norton Commander, Lexicon, Windows каби программа маҳсулотлари шулар жумласига киради.

Китоб лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчиларига, олий ўқув юртлари студентлари, аспирантлар ва умуман компьютер технологияларига қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

О. – К. 4802000000–31  
М 360(04)–2001 кўш. 2001

ISBN 5-8250-0674-5

© «Чўлпон» нашриёти, 2001

## СҮЗ БОШИ

XXI асрни «компьютер асри» деб аташ мумкин. Чунки бугунги кунда компьютер техникаси нафақат ҳалқ хўжалиги тармоқлари, балки ҳар бир хонадонга ҳам кириб келмоқда.

Республикамиздаги ҳар бир мактаб, лицей, коллеж ва институтларда ўкувчи ва талаба ёшлар компьютер билан мулоқотда бўлиб, ўзлари ҳам янгиликларни кашф этмоқдалар. Мазкур китобда дастлабки электрон ҳисоблаш машиналарининг яратилиши тарихидан тортиб, энг замонавий компьютерларнинг тузилиши ва яратилиши ҳақида сўз юритилади. Шунингдек иккилик, саккизлик ва ўнлик саноқ системаси, сонлар устидаги амаллар машинада қандай кўриниши ва бажарилиши ёритиб ўтилади.

Компьютер ва унинг қисмлари, уларни яратувчи фирмалар, «ОҚ», «сариқ» йифма компьютерлар, компьютер комплекти турлари барча-барчасини ушбу китобдан билиш мумкин. Албатта китоб IBM PC туридаги компьютерларга қаратилган, чунки улар дунёда энг кўп тарқалган компьютерлардир.

Компьютерларнинг программа таъминотига келсак, энг содда MS DOS операцион системасидан (1982 йил) Windows программа қобиғлари (1991) яратилганига кўп вақт ўтмади, лекин ривожланиш даражаси, программа имкониятлари шунчалик кучайиб кетди-ки, ҳар икки программа маҳсулини яратган Microsoft фирмаси оддий корхонадан корпорация даражасига етиб, дунёдаги энг бадавлат фирмага айланди.

Китобда энг кўп тарқалган, фойдаланувчиларга биринчи навбатда кепрак бўладиган программа турлари содда ва тушунарли тилда баён қилинди.

Кўпчилик программа таъминотига тегишли маҳсулотлар стандарт шаклда берилган бўлса, Windows программа таъминоти кенгроқ ёритган ҳолда берилди-ки, китобхонга бу ҳол кўпроқ маъқул бўлади деб ўйлаймиз.

MS DOS, Norton Commander, Lexicon, Windows, Internet каби программа маҳсулотлари ҳар бири алоҳида-алоҳида кўрилган.

Бутун дунё тармоғи номини олган Internet имкониятлари ҳам статистик маълумотларга асосланиб ёзилган.

Китобдан кўлланма сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Ундаги матнлар маъно жиҳатидан кенг, равон, алоҳида-алоҳида расм, жадвал ва изоҳлар билан берилган. Ундан мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари студентлари, аспирантлар ва умуман компьютерга қизиқкан барча китобхонлар ўзларига тегишли кўпгина маълумотлар оладилар деб умид қиласиз.

# I БОБ. КОМПЬЮТЕРЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

## 1.1. ДАСТЛАБКИ УРИНИШЛАР

Тарихдан маълумки, ҳар бир асрда катта-катта воқеалар, янгиликлар, ихтиrolар бўлган ва бу асрлар ёдга олинганда мазкур сифатлар билан айтилган.

Мазмунан XX асрни атом, молекуляр кимё ёки халқ хўжалииги га шиддат билан кириб келган кибернетика ва *компьютерлар* асри деб номлаш мумкин.

Аслида «*компьютер*» сўзи «ҳисобловчи қурилма» маъносини англатади. Ҳозирги вақтгача электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ), шахсий электрон ҳисоблаш машинаси (ШЭХМ), персонал компьютер тушунчалари кенг оммага, ҳаётимизга кириб келган. Бироқ, сўнгги пайтда кўпроқ компьютер сўзи ишлатилади. Уни ЭХМ, ШЭХМ лардан қандай фарқи бор деган саволга қуйидагини айтса бўлади. ШЭХМ ва персонал компьютер тушунчалари битта нарсан ифодалайди. ЭХМ ва ШЭХМ ўртасидаги фарқни эса кейинроқ тушунтириб ўтамиз.

Кейинги матнларда уларни алоҳида таъкидламасдан компьютер терминидан фойдаланамиз. Умуман дунёда ҳам шундай терминлаш қабул қилинган.

Компьютерлар пайдо бўлиш тарихига аҳамият берсак, XIX асрнинг бошларида ёқ инглиз математиги Ч. Беббидж аналитик машина деб аталган механик компьютер яратмоқчи бўлган. Бошқарувни эса перфокартада (қаттиқ картон қофоз) бериладиган программа орқали амалга ошириш режасини тузган, афсуски бу режани рўёбга чиқара олмаган.

1940 йилларда механик релелар асосида, Ч. Беббидж тажрибасини биринчи бор немис олимни К. Цуге қайтариб кичик компьютер яратган, бироқ уруш туфайли эълон қила олмаган.

1943 йилда эса, АҚШда Г. Эйкен томонидан арифмометрдан 100 баробар тез ишлайдиган анча кувватли «Марк-1» компьютери реле базасида йиғилган. У ҳарбий ҳисоб-китобларда ишлатилган.

Бироқ электромеханик реле жуда секин ва кераклича ишончли ишламасди. Шундан кейин 1943 йилда АҚШда электрон лампаларга асосланган ENIAC-компьютери яратилди. Унинг тезлиги «Марк-1»дан кўра 10 минг марта тез бўлсада, амаллар бошқарув тўлиқ ўйланилмаганлиги, энг қизиги бошқарув программаси симларни механик уяларга (худди аввалги вақтда коммутаторлар те-

лефон симларини улаб алоқа тиклашганидек) киритиб боғлаш билан амалга оширилган. Бундай боғлашларга соатлар, гоҳида кунлар керак бўлган.

## 1.2. КОМПЬЮТЕРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

1945 йилда машхур математик Джон фон Нейман компьютер яратиш учун ҳамкорликка чақирилади ва шундан кейин у компьютер тузилишининг умумий принциплари қандай бўлишини эълон қиласди.

✓ Мазкур принцип асосида компьютер қуидаги қурилмалардан иборат бўлиши лозим:

- а) арифметик-логик қурилма — арифметик-логик амалларни бажариш учун;
- б) бошқарув қурилмаси — программа бажариш жараёнини бошқаради;
- в) хотираловчи қурилма ёки хотира — программа ва маълумотларни сақлади;
- г) ташқи қурилма — маълумотларни киритади ва чиқаради.



Мазкур қурилмалар орасидаги алоқаларда якка чизиқ — бошқарувни, жуфт чизиқлар — маълумотли боғланишларни билдиради.

Шуни таъкидлаш керакки, ўша вақтдан ҳозирги кунгача яратилаётган компьютерларнинг аксари фон Нейман принципи асосида яратиласди.

Шундай қилиб, 1949 йилда фон Нейман принципига асосланган биринчи компьютерни инглиз олими Морис Уилки яратди ва компьютерлар эраси бошланди.

Компьютерларнинг ривожланишида унинг элемент базаси ўзгариши лозим эди. Чунки 1940—50 йилларда яратилган компьютерлар таркибини электрон лампалар ташкил этарди. Шу сабабдан бу компьютерлар катта ҳажмда бўлиб, жойлаштириш учун катта заллар керак бўларди. Мисол учун, 1953 йилда яратилган БЭСМ-1 компьютерида 4000 дона лампа ишлатилган,  $3 \times 5$  метр ҳажмдаги майдонда жойлашган, тезлиги секундига 7000—8000 амал бўлиб, хотираси 4096 байт маълумотни жойлай оларди (Пентиум туридаги ҳозирги замон компьютерида оператив хотира — 1.000.000.000 байт ёки 1 Мегабайтни ташкил қиласди).

Инсониятда ривожланишга интилиш бўлгани учун 1948 йилда транзисторлар пайдо бўлди. Транзисторларни электрон лампалар ўрнига ишлатиш мумкинлиги аниқланган, компьютер курилмаларида ҳам фойдаланила бошланди. Натижада, Америкада, 1965 йилда PDP-8 номли транзисторлар негизида биринчи миникомпьютер (сўнгра машхур PDP-11) яратилган эди. Бундай машиналарнинг аналоглари (ўхшашибарни)ни СМ-3, СМ-4, СМ-1420 номда Республикализнинг кўпгина ҳисоблаш марказларида учратиш мумкин.

1959 йилда Intel фирмасининг таъсисчиси Роберт Нойс кремнийнинг кичкина пластинасида транзисторлар боғлаш усулини ихтиро қилиб, интеграл схемалар ёки чиплар асрини бошлаб берди. Шундай чипларга асосланниб, кейин яратилган компьютерлар, шартли равишда учинчи босқич компьютерлари деб атала бошланди.

Интеграл схемаларга асосланган биринчи компьютер 1968 йилда Burroughs фирмаси томонидан яна АҚШда яратилди. Республикализнинг кўпгина статистик органлардаги ЕС-1055, 1060 туридаги компьютерлар учинчи босқич компьютерларига мисол бўлади.

Ўз навбатида микропроцессорлар яратилиши, тараққиёти, ривожланиши тарихини кўриб чиқишига фурсат етди.

1970 йилда Intel фирмасида интеграл схема асосида биринчи микропроцессор яратилди-ки, у ўзининг 3 см ли ҳажми билан ENIAC гигант машинасидан ишчан ва тезкор эди. Аввалига Intel-4004 (4 разрядли) микропроцессори, сўнг 1974 йилдаги Intel-8080 микропроцессори яратилди, у ҳозирги кунда ҳам персонал компьютер индустрисининг стандарти ҳисобланади.

Микропроцессорлар аввалига калькуляторлар ва маҳсус қурилмаларда ишлатила бошланди. Сўнгра эса компьютерлар таркибига киритилди ва 1975 йилда кенг оммага мўлжалланган биринчи «Альтаир-8800» персонал компьютери яратилди.

Microsoft фирмасини ташкил этган Пол Аллен ва Билл Гейтс «Альтаир» учун Basic тили интерпретаторини яратдилар. Бу программадан ёзиш, мулоқот қилиш осонлигини кўрган истеъмолчиларда персонал компьютерларга қизиқиш ортди.

Шу ўринда республикамиз мактабларидаги мавжуд «Правец» туридаги содда компьютерлар 8-байтли персонал компьютерлар сафига киришини айтиш мумкин.

Фақат улкан ЭҲМлар чиқариш билан машғул бўлган IBM (International Business Machines Corporation) фирмаси, персонал компьютерлар бозорига кейинроқ эътибор берди. 1981 йилдан бошлаб, IBM фирмаси ҳам персонал компьютер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. IBM фирмаси Intel-8088 номли 16 разрядли микропроцессор базасида IBM PC (Ай-БИ-ЭМ Пи-Си, деб ўқилади) персонал компьютерини яратди. Бу компьютернинг программа таъминотини яратиш Microsoft фирмасига топширилди, натижада бир-икки йилда IBM PC бошқа фирма персонал компьютерларини сиқиб чиқарди.

## 1.3. ОЧИҚ АРХИТЕКТУРА ПРИНЦИПИ

1980 йиллардан IBM фирмаси компьютерлари пайдо бўлиши билан фирма персонал компьютер лойиҳаларини, созлаш, йиғиш усусларини ҳеч кимдан яширмай барча сўраганларга тарқатди. Бу очиқ архитектура принципи IBM фирмасига фақат фойда келтириди.

Чунки дунёдаги юзлаб, минглаб фирмалар IBM PC туридаги компьютер қурилмаларини яратиш учун рақобат қила бошладилар ва бу мусобақа натижасида компьютер қисм ва қурилмалари қиймати арzonлашди.

Бошқа фирмалар янги компьютерлар яратиш лойиҳаси учун илмий изланишларга маблағ ажратмай, IBM PCга мос турдаги компьютерлар, қўшимча қурилмалар ишлаб чиқиб, баъзилар техник янгиликларни тезроқ киритдилар. Натижада компьютер техник ҳолати яхшиланди, компьютер қисмлари арzonлашди, ўзи эса дунёда шуҳрат қозонди, оммабопликка эришди.

Кўпгина мутахассислар: «агар IBM PC очиқ архитектура принципини қўлламай, компьютернинг қисмларини созлаш, йиғини бошқалардан маҳфий тутганда кўпчилик фирмаларнинг куни бошига келарди ва IBM PC икки-уч йилда, бошқа рақобатдош компьютер олдида, ривожланиш натижасида четга чиқиб қолармиди», — деган фикрни айтишмоқда.

## 1.4. КОМПЬЮТЕР БОЗОРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Дунёда йилига ўн миллиондан ортиқ IBM PC туридаги компьютер ишлаб чиқарилади, улар умумий компьютер бозорининг 90% дан кўпроғини ташкил этади.

IBM PC компьютерлари ва унинг қурилмаларини ишлаб чиқариш билан минглаб фирмалар — юзлаб гигант корпорациялар: Intel, Toshiba, Fujitsu, Siemens, Hitachi, Hewlett-Packard, Philips, Samsung ва бошқалар машғул.

Улар ўртасидаги рақобат кучайиб, маҳсулот сифати яхшиланяпти, таннархи эса арzonлашяпти. Мисол учун оператив хотира микросхемалари қиймати фақат 1995 йилдан бошлаб 5 марта арzonлашди.

Микропроцессорлар ишлаб чиқарувчи Intel фирмасининг салмоғи юқори бўлсада, унинг ҳам рақобатдошлари (AMD, VIA, IBM ва бошқалар) йўқ эмас. Бироқ охирги маълумотларга қараганда, Intel фирмаси дунё бозорининг 85% микропроцессорларини ишлаб чиқарар экан.

Тўғри, IBM PC компьютерининг қурилма ва қисмларини ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг аксарияти: Тайван, Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея ва Ирландияда жойлашган. Баъзи маълумотларга қараганда Россияда ҳам йилига 700 мингдан ортиқ ком-

пьютерлар йиғилаётгани айтилмоқда, чунки бу давлатларда ишчи күчі арзон. Бирок компьютер йиғишида юқори аниқ технологиялар АҚШ, Япония ва Европа давлатларида бер хөлөс.

Шу сабабдан компьютер ишлаб чиқарувчилар қуйидаги категорияларга бўлинади:

Дунёга машхур, ўта сифатли компютерлар (brand-name тури) ишлаб чиқарувчи фирмалар: Compaq, IBM, Hewlett-Packard, Micron, Dell;

компьютерлари brand-name номини олишга интилган транснационал компаниялар;

Европа, Россия ва жанубий-шарқий Осиёнинг майда фирмалари (middle-name);

жойларда компьютер йиғаётган, номлари ҳали унча танишмас фирмалар (no-name).

## 1.5. БОШҚА ТУРДАГИ АСОСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

ЭҲМ ва ШЭҲМ (персонал компютер) ўртасидаги фарқни аниқлаш учун компьютерларни қуйидагича синфларга бўламиш:

1. Катта ЭҲМлар ёки майнфреймлар — бу катта миқдор, ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун яратилган. Фавқулодда ишончли, юқори тезлиги, киритиш-чиқариш каналларини катта миқдорда маълумот ўтказиши, уларга минглаб терминаллар (дисплей клавиатура билан) ёки персонал компьютерлар уланиши билан персонал компьютердан фарқланади. Кўпгина улкан корпорация, банклар, давлат ташкилотлари ўз маълумотларини айнан катта ЭҲМларда қайта ишлайдилар ва сақлайдилар. Катта ЭҲМлар қиймати миллионлаб доллар турсада уларда маълумот сақлаш-узатиш нисбатан арzon, бошқа ҳолда минглаб ШЭҲМга асосланган тармоқ орқали хизмат кўрсатиш қимматга тушиб кетади.

2. Супер-ЭҲМлар — жуда улкан миқдордаги ахборотлар учун зарур. Супер-ЭҲМлардан дунёда — ҳарбийлар, метеорологлар, геологлар ва бошқа ишларда фойдаланадилар. У ядро портлашларни моделлаштириш, об-ҳавони олдиндан айтиш ва бошқа масалаларда қўл келади ва ўз пулини оқлади. Бу ЭҲМларни — Gray, Research, Hitachi фирмалари ишлаб чиқаради.

Мисол учун IBM корпорацияси секундига 3.9 трил.опер. бажара оладиган, дунёдаги энг тезкор компьютерни ишлаб чиқарди. АҚШ маъмурияти вакилларини айтишича бу машинадан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Бу янги компьютер "Pacific Blue" деган ном олди. У оддий персонал компьютердан 15 минг маротаба тез ишлайди ва 80 минг марта катта оператив хотира билан жиҳозланган.

Хаттоқи энг унумдор замонавий компьютердан фойдаланганда бажариш учун бир неча ой талаб қилинадиган мураккаб ҳисоб-

лашларни янги ЭХМда бир неча секундда (соатда эмас) бажарса бўлади.

3. Мини-ЭХМ — персонал компьютер ва катта ЭХМ ўртасидағи салобатга эга. Хорижда унча катта бўлмаган ташкилотлар, университет, давлат идораларида, маълумотларни қайта ишлаш марказларида — персонал компьютерларни қуввати етмайдиган жойларда фойдаланилади. Мини-ЭХМга (кичик ЭХМ деб ҳам аталади) ҳам ўнлаб, юзлаб терминал ёки персонал компьютер улаш мумкин.

Бу ЭХМларни DEC, SUN, Hewlett-Packard, IBM, Silcon Grapics ва бошқа фирмалар ишлаб чиқаради. Silcon Grapics ўз компьютерларига маҳсус қўшимча қурилма киритиб, уч ўлчовли фазо ҳолатини мониторда тасвирлаши мумкин. Натижада, чет эл кинофильмларидаги маҳсус эффект ҳолатлари (анимация усули) мазкур компьютерларда тайёрланади.

4. Йишли станциялар — термин остига, персонал компьютер қувватига тенг ёки ундан ҳам юқори кучга ва имкониятга эга кичик ЭХМларни энг кенжаси киради.

5. Персонал компьютер бозорида IBM PC йўналишидан бошқа фақатгина битта Macintosh-Apple фирмаси программалар бўйича рақобат олиб боради. Бироқ унинг чиқараётган маҳсулоти, умумий персонал компьютерлар ҳисобида 7—8%дан ошмайди.

Аммо дунёда босма, нашр ишларига хизмат кўрсатадиган энг қулий машина ва программа мазкур фирма маҳсулоти ҳисобланишини айтиб ўтиш керақ.

## II БОБ. ПЕРСОНАЛ КОМПЬЮТЕР ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ

### 2.1. КОМПЬЮТЕРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМЛАРИ

Хар биримиз компьютер қандай бүлаклардан ташкил топганини билишга қызықамиз. Бу бүлакларни (яхшиси қурилмалар деб айтсак техник адабиётта түгри келади) шартли равища ички ва ташқи қурилмаларга ажратиш мумкин.

Компьютернинг умумий тузилиши қуйидагилардан иборат:


— **процессор** (системалар блоки);

— **монитор** (ёки дисплей) — матнли ва расмли маълумотларни экранда тасвирлаш қурилмаси;

— **клавиатура** — символларни компьютерга киритиш қурилмаси.

Персонал компьютер икки хил кўринишда ишлаб чиқарилади: **стол** ва **портатив** вариантида.

Кўзимиз ўрганиб қолган 1-расмда берилган компьютер стол вариантини билдиурса, 2-расмдаги компьютер тасвири портатив вариантини акс эттиради. Портатив вариантидаги компьютерни — **ноутбук** (Note Book) деб аташ қабул қилинган.



1-расм



2-расм

Ноутбук тузилиши — дипломат папкани эслатади. Папканинг паст тарафида устма-уст микропроцессор ва клавиатура жойлашган, папканинг юқори тарафида эса монитор жойлашади. Керак бўлса сиз папкани ёпиб, уни дипломат кўтаргандек кўтариб кетаверасиз. Ноутбук орқали қўшимча қурилмаларга уланиш (принтер, модем ва бошқаларга) қийин эмас.

Энди эса, персонал компьютернинг стол вариантидаги қурилмаларни кўриб чиқайлик.

**1. Процессор.** Процессорда ўз навбатида компьютернинг энг асосий қисмлари жойлашган бўлади ва улар компьютернинг ички қурилмалари ҳисобланади. Булар:

- компьютер фаолиятини бошқарувчи электрон схемалар, яъни
- микропроцессор, оператив хотира, контроллер, шиналар ва бошқалар;
- электр энергия блоки: тармоқ электр энергиясини компьютерга лозим бўлган паст кувватли доимий токка айлантириб беради;

**2. Эгуловчан дисклар** (ёки дискетлар) қурилмаси;

**3. Винчестер** ёки қаттиқ магнит диск қурилмаси; ва бошқалар.

Монитор ва клавиатура компьютернинг ташқи қурилмаси ҳисобланади. Компьютернинг кўшимча ташқи қурилмаларини:

- принтер — маълумотларни босмага чиқариш қурилмаси;
- сичқон — компьютерга маълумот киритишни енгиллаштирувчи қурилма;
- джойстик — тугмачали шарнир ручкага ўрнатилган манипулятор, асосан компьютер ўйинларида фойдаланишга қулай восита ва бошқалар ташкил этади.

Компьютернинг кўшимча ички қурилмалари қўйидагилардан иборат:

- модем ва факс-модем — телефон тармоғи орқали бошқа компьютерлар билан маълумотлар ўзаро алмашиш қурилмаси;
- компакт-дисклар қурилмаси — компьютер компакт дисклардан (улар магнитофон компакт кассеталаридан фарқли) маълумни ўқиш ва аудиокомпакт-дисклардан мусиқа эшиттириш вазифасини бажаради;
- стример — магнит ленталарида маълумотларни сақлаш учун мўлжалланган;
- мусиқа картаси — мусиқа, овоз ва товушларни ёзиш ва эшиттиришга хизмат қиласди.

Амалиётда модем, факс-модем, стример, компакт дисклар қурилмаси ташқи қурилма шаклида ҳам учрайди. Бироқ бу ҳолда компьютернинг таннархи қимматроқ бўлади.

Санаб ўтилган компьютер қурилмаларининг ҳар бирини вазифаси, ишлаш тартиби, имкониятларини кўриб чиқамиш:

**Микропроцессор.** Микропроцессор компьютернинг энг муҳим воситаси ёки бошқача айтганда «мияси» ҳисобланади.

Унинг ҳажми аслида бир неча сантиметрни ташкил этадиган электрон схемадан иборат бўлиб, барча ҳисоблаш ва маълумотни қайта ишлаб беришга хизмат қиласди.

Микропроцессор турига қараб бир секундда ўнлаб, ҳаттоқи юзлаб миллион операцияни (амални) бажаради.

Бу операциялар юзлаб турдаги арифметик, логик ва бошқа амаллар бўлиши мумкин.

IBM PC компьютерларида юқорида айтилгандек Intel фирмасининг микропроцессорлари Intel-8088, 80286, 80386 (SX ва DX

модификациялари), 80486 (SX, SX2, DX2 ва DX4 модификациялари) Pentium, Pentium Pro номи билан компьютер таркибиға киради. Мазкур микропроцессорларнинг унумдорлиги ва баҳоси келтирилган кетма-кетликда ошиб боради. Мисол учун, Pentium Ронинг унумдорлиги Intel-8088га нисбатан минглаб марта катта.

Микропроцессорлар тезлигини такт частотаси белгилайди. Бир турдаги микропроцессорлар турли такт частотаси билан ишлаб чиқарилиши ҳам мүмкін. Шу сабабдан такт частотасига қараб микропроцессорнинг баҳоси ва унумдорлиги ҳар хил бўлади. Такт частотаси мегагерцларда (МГц) ўлчанади.

Мисол учун, Pentium микропроцессори 75 МГц дан 200МГц такт частотаси ўртасидаги фарқ тахминан 2.5 марта катта.

Микропроцессорнинг номи, одатда такт частотаси билан юритилади. Мисол учун, PentiumF75МГц.

Микропроцессорнинг ички элементар операцияларининг бажариш тезлигини такт частотаси билдиради. Бошқа-бошқа микропроцессор моделлари бир хил командаларни (мисол учун, қўшиш ва кўпайтириш) турли сондаги тактлар билан бажаради.

Микропроцессорнинг юқори моделларида бу командалар камроқ тактлар билан амалга оширилади.

Шу ерда, баъзи бир фирмалар (AMD, Gugix) маркировкалари чалкаштирувчи сонлардан фойдаланишига эътибор бериш керак.

Мисол учун, AMD5x86/133МГц микропроцессори фақат Intel-80486(DX4) микропроцессори билан ўхшаш, лекин унинг унумдорлиги энг содда Pentium/75МГц кабидир.

Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган компьютерларнинг кўп қисми Pentium, юқоригоқ қувватли компьютерлар эса — Pentium Pro микропроцессорларга асосланганdir.

Фақат компьютернинг энг арzon моделларигина 486DX4 ёки AMD5x86 микропроцессорлари асосида йигилади, лекин улар Pentiumларга бардош бера олмаганилиги сабабли ишлаб чиқаришдан олинмоқда.

Аҳамият берсак, аввал программа таъминотлари яхши ривожланмаган, WINDOWS туридаги программалар яратилмаган вақтда Intel-80386, ҳаттоқи 80286 микропроцессори ҳам етарли эди.

Кейинчалик WINDOWS 3.1, WINDOWS for Workgroups programma системалари яратилиб, Intel-80386 микропроцессорлари негизидаги компьютерларда қўлланилганда улардаги тезлик етиш маслиги сабабли Intel-80486DX2 ёки DX4 микропроцессорларига алмаштирилди. Имкониятлари жуда ошиб кетган, янги WINDOWS 95, WINDOWS NT,OSF2 Warp системалар билан энди Intel-80486DX2 ёки DX4лар ҳам нисбатан секин ишлайди, бу система ларда Pentium классидаги компьютерларда ишлаш мүмкін.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, микропроцессорларнинг Intel-8088, 80286, 80386, 80486SX турларининг ҳар бирига Intel-8087, 80287, 80387, 80487SX номердаги сопроцессорлар қўшиб ишлаб чиқарилаяпти.

Бу сопроцессорларнинг ўзлари тўғридан-тўғри кўпгина математик ҳисобларни (инженер ҳисоблари, уч ўлчовли тасвиirlар ва бошқаларни) айниқса, ҳақиқий сонлар билан бажариладиган амалларни ҳисоблашга ёрдам беради ва натижада микропроцессорларнинг тезлиги ошади.

Хозирги вақтда микропроцессорларнинг янги турларида (Intel-80486DX, Pentium ва Pentium Pro) ҳақиқий сонлар билан ишлаш системалари киритилган, шу сабабдан улар учун сопроцессорлар ишлаб чиқарилмайди.

## 2.2. ХОТИРА

Барча компьютерлар тузилиши фон Нейман принципига асосланган тўрт қисмдан иборат ва уларнинг бир қисми хотира деб айтган эдик. Хотира маълумот ва программалар саклаш учун хизмат қиласди ва улар бир неча турга бўлинади: Оператив хотира, кэшхотира, BIOS (доимий хотира), CMOS (ярим доимий хотира) ва видеохотирадир.

*Оператив хотира* — компьютернинг энг керакли элементи ҳисобланади. Процессор асосан шу қисмдан программа ва маълумотларни олади, қайта ишлагач натижаларни унга ёзиб қўяди. Бу хотирани оператив деб аталишига сабаб, процессорни бу қисм билан ўтказадиган ўқиш, ёзиш амаллари жуда ҳам тез бажарилади.

Компьютерда ўрнатилган хотира ҳажмига қараб у ёки бу программалар асосида ишлаш мумкин. Мабодо хотира ҳажми етмаса кўпгина программалар умуман ишламайди ёки жуда ҳам секин ишлайди. Компьютер имкониятларини хотира ҳажмига солишиб кўйидагича таснифлаш (классификациялаш) мумкин:

— 1 Мбайтгача ёки камроқ — компьютер фақат DOS мұхитида фаолият кўрсатади. Бундай компьютерларда фақат маълумот киритиш ва таҳrir қилиш мумкин;

— 4 Мбайт — компьютер DOSда мақбул, WINDOWS 3.1да эса фақатгина кичик ва мураккаб бўлмаган ҳужжатларни қайта ишлайди.

— 8 Мбайт — DOS, WINDOWS 3.1 да яхши ишлайди, WINDOWS 95, OSF2 Warp ёки офис программаларида қийналади;

— 16 Мбайт — энг замонавий WINDOWS 95, OSF2 Warpларда яхши ишлашингиз таъминланади;

— 32Мбайт — локал тармоқларининг серверлари, суръат тасвиirlари ёки видеофильмларни қайта ишлашга хизмат қиласди. WINDOWS NT мұхитида ишловчи компьютерлар учун энг қулай.

Оператив хотира нархи 1995—96 йиллар давомида камида тўрт марта арzonлашгани, катта ҳажмдаги программа яратувчилар учун компьютер хотирасини ошириб бориш имкониятини беряпти.

Ҳисоблаш техникасига оид китоб, журнал ва адабиётларда оператив хотира авваллари күпроқ ОЗУ (рус тилида оперативное запоминающее устройство) дейилса, ҳозир RAM (random access memory, хотирага ихтиёрий боғланиш) деган термин билан атлади.

Оператив хотира иш ҳажмига қараб кўпинча етмайди, баъзида етарли бўлади ва ҳеч қачон ортиқча бўлмайди.

Ундаги ҳажмни чеклаш унинг молиявий ҳолати билан узвий боғлиқдир. Сиз чўнтакдаги пулингизга қараб кичик ёки катта хотирага эга компьютерни танлайсиз, бироқ юқорида таъкидлага-нимиздек, замонавий программалар (дастурлар) ҳеч бўлмагандан 16 Мбайт ҳажмли хотирага эҳтиёж сезади, зеро 32 Мбайт хотира мақбул ҳисобланади. 64 Мбайт хотирали компьютерда исталган программалар билан ишлаш мумкин.

Авваллари 1 Мбайт хотирани она платага жойлаштирганда, ўнлаб микросхемалар қатор терилиб йифиларди ва кўп жой эгалларди. Натижада 16–32Мбайт хотирани она платада теришга катта ўлчам керак бўларди.

Ҳозирги вақтда хотираларни ишлаб чиқариш бошқа технологияга ўтди — хотира вертикалига ўса бошлади. Янги технологияга асосан хотиралар SIMM модулларига пайванд қилинади, ҳамда улар вертикаль равишда асосий платадаги улагичга ўрнатилади. SIMM — модуллари 4Мбайтгача ҳажмда бўлади, натижада 4та SIMM — модулини она платага улаб 16Мбайт, 8тасини улаб хотира микдорини 32Мбайтга етказиш мумкин.

Илк SIMM — модуллари 8 разрядли, 30 контактли бўларди.

Ҳозирда улар ўринини 32 разрядли 72 контактли SIMM — модуллари олишди. 486 компьютерларига бундай модулнинг бир донаси етарли (30 контактли бўлгандан 4 таси лозим бўларди), Пентиум (Pentium) учун эса уларнинг 64 разрядли шинасидан камида 2 та модули керакдир.

**Маслаҳат.** Умуман компьютер танлаб олишда зарурӣ хотира ҳажми иложи борича камроқ модуллардан йигилгани мақсаддага мувофиқ. Бу аввало компьютерни стабил ишлашини таъминласа, иккинчи томондан сизнинг ихтиёргизда хотирани кейинчалик кенгайтириш учун бўш уячалар қолади.

Хотира микросхемалари ишлаб чиқариш технологияси — микроэлектрониканинг энг тез ривожланаётган жабҳаларидан биридир. Илгари хотира процессоридан анча секин ишларди ва унга мурожаат қилиш учун кутиш цикллари ва маҳсус буферлар схемаларидан (кэш-хотирадан) фойдаланилар эди. Бугунги кунда процессор билан синхрон ишлайдиган энг замонавий хотира модуллари — DIMM ишлаб чиқарилмоқда. Охирги беш йилда хотира тезлиги юзлаб, уларнинг ҳажми минглаб марта ошди, бунда уларнинг ўртacha нархи узлуксиз арzonлашмоқда. Кэш-хотира, баъзи адабиётда ички хотира терминида ҳам берилади.

Баъзи компьютерлар учун қуидаги кеш-хотираға эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Intel-80386DX ёки Intel-80386SX лар учун 64 Кбайт кэш-хотира қониқарли, 128 Кбайт эса жуда ҳам етарлидир. Intel-80386DX, DX2, DX4 ва Pentium компьютерлари 256 Кбайт кэш-хотира билан таъминланган, 32 Мбайт оператив хотирили Pentium компьютерлари учун эса 512 Кбайтли кэш-хотира етарлидир.

Энг замонавий Pentium Pro микропроцессорларида Кэш-хотиранинг бир қисми процессор билан бир корпусда жойлаштирилган бўлади.

*BIOS (доимий хотира)* — IBM PC туридаги компьютерларда мавжуд бўлиб, улардаги маълумотлар микросхема тайёрланадиганда киритиб қўйилади. Бу маълумотлардан кейинчалик компьютер ишлайдиганда фақат ўқиш учун фойдаланилади.

Мазкур тур хотирини кўпинча ROM (read only мемогу, яъни фақат ўқиладиган хотира) ёки ПЗУ (постоянное запоминающее устройство) деб юритилади..

Доимий хотира компьютер воситаларини текшириш, операцион система (ОС, мисол учун MS DOSни) юкланишини амалга ошириш ва компьютер қурилмаларига хизмат кўрсатувчи ички (база) функцияларини бажаради. Бу функцияларнинг асосий қисмини киритиш-чиқариш хизматидаги программалар ташкил этгани учун мазкур программалар BIOS (Basic Input Output System ёки киритиш-чиқариш база системаси) дейилади.

BIOSда шунингдек компьютер конфигурациясини созловчи SETUP программаси ҳам жойлашган бўлади. Бу программа қурилмаларнинг баъзи бир характеристикаларини ўрнатишга (видеоконтроллер, қаттиқ диск ва дискет дисководи, ундан ташқари пароллар ўрнатиш ва бошқаларга) хизмат қиласди. Бу программа ишлшини, компьютерни ҳар гал юклашда ва қайта юклашларда кўриш мумкин.

*CMOS (ярим доимий хотира).* Компьютерда кичик жойни эгалловчи, конфигурация параметрларини сақловчи ярим доимий хотира қисми ҳам бор. Бу хотира CMOS (complementary metal-oxide semiconductor) технологияси асосида тайёрланган, маҳсус аккумулятор ёрдамида кичик қувватда ишлайди, шунинг учун ундағи маълумот ҳеч қачон ўчиб кетмайди. SETUP программаси ҳар гал компьютер конфигурациясини созлагандага, лозим бўлса CMOS характеристикаларига ўзгартириш киритади.

*Видеохотира.* Компьютерларда видеохотира деб юритилувчи яна бир тур хотира мавжуд, у монитор экранига чиқариладиган тасвирни сақлашга хизмат қиласди. Бу хотира тасвирни экранга узатишни бошқарувчи электрон схема (видеоконтроллер) таркибида киради. Видеоконтроллер алоҳида плата шаклида тайёрланади, гоҳида эса асосий она плата таркибида ишлаб чиқарилади.

## 2.3. ЭЛЕКТРОН ПЛАТАЛАР, КОНТРОЛЛЕР ВА ШИНАЛАР

Компьютерлар асосини электрон платалар ташкил этади. Ҳар бир плата кичик текис пластикадан ва унга жойлашган микросхемалар, конденсатлар, разъемлар ва бошқалардан иборат, улар ўзаро ўтказгичлар билан боғланган бўлади.

*Системали плата (она плата).* Компьютердаги энг катта плата — система платасидир. Бу платада асосий қисмлар: микропроцессор, оператив хотира, кэш-хотира, шина (ёки шиналар) ва BIOS жойлашади. Бундан ташқари компьютер воситаларини бошқарувчи контроллерлар ҳам мазкур платада бўлади.

Мисол учун, клавиатура контроллери, доимо қаттиқ диск, эгилувчан диск қурилмаси, киритиш-чиқариш портлари, видеохотира ва бошқаларнинг контроллерлари ҳам гоҳида система платаси таркибига кирган бўлади.

Система платаси бир вақтнинг ўзида компьютернинг барча электрон системаларининг механик асоси бўлади ва янги қурилмалар, қўшимча хотира, умумий таркибни кенгайишига (имкониятларини оширишига) хизмат қилувчи улагич (разъем)лар билан жиҳозланган.

Маслаҳат. Агар компьютер йифмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлсангиз таниқли фирмалар система платаларини олинг. Булар компьютернинг умумий иш унумдорлиги ва ишончлилигини оширади.

Агар система платаси олдиндан истиқболли моделларни улашга мўлжалланган бўлса, уларни хоҳлаган вақтда алмаштириш мумкин. Агар бошқа воситалар улаш учун бўш разъемлар мавжуд бўлса, унда хотира ҳажмини ошириш ёки қўшимча қурилмалар улаш имконияти бўлади.

*Контроллерлар.* Компьютернинг турли воситалари қурилмаларини бошқарувчи электрон схемалар контроллерлар деб юритилади.

IBM PC туридаги барча компьютерларда клавиатура, монитор, қаттиқ ва эгилувчан диск қурилмалари ва ҳ.о.ларнинг контроллерлари мавжуд. Ҳозирги замон компьютерларининг барчасида системали плата таркибига контроллерлар киради, бундайларни — тикилган ёки интеграциялашган контроллер деб аталади. Амалда ҳар бир контроллер ўзи учун алоҳида ясалган платада (контроллер платасида) жойлашади. Бу платалар системали платанинг маҳсус разъемларига уланади. Натижада истеъмолчи ўзининг компьютерига қўшимча воситалар қўшиш ёки алмаштиришни оддигина, мазкур контроллер платаларини суғуриб олиш ёки тиркаш билан амалга оширади. Мисол учун факс-модем, товуш картаси ёки телекўрсатув қабул қилиш платасини ўзингиз улашингиз мумкин.

Баъзида қаттиқ дисклар (винчестер) ва дискетлар контроллерлари битта платада жойлашган бўлади.

Портатив (ноутбук) компьютерларида махсус контроллерлар, РС-карталар (үлчами, кредит карточкаси (54x85.6 мм) билан баравар бўлади) ишлатилади. Улар учун махсус уялар ажратилган бўлади.

*Шиналар.* Шиналар оператив хотира ва контроллер орасида ўзаро маълумот узатиш учун хизмат қиласди. Шунинг учун контроллер платаси она плата разъёмига киритилганда шинага уланади.

Замонавий компьютерларда икки турдаги шиналар мавжуд:

ISA — турдаги шиналар, тезлиги сустроқ бўлган контроллерлар учун (клавиатура, сичқон, дискет қурилмаси, модем, товуш картаси ва бошқалар);

.PCI — турдаги шина тезлиги юқори бўлган қурилмалар орқали маълумот узатишга хизмат қиласди( винчестер, видеоконтроллер ва бошқалар).

Эски компьютерларда EISA, VESA (VLB) — туридаги шиналардан фойдаланилган. Ҳозирда ҳам улардан фойдаланилади, мисол учун локал тармоқларни ўзаро мос фаолият кўрсатишлари учун EISA шинаси билан таъминланади.

*Маслаҳат.* Шиналар разъёмлари (улагичлари) компьютерларда контроллер турига қараб, ҳар хил бўлади. Шу сабаб контроллер сотиб олаётганда, ўзингиздаги компьютерда қандай шина ўрнатилганини аниқлаб, сўнгра сотиб олиш мақсадга мувофиқиди.

*Эслатма.* Аслида она платада 3—4 дона ISA ва PCI туридаги шиналар бўлади. Янги компьютерларнинг баъзи турларида VSB номли универсал шина разъёмлари қолдирилган, уларнинг кабел ва разъёмлари чет эл телефонларига ўхшаши.

Олимларнинг фикрича, яқин орада клавиатура, сичқон, принтер, модем, дисковод, сканерларнинг VSB шинасига уланадиганлари чиқарилади. Энг муҳими VSB шиналарини компьютер ишлаб турганда ҳам улаш ёки узиш мумкин.

*Киритиш-чиқариш портлари контроллерлари (КЧПК).* Ҳар бир компьютерда КЧПКлар мавжуд ва улар кўпинча системали платага тикилган бўлади. КЧПК контроллерлари компьютернинг орқа панелидаги разъёмларга кабеллар орқали уланади. Киритиш-чиқариш портлари қўйидаги турларга бўлинади:

— параллел (LPT1-LPT4 деб белгиланади), компьютер орқа панели 25 уяли;

— кетма-кет (COM1-COM3 белгили). Компьютернинг орқа панелида мос келувчи разъёмларга (9 ва 25 бигизли) сичқон, модем ва бошқа қурилмалар уланади;

— ўйин порти — унинг разъёмига (15 уяли) джойстик уланади. Ўйин порти барча компьютерларда бўлмайди.

Компьютер порт контроллери бир параллел ва икки дона кетма-кет порт билан ишлайди.

Параллел киритиш-чиқариш портлари тезлиги кетма-кет майдумот узатадиган портларни кирилмаса юқори бўлади, чунки уларнинг кабелларидағи симларнинг сони кўп бўлади.

*Компьютернинг энергия блоки.* Компьютернинг асосий корпусидаги қурилма ва воситаларни етарлича энергия билан таъминловчи мослама энергия блокидир.

Унинг асосий вазифаси айтилган воситаларни энергия билан таъминлаш, ҳаво алмаштириш ва процессор ичини совутишдир, чунки кўпгина компонентлар энергия блоки, процессор ва винчестер узлуксиз иш вақтида қизиб кетади.

Агар ишончли ҳаво алмаштириш таъминланмаса, компьютер ички қисмлари қизиб кетиши ва тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари кучланишлар тез-тез ўзгарилиган, катта кучланишли токлар ўтадиган жойларда энергия блокининг ишончлилиги катта аҳамиятга эга.

**Маслаҳат.** Компьютер сотиг олишда энергия блокининг кувватини аниқлаб олинг. У камида 200—250 ватт бўлиши керак, ако ҳолда у кўшимча қаттиқ диск (винчестер), кўшимча платалар, янги кучлироқ процессор, мультимедиа воситаларини ўрнатишда ток етмай қолишига сабабчи бўлади.

**Компьютерни бекордан-бекорга ёқиб-ўтирунг,** агар ишдаги танаффус катта бўлмаса, энергияни ўтирунгизим. Яхшиси электр энергияни тежаш учун вақтинча винчестерни тўхтатиш, монитор экранини ўтириш керак.

Агар сизнинг электр тармоғингиз ишончли бўлмаса лампочкалар тез-тез лишилаб, бальзан ток кетса, кечки лайт кучланиш камайиб турса, компьютер энергиясини муҳофаза қилиш учун стабилизатор, «Пилот» туридаги импульсли тўсқинлик тармоқ фильтрлари, UPS—бетўхтов энергия маҳсус блокларини қўллаш лозим, ўнки улар ўзиға ўрнатилган аккумуляторларни зарядка қилиб турди.

## 2.4 КОМПЬЮТЕР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЖОЛАШИШ СХЕМАСИ

Компьютер қурилмаларини блок-схема орқали сири 3-расмда берилган.

Бу расмда компьютер тузилишининг оддий ваганти кўрилган. Аҳамият берсангиз она платада микропроцессор BIOS, CMOS, оператив хотира, кэш-хотира, клавиатура контролери, киритиш-чиқариш порти контроллери шиналар орқали таъминланган. Диск ва дискет контроллери, видеоконтроллерлар алоҳи плата шаклида бажарилган.

Компьютер компонентлари сони ортиши бин унинг конфигурацияси ҳам турли кўринишни олади.

Шу сабабдан компьютерлар конфигурациялар қараб: «офис», «уўй», «элита учун», «программа таъминотчи», «график стан-

# СИСТЕМАЛИ БЛОК



ция», «студия», «илмий», «сервер» ва бошқаларга шартли равиши да бўлинади.

Мазкур компьютерларнинг таркиби за бошқа характеристикаларини кейинги бобларда кўрамиз.


## 2.5 КОМПЬЮТЕРНИНГ ТАШКИ ҚУРИЛМАЛАРИ

### 2.5.1 Эгилувчан магнитли дисклар

Компьютернинг имкониятлари кундан кунга ўсиб бораётгани сир эмас. У маълумотларни қайта ишловчи универсал механизмдан, янгидан-яңги маълумотларни киритиш-чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш қурилмаларини улаб, фаолият кўрсатадиган ҳам мураккаб, ҳам хизмат кўрсатиши кулагай станцияга айланди.

Бу бобда компьютернинг энг кўп тарқалган қурилмаларини кўриб ўтамиш.

*Эгилувчан магнитли дисклар.* Эгилувчан магнитли дисклар (қискача дискетлар) программалар, маълумотларни бир компьютердан бошқа компьютерга кўчиришга, ҳамда сақлашга хизмат қилали. Дискетлар қурилмаси (FDD — Floppy Disk Drive) эса ўқишёзишга хизмат қиласи. Дискетлар размери 5.25 дюйм (1.33 мм) ва 3.5 дюйм (89 мм) ўлчовида бўлади.



4-расм

3.5 дюймли дискета кўрининши 5-расмда берилган. Кўрсаткич дискетни қайси йўналишда NDD қурилмасига киритиш кераклигини кўрсатади; бу қирким, агар ёпилса дискетта ёзиш мумкин эмас. Ёпишқоқ қофоз (скочга ўхшаш) билан вактингча ёпиштириб ҳар турли (рухсатли-рухсатсиз) ёзишлардан ҳимоя қиласиз, исталган вактда агар дискетга маълумот киритиш зарур бўлса бу қофозни кўчириб олиб, ёзиши амалга оширишингиз мумкин.

3.5 дюймли дискета кўрининши 5-расмда берилган. Кўрсаткич дискетни қайси йўналишда NDD қурилмасига киритиш кераклигини кўрсатади.

а) суримла тешик, агар у ёпиқ бўлса, ёзиш таъкидланади. Тешикни очиб ёпиш осон, уни пастга ёки тепага сурини ҳал қилинади,

б) муҳим тешик. Агар у мавжуд бўлса, дискет ҳажми 1.44 Мбайтили, акс ҳолда 720 Кбайт эканини билдиради.

Бу икки ўлчами турли дискетлар ичидаги 3.5 дюймли дискетлар маълумотларни ишончлироқ сақлади, чунки корпуси пластик-

дан ва металл қобиқдан ишланыб, ҳимоя вазифасини яхши ўтайди.

Бундан ташқари дискетлар маълумотни турли зичликда ёзиб, сақлашлари мумкин. 5.25 дюймли дисклардан баъзи бирларига иккилик зичлигига (Double Side/Double Densite, DS/DD) — 360 Кбайт, иккинчи турларига юқори зичликда (Double Side/High Densite, DS/HD) — 1.2 Мбайтгача маълумот ёзиш мумкин.

5.25 дюймли дискетлардан фойдаланишда фойдаланувчидан эҳтиёткорлик талаб қилинади: бундай дискетларни эгиш ёки очиқ магнит қатламли жойларига қўл теккизиш мутлақо зарарли; дискетлар FDD — қурилмасига оҳиста киритилиши, олиниши лозим, ҳамда ўзи қофоз филофда чанг тушмайдиган, қуруқ жойларда сақланиши керак.

Ҳар икки турдаги дискетлардан нотўғри фойдаланиши туфайли, ёки FDD — қурилмасининг айби билан ахборот йўқолиши ёки ўчиб кетиши мумкин. Шунинг учун уларни эҳтиёт қилиш керак.

**Маслаҳат.** Дискетлар эҳтиётлик билан фойдаланишни талаб этади. Уларнинг асосий душманлари — чанг ва магнит майдонидир.


Чанг дискетанинг ичига кирап экан, магнит қатламида тирнашлар пайдо бўлишига, бу эса маълумотларни йўқолишига олиб келади. Дискетдаги мавжуд маълумотлар агар уни катта магнит майдонига, мисол учун овоз колонкаси ёки қандайдир трансформаторга яқин қўйса ҳам осонгина ўчиб кетади.

**Компьютерларнинг охирги турларида асосан 3.5 Мбайтли дискетлардан фойдаланиш амалга киритилган.**

**Эслатма.** Дискетларнинг 360 Кбайтли сифими бир варақقا 30 қатор, қаторига 60 символ босилган 200 варақ маълумотни ўзида сақлаши мумкин.

Дискеталарни сотиб олгандан сўнг, биринчи қилинадиган иш уни форматлаш керак. Форматлашни маҳсус программалар бажарди. Мисол учун, DOS операцион системасида FORMAT программаси хизмат кўрсатади. Форматлашда дискетнинг юзаси текширилади ва бузилган участкалари дефектли деб белгилаб қўйилади, натижада ўқиш-ёзиш бу участкаларда амалга оширилмайди.

Дискетлар форматлаш натижасида шартли равишда йўл (дорожка) ва секторларга бўлинади. Шунинг учун форматлашда қайси йўл, қайси сектор яроқли ёки яроқсизлиги аниқлаб қўйилади. Яроқсизлари ажратилиб, сўнг улардан фойдаланилмайди.



5-расм

Эслатма. Ҳозир күпгина фирмалар дискеталарни форматлаб ҳам сотади. Дискетдаги маълумотларни билмасдан ўчириб юборсангиз, DOS даги Pstools ёки унга ўхшаш программалар билан маълумотларни тиклаш мумкин.

## 2.5.2 Винчестер — қаттиқ диск

NDD (Hard Disk Drive) — қаттиқ диск ёки винчестер компьютердаги: операцион система, программалаш трансляторлари ва тиллари, матн ва график редакторлар (муҳаррирлар), драйверлар, программавий қобиглар, программалар, файллар ва ҳ.о.ларни доимий сақлади.

IBM PC туридаги барча компьютерларда винчестер мавжуд бўлади. Винчестер компьютердаги бор қурилмалар (оператив хотирадан ташқари) ичида маълумотни энг тез юқори қўзғалиш (7—20 миллисекунд, мс) ва ўқиш-ёзиши 5Мбайтгача тезлигини таъминлайди.

Компьютердан фойдаланувчи винчестерни асосан уч параметрига қараб аниқлаб олади, булар: сифим, тезлик, интерфейс.

Винчестер сифимини — қаттиқ дискка жойлаштириш мумкин бўлган маълумот миқдори белгилайди. Энг биринчи IBM PC компьютерларида қаттиқ диск сифими 5 Мбайт бўлган бўлса, ҳозир 800 Мбайтдан то 1.6 Гбайтгача, ҳатто 2—4 Гбайтга етди. 500 Мбайтли: қаттиқ хотира эскирган ҳисобланиб, умуман ишлаб чиқаришдан олинган. Ҳозирги вақтда қаттиқ дискнинг минимал миқдорини 9 Гбайтга етказилгани маълум.

Винчестер сифимига қараб компьютер у ёки бу программа билан қўйидаги имкониятларда ишлайди:

- қаттиқ диск (винчестер) сифими 20 Мбайт — компьютер фақат электрон ёзув машинаси вазифасини DOS да ўтайди холос;
- қаттиқ диск сифими 40—80 Мбайт DOSда ишчи ўрни вазифасида жуда катта ҳажмда бўлмаган маълумотлар билан ишланади;
- қаттиқ диск сифими 120—210 Мбайт WINDOWS 3.1 да тўлиқ бўлмаган иловалари билан фойдаланиш мумкин;
- қаттиқ диск сифими 340—520 Мбайт WINDOWS 3.1 га тўлиқ етарли;
- қаттиқ диск сифими 850 Мбайт — 1 Гбайт WINDOWS 95, WINDOWS NT, Work Fortion, OSF2 Warpра офис вариантига маъқул келади;
- қаттиқ диск сифими 2—9 Гбайт WINDOWShнинг барча турларидан ташқари, файл серверлари, нашриёт босма системалари, график станциялар учун фойдаланиш мумкин.

Винчестер тезлиги қўзғалиш ва маълумотларни ўқиш-ёзиш билан характерланади. Бу характеристикаларни автомобилнинг қўзғалиш ва энг юқори тезланишига қиёслаш мумкин.

Кўп компьютерларда дискдаги қўзғалиш 1—12 мс ёки ундан ҳам тез, янги дискларда 7—8 мс га teng. Дискда ўқиш-ёзиш тезлиги фақат дискка эмас, контроллер, шина тури, процессор тезли-

гига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳозирги замон компьютерларининг арzon вариантилари учун тезлик 1.5—3 Мбайтни, қимматроқларида тезлик 4—5 Мбайтни ташкил этади.

Винчестерлар асосан IDE туридаги интерфейс билан контроллерга уланган бўлади (Контроллернинг маркаси ҳам IDEдир). Амалда ишлаб чиқарилаётган барча компьютерлар она платасида тикилган IDE контроллерига эга. Айтиш лозимки — IDE контроллери тўрттала қурилма — қаттиқ диск, эгилувчан дискет қурилмаси, стример, бундан ташқари лазер дисклар CD-ROM учун қурилма ва бошқаларга ишлатилади.

Локал тармоқларининг серверларида ва бошқа унумдорлиги юқори, нархи қиммат компьютерларда эса диск учун SCSI интерфейси ишлатилади. Бу ҳолда SCSI контроллери она платада бўлиши ҳам зарур. Мазкур контроллер аввалги IDEга нисбатан бир неча марта қимматдир, тезлиги юқори, 4 эмас 7 қурилмага (ҳатточи 15 ёки 31 дона бўлиши мумкин) хизмат қиласди.

Қурилмалар турли-туман бўлади. Мисол учун сканер, магнит оптик дисклар дисководи, CD-реордер ва ҳ.о.лар.

**Эслатма.** Эски компьютерларда IDE контроллери (IDEнинг аввалги варианти) бўларди. Нисбатан анча секин ишлайди ва 528 Мбайтдан ортиқ ҳажмдаги қаттиқ дискни қабул қила олмайди.

**Маслаҳат.** Қаттиқ диск ичида катта тезлиқда магнит қатлами билан қопланган дисклар айланади. Ушбу дисклар юзаси бўйлаб ўқиш-ёзиш мосламалари (головки) ҳаракат қиласди. Диск ва мосламалар яхши ёпилган ва чидамли корпусда жойлаштирилган.

Қаттиқ диск — «юқори технологияларнинг» мураккаб ускунасиdir. У эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, сақлаш қоидаларига риоя этилишини талаб қиласди.

Дискларнинг катта тезлиқда айланishi вақтида уларнинг юзаси ва ўқиш-ёзиш мосламалари ўртасида юпқа ҳаво ёстиқчаси вужудга келадики, у диск магнит қатламига зарар етказиши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда мосламанинг ўзи ҳам заарланади.


Мослама ва диск орасидаги ҳаво оралиғи шунчалик камки, ундан ҳатточи тамаки тутунида мавжуд жуда кичик қаттиқ заррачалар ҳам ўтмайди.

Бундай заррачалар ёпилган фильтрларга қарамай винчестернинг герметик корпусидаги вентиляция тешикчалари орқали кириши аниқланган. Экспертлар чанг босган ёки тутаб кетган хонада қаттиқ дисклар анча тез ишдан чиқишини аниқлашган.

### 2.5.3 Мониторлар ва видеокарта

Компьютер билан бўладиган бевосита мулоқотни экранда кўриш учун монитор (дисплей) хизмат қиласи. Монитор икки хил режимда: матн ёки график маълумот чиқаради (6-расм).

Мониторлар телевизорларга ўхшаши, у ҳам тасвиirlарни кинескоп (электрон-нур трубкаси) ёрдамида ҳосил қиласи. Мониторлар ҳар қандай телевизорлардан фарқли ўлароқ яққол ва аниқ тасвиirlарни кўрсатади.



6-расм

Мониторлар монохром (оқ-қора) ва рангли бўлиши мумкин. Улар бир-биридан размерлари (14 дюймдан 21 дюймгача) билан фарқланади. Ҳар хил мониторлар экранга турлича микдорда нукталар (белгижой ёки позиция) горизонтал-вертикаль бўйича 640x480 дан 1600x1280 тагача ҳосил қила олади. Бу сонлар қанча кўп бўлса, монитор аниқлиги яққолроқ бўлади.

Компьютерга монитор улаш учун маҳсус видеоадаптер зарур.

*Видеоадаптер* — тасвир тўғрисидаги маълумотлар сақланадиган хотирианинг муайян қисмини мониторда акс эттирувчи сигнални, ҳамда синхронизация сигналларини горизонтал (сатрли) ва вертикаль (устун бўйича) тақсимлаб шакллантиришдан иборат.

Энг биринчи персонал компьютерларда монитор вазифасида майший телевизордан фойдаланилган бўлса, ҳозир эса компьютерни жуда кувватли, кучли график станцияга айлантирувчиларга етиб келинди.

Бу вақт ичиде платалар ва стандартларни бир неча авлоди алмашди. Аввалига MDA (Monochrome Display Adapter — дисплейнинг монохром адаптери) стандарти пайдо бўлди. MDA платаси экранга фақат алфавит-рақамли ахборотни чиқаришга қодир — ҳеч қанақа графика ва рангларни таъминлай олмасди.

MDA ўрнига келган CGA (Color Graphics Adapter — рангли графика адаптери) нафақат матнли, балки график режимларда ҳам ишлар ва мавжуд бўлган ўн олти рангининг тўрттасини кўрсата оларди.

Кейинги босқичда EGA (Enhanced Graphics Adapter — яхшиланган графика адаптери) экранда кўринадиган рангларнинг сонини 64 рангли палитрадан 16 рангача етказди ва экранга чиқариладиган графика сифатини анча яхшилади. EGA стандарти пайдо бўлиши график программалар, жумладан Microsoft Windows операцион системаси имкониятларини кенгайтиришга ва машхур бўлиб қетишига омил бўлди.

Бугун ҳам фойдаланиб келинаётган VGA (Video Graphics Array) энг муваффақиятли видеостандарт ҳисобланади, бироқ ҳозирги кунда у ҳам такомиллашиб, SVGA (Super-VGA) стандартига ўтди.

Агар VGANинг биринчи вариантларида ранглар палитраси 262144 дан 256 хил чиқаришни таъминласа, кейинги VGA билан тўғри келадиган платалар пайдо бўлди, уларда ранглари бўйича фарқ 16.8 млнни ташкил қиласди.

Монитор имконият турлари тўғрисида маълумот қўйидаги жадвалда берилган.

| Монитор  | Тури     | Размери | Матн бўйича | Графика бўйича |
|----------|----------|---------|-------------|----------------|
| MDA      | Монохром | 14      | 80x25,2     | 640x200        |
| Hercyles | Монохром | 14      | 80x25,2     | 740x348        |
| CGA      | Рангли   | 14      | 80x25,16    | 640x200        |
| EGA      | Рангли   | 14      | 80x25,16    | 640x350        |
| VGA      | Рангли   | 14      | 80x25,16    | 640x480        |

Монитор размерига қараб унинг баҳоси ўсиб боради. Мисол учун, 17 дюймли мониторлар 14 дюймли мониторга нисбатан учбаробар қиммат бўлади.

Мониторлар сифати бўйича:

Экрандаги кадрлар частотаси — 75 Гцни ташкил этиши лозим. Бу ҳолда монитор секундига 80, яхши мониторлар (қимматроқ бўлади) 100 кадрни ўтказиши мумкин.


Экрандан зарарли нурланиш олмаслик, улар таъсирини камайтириш учун экранни LR(Low Radiation) деб юритувчи маҳсус қопламалар билан таъминланганига эътибор беринг. Монитор сотиб олаётганингизда компьютер MPRII ёки TCO95 стандартига мос келсагина зарарли нурланишлар минимумга келтирилган деб тушуниш керак. Шу билан бирга монитор спецификациясида NI(Non Interfaced), яъни экран қаторларини баробарига кўрсатиш режими берилган бўлса мақсадга мувофиқ бўлади.

## 2.5.4 Принтерлар

Компьютерда босма қорилмаси принтер деб юритилади ва у маълумотни қофозга чиқаради. Принтерлар матн маълумотидан ташқари, расмлар ва графикани ҳам босиб чиқаради. Баъзи принтерлар фақат бир рангда (қора), баъзилари эса рангли тасвирда ҳам чиқаради.

Ҳозирда принтерлар: матрицали, пуркагувчи (оқимли), лазер-лиларга бўлинади.

*Матрицали принтерлар.* IBM PC учун илгари энг кўп тарқалган матрицали (игнали-матрицали) принтерлар эди. Унинг кўриниши 7-расмда берилган.



7-расм

Бу принтернинг ишлаш принципи, босиш мосламасида (головкада) жойлашган игналар ёрдамида сатр бўйлаб ҳаракатланиб, керакли рақам, символ ва бошқаларни бўялган лента орқали қофозга уради. Игналар сонига қараб (9, 24, 48 та) принтерлар бир неча турларга бўлинади:

а) 9 игнали принтерда босма сифати пастроқ. Сифатини ошириш учун босма 2,4 марта қайтарилади. Натижада принтер секин босади;

- б) 24 игнали принтер сифатли ва тезроқ ишлайди;  
в) 48 игнали принтер босмани жуда сифатли бажаради.

Матрицали принтерларнинг босиш тезлиги бир қофозга тахминан 10—60 сек оралиғида бўлади.


Матрицали принтерлар кўп ишлатилади, чунки уларнинг нархи қиммат эмас, бир қофоз маълумот босиб чиқариш харажати энг арzon ҳисобланади.

*Пуркагичли принтерлар.* Ҳозирда энг кўп тарқалган принтерлар — пуркагичли принтерлардир (8-расмга қаранг).

Мазкур принтерларнинг ишлаш принципи матрицали принтерларга ўхшаш, бироқ босиш мосламасида бутунлай бошқа усулда ясалган. Босиш мосламасида найча (сопло) сиёҳ пуркаши орқали тасвир пайдо бўлади. Босиш мосламаси горизонтал ҳаракатланиб, ҳар бир қаторга уриладиган белгини босиб, қатор охирига етганда, қофоз вертикал бўйича бир қаторга тортилади, сўнг босиш янги қаторнинг биринчи символидан бошлаб давом эттирилади ва ҳ.о.

Бу турдаги принтерлар шовқинсиз ишлайди, сифати яхши, тезлиги бир бет учун 15—100 секунд атрофига.

*Эслатма.* Мазкур принтерлар қаттиқ ва зич қофозга босма чиқариш учун мўлжалланган, газета қофозига ўхшаш ёки сифати паст рангсиз қофозларни иш-



8-расм

латиш мүмкінмас. Принтерда бундай қофозларни тортиб ўтказаётганды йиртилиб ёки йиғилиб қолиши натижасыда принтер ишдан чиқади.

*Лазерли принтерлар.* Албатта сизга энг сифатли ва тез ишлайдиган принтер керак бўлса, лазер принтерлари асқотади. Бу принтерлар (9-расм) босмахона сифати даражасидаги тасвирни таъминлайди.

Лазерли принтерларда барабан бўлади. Барабанга керакли форматдаги тасвирга лозим маълумотлар компьютер командалари ёрдамида юборилади ва лазер уларни электрлаб бўёқ ранглари билан қоплади. Сўнг бир зарб билан сўралган тасвир қофозга босилади.

Мазкур принтерларнинг бўёқ кукунлари (порошоклари) нисбатан қиммат турди, бироқ сифат ва тезлик сизни қониктиради, мисол учун бир бетга 3—15 сек вақт етарли.

Эслатма. Лазер принтерлари маҳсус қофоз талаб қилмайди, шу томондан истеъмолчига қулай.



9-расм

Принтерлар бозорида<sup>6</sup> матрициаллар ичида EPSON түридаги, пуркагичли ва лазер принтерлардан эса Hewlett Packard фирмасига тааллуқди принтерлар харидоргир ҳисобланади.

Рангли босма учун маҳсус принтерлар қўлланилади. Тасвири энг яхши (фотография сифатига ўхшаш) ифодалар сублимацион (Dye sublimation) принтерларида ҳосил қилинади. Бироқ бу принтерларга ишлатиладиган маҳсулотлар ўзининг ўта қимматлиги билан ажралиб туради.

## 2.6 КОМПЬЮТЕРНИНГ ҚЎШИМЧА ҚУРИЛМАЛАРИ

*Сканер* — компьютерга матнли ёки тасвири майлумотни кири туви чиқаришади. Сканерлар белгиларни ҳам англайди, шунинг учун қўллэзмаларни компьютерга киритиш мумкин (расм 10).

Сканерлар 2 хил бўлади: автоматик ва ноавтоматик.

Биринчиси майлумотни варақлаб ўқийди, иккинчиси сатрлаб, бунинг учун сканерни керакли сатрга кўл билан суреб туриш керак.


*Плоттер* — чизмаларни қофозга чиқарувчи қурилма. Плоттерлар 2 хил бўлади: барабанли ва планшетли. Барабанлиги рулонли, планшетлиги варақли қофозга чиқарди. Плоттерлар лойиҳачилар, чизмачилар, шаҳар архитектураси билан шуғулланувчилар, картография мутахассисларига қулай.

*Стример* — компьютернинг винчестеридағи майлумотларни нусхасини заҳирага олиш учун мўлжалланган қурилма бўлиб, майлумотларни магнит лентали кассетага (картриджга) ёзишга мўлжалланган.

Стримерлар фойдаланишида қулай ва майлумотларни сақлашда энг арzon воситадир. Стримерлар сифим миқдорларига (20 Мбайтдан 40 Гбайтгача майлумотни бир кассетага сифидира олади) ишлатилаётган кассета тури, интерфейс, ўқиш-ёзиш тезлиги (100 Кбайт/сдан 5 Мбайт/сгача), лентага ёзиш ишончлилиги юқори ҳисобланади.

Бажарадиган вазифасига қараб, сотувда турли стримерлар мавжуд. Булар оддий персонал истеъмолчига мўлжалланган арzon, ҳамда жуда ишончли, кассеталарни автоматик равищда алмаштириб қисқа вақт майлумотни заҳирага ёзиб оловчи ўн, юз Гбайт миқдордаги майлумот сифимини қабул қиласидиган ва ёзув қурилмасига киригадиганлари ва ўта қимматлари ҳам бордир.

*Модем* — бу мисоли компьютер ва телефон тармоғи ўртасидағи таржимон ҳисобланади. У шунинг учун зарурки, телефон линиялар ва компьютерлар майлумотларни иккита бошқа-бошқа ва мос келмайдиган усувлар билан ўтказади ва ишлов беради.



10-расм

Компьютерлар фақат рақамлар билан амал бажаради ва ишлайди. Телефон линиялари эса худди осциллограф экраныда күриналадиган аналог сигналлар билан ишлайди.

Компьютердан бошқа компьютерга ўртадаги телефон линиясыдан фойдаланиб маълумот юбормоқчи бўлсангиз, у ҳолда модем албатта зарур бўлади. Чунки компьютер маълумотини модем модуллаштириб, яъни рақамли маълумотни аналог сигналларга айлантириб телефон линиясига ўтказади. Телефон линиясидан у томонидаги бошқа модем эса тескари амални бажариб, аналог сигналларни рақамли маълумотга айлантиради. Бу ҳодисани демодуллаштириш деб аташ қабул қилинган.

Модем тезлиги секундига ўтказадиган бит(бод) маълумот билан ўлчанади. Ҳар бир ҳарф ёки белги саккиз бит ҳисобланади.

Модемларни компьютерга жойлаштирилган (тикилган) тури ва интерфейсга уланадиган ташқи модем тури бор.


Ҳозир 2400—56000 бод даражасида ишлайдиган модемлар мавжуд. Агар сиз интернетдан катта файлларни юбориш ва қабул қилиш учун фойдалансангиз, унда албатта тезкор модемлардан фойдаланган маъкул, чунки тармоққа соатбай пул тўлайдиган бўлсангиз бу ҳолат сизга кўл келади.

*Компакт-дисклар* 640 Мбайтгача маълумотларни сақлай олади.

Компакт дисклар асосан ўқищ учун ишлатилади ва уларга маълумот тайёрланаётган паллада ёзилади. Бу маълумотларга ўйинлар комплекси, энциклопедиялар ва ҳ.о.лар киради.

Агар компьютер таркибида овоз картаси мавжуд бўлса дисклар курилмаси аудиокомпактдисклардан мусиқа, куй, кўшиқ эшлиши имконини беради.

*Трекбол* — шар шаклидаги манипулятор. Шарни бураган тарафинизга экрандаги тасвир ҳам мос равишда буралади. Кўпинча компьютер ўйинларида фойдаланилади (11-расм).



11-расм

## III БОБ. АХБОРОТ ВА КОМПЬЮТЕР

### 3.1 СОН, САНОҚ СИСТЕМАЛАРИ ВА АЛГОРИТМ

Ҳар қандай компьютер сон билан ишлайди. Сон тушунчаси ҳозир ҳам, минг йиллар аввал ҳам бўлган.

Мисол учун ҳозирги ўнлик саноқ системасини олиб кўрайлик. Ўнта: 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9 сонларини ҳар биримиз биламиз. Бироқ бу саноқ системасига «нол» сонини IX асрда ўзбек олими Муҳаммад ал Хоразмий кашф этиб киритганини ҳар ким билмаса керак.

Шу сабабдан ва фақат шунинг учун эмас, Абу Абдулла Муҳаммад Ибн Мусо Хоразмий (таксинан 787—860 йиллар) — инсоният тафаккурининг ёрқин юлдзузи, математика фани тарихида чуқур из қолдирган улуф ўзбек олими сифатида оламга машҳур. Муҳаммад ал Хоразмийнинг яна бир улкан ҳиссаси ўнлик системадаги амалларни (қўшиш, олиш, кўпайтириш ва бўлиш) бажариш қоидаларини (алгоритмларини) асослади.

Европа олимлари бу амалларни ал Хоразмийдан ўргандилар. Буюк юртдошимизнинг «Арифметика» китобидан алгоритм тушунчasi оламга тарқатилган бўлса, унинг «Китоб алжабр вал муқобала» китобида эса алгебра кашф этилгандир.

Ушбу китобимизда рақамлардан ташкил топадиган сон тушунчasi билан (мисол учун 1,4,6 рақамларидан ташкил топган мажмуя 146 сонни ифодалайди) компьютерда ишлатиладиган символ (белги), ҳарфлар, тиниш белгилари ва бошқаларга дуч келамиз.

Ҳозирги замон компьютерлари иккилиқ саноқ системасида қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш амалларини, бъязи бир мантиқий операцияларни бажаради. Бундай элементлар биринчи босқич ЭҲМларда вакуумли электрон лампаларда, иккинчисида ярим ўтказгичларда, учинчи босқич ЭҲМ ларда интеграл схемаларда бажарилмоқда.

Одатдаги саноқ системасини (ўнлик) батофсилоқ кўриб чиқамиз, чунки бу системада ҳисоблашнинг умумий қоидаларини бошқа саноқ системалари (иккилиқ, учлик, бешлик, саккизлик ва х.олар) учун айнийдир.

*Ўнлик саноқ системаси.* Ўнлик системасидаги ўнта рақамдан фойдаланилади (0 дан 9 гача).

Системада қўлланиладиган рақамлар сони саноқ системасининг асоси деб аталади. Шундай қилиб, ўнлик системасида ҳисоб ўнлик (асос) бўйича олиб борилади.

Агар ҳисоб бирор хонада энг катта рақам чегарасидан чиқса, у ҳолда бу хонада күчириш юз беради. Масалан, агар 9 турган хонага 1 қўшилса, бу хонадаги катта рақам энг кичик 0 га алмашиниб, кўшни катта хонага 1 қўшилади. Бу 1 олдинги хона билан қўшиб ҳисобланганда ўнга тенг бўлади. Яъни ўнлик системада ҳар бир хонанинг салмоғи олдинги хона салмоғидан ўн баробар каттадир. Бўндан ташқари ўнгга нисбатан жойлашиш хонасига қараб ҳар бир рақамни 10 сонининг даражаси билан ҳам ифодалаш мумкин. Мисол учун 7ни  $7 \cdot 10^0$ , 77ни  $7 \cdot 10^1 + 7 \cdot 10^0$  шаклида ифодаланади.

Шунинг учун  $567 \text{ни } 5 \cdot 10^2 + 6 \cdot 10^1 + 7 \cdot 10^0 = 567$ . Аҳамият беринг, бирлик учун даражада 0 билан, ўнликка 1, юзликка 2 ифодаланади. Шу сабаб ҳар қандай сон қўйидаги йиғиндидан иборат қилиб ёзиш мумкин.

$$Nq = K_n q^n + K_{n-1} q^{n-1} + \dots + K_0 q^0 + K_{-1} q^{-1} + \dots$$

бу ерда  $N$  — ифодаланган сон,  $K$  — коэффициентлар,  $q$  — саноқ системаси асоси.

Мазкур сонни қисқача ёзилиши қўйидатicha:

$Nq = K_n K_{n-1} \dots K_0 K_{-1} \dots$  (хонанинг номери вергулдан саналади). Бу формулалар бошқа саноқ системасидаги сонларни ифодалашга ҳам ярайди.

*Саккизлик саноқ системаси.* Сонни бу системада ёзиш учун саккизта рақам: яъни 0..7дан фойдаланилади. Саккиз рақами 10 кўришида («бир» ва «нол» деб ўқилади) тушунилади. Масалан, 69 сони бу саноқ системада қўйидагича ёзилади:

$$69 = 1(8) + 0(8) + 5(8)$$

Қисқача ёзиш учун фақат коэффициентларни оламиз:  $69(10) = 105(8)$  Ўқувчига, 69(10)дан 105(8)га қандай ўтилганини тушунтириб ўтамиз. Бунинг учун 69 сонини 8 га бўлиб, қолдиқлар, натижадан сон ҳосил қилинади.

1-сон натижа, 0-ўнлик қолдиқ, 5-бирлик қолдиқдан ташкил топади.

*Иккислик саноқ системаси.* Бу ҳисоблаш системасида қабул қилиш мумкин бўлган энг кам рақамлар сони 2 га teng. Бу саноқ системаси 2 та рақам 0 ва 1 дан иборат. Саноқ системасининг асоси 2 ва у 10 дек ёзилади. Агар биз ўша ўнлик системасида 69 сонини иккислик системасида тасвирласак, у ҳолда қўйидагича ёзилади:

$69 = 1 \cdot 2^6 + 0 \cdot 2^5 + 0 \cdot 2^4 + 0 \cdot 2^3 + 1 \cdot 2^2 + 0 \cdot 2^1 + 1 \cdot 2^0$  ёки  $69(10) = 1000101(2)$  мазкур қиймат қўйидаги бўлиш натижасидир:

$$69 = 1 \overline{2}$$

$$68 = 1\overline{3}4 = 1\overline{2}$$

$$= 34 = 1\overline{7}2$$

$$1 = 16 = 8 = 1\overline{2}$$

$$0 = 8 = 4 = 1\overline{2}$$

$$1 = 4 = 2 = 1\overline{2}$$

$$0 = 0$$

$$0 = 0$$

$$0 = 1$$

Охирги ёзувда кўриниб турибдеки, иккислик саноқ системасидаги соннинг ўзига хос хусусияти бор, у энг кам рақамлардан

иборат, соннинг ёзилиши эса узун. Шу сабаб кўлда ҳисоблаш учун бу система амалда яроқсиздир. Аммо компьютерларда, калькуляторда фойдаланишдаги афзалликлари шу қадар муҳимки, улар устида батафсил тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Компьютер қурилмаларида: процессорни, хотирани оласизми, уларни ташкил этган элементлар икки ҳолатни белгилайди. Бу эса нол ва бир рақамидан фойдаланишга қулийгини билдиради.

Бундай элементлар сифатида компьютерда лампочка, транзистор, конденсатор, реле, ферромагнит сиртлар, интеграл схемалар авваллари ва ҳозир ҳам ишлатилади. Одатда улар икки турғун ҳолатнинг бирида бўлади; лампа ўчиқ-ёник, конденсатор зарядланган-зарядсизланмаган, реле уланган-узилган, ферромагнит сирт магнитланган-магнитсизланган ва бошқалар.

Буларнинг ҳаммаси икки позицияли элементлар деб аталади. Охирилар энг содда ва энг ишончли бўлиб, шунинг учун машинада иккилик саноқ системаси қўлланила бошланди. Албатта, биз учун энг қулий одатдаги ўнлик системасини қўллашдир. Лекин бу ҳолда рақамни тасвирлаш учун ҳалқасимон схемага ўнта тригер ёрдамида ифодалаш лозим бўларди, ҳолбуки, булардан ўз вақтида компьютер конструкторлари воз кечган эдилар ёки бўлмаса, ўнта турғун ҳолатдан мураккаб ва ишончлилиги кам элементлар яратишга тўғри келган бўлар эди. Бу ҳолда жуда мураккаб ва қимматга тушадиган компьютер ҳосил бўларди.

Икки позицияли элементлар жуда содда ва ишончли «ҳа» — «йўқ», «уланган» — «узилган» принципи бўйича ишлайди. Булар ёрдамида иккилик сонларнинг хоналарини тасвирлаш жуда қулий: элементнинг турғун ҳолатининг бирини 0(нол) деб, бошқасини 1 деб олинади.

Иккилик саноқ системаси арифметика соҳасида ҳам катта афзалликларга эга бўлиб, арифметик хотира қурилмаларининг конструкциясини бир мунча соддалаштиришга, функционал схемаларни ечишда аппарат миқёсида ҳал қилишининг процессорлар ва сопроцессорлари тўғрисида сўз юритган эдик, улар аппарат кўринишида интеграл схемалар, тригерлар, чилларни 2 лик саноқ системасида ҳал қилинганига мисол бўлади.

Иккилик саноқ системасининг яна бир афзаллиги устида, унинг тежамкорлиги ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Саноқ системасининг тежамкорлиги соннинг бир хонасидаги рақамни сақлаш учун зарур бўладиган иккилик элементи (мисол учун тригер) билан баҳоланади. Одатда, бу миқдор саноқ системасининг асосига тенг ёки пропорционал бўлади. Умуман мутахассислар ҳисоби бўйича ўнлик сонни компьютерда тасвирлаш учун 3.32 марта кўп хона керак бўлар экан. Бироқ жиҳозлаш тежамкорлиги бўйича иккилик саноқ системаси қулий ҳисобланади.

Сонни ўнлик системасига ўтказиш эса у қайси системадан ўтказилаётган бўлса, ўша система асосида тузилган даражали қаторларни тузиш йўли билан бажарилади. Сўнгра йиғиндининг қиймати ҳисоблаб чиқлади.

Мисол. 100110 иккилик системасидаги сонни ўнлик система-  
даги сонга ўтказилсин.

Берилган сон 6 та хонага эга, демак, даражали қаторнинг ҳади  
ҳам 6 та бўлиши керак.

$$N=1^5 \cdot 2 + 0^4 \cdot 2 + 0^3 \cdot 2 + 1^2 \cdot 2 + 1^1 \cdot 2 + 0^0 \cdot 2 = 38$$

$$38, \text{ яъни } 100110(2) = 38(10)$$

**Ахборот.** Кибернетика, умуман ҳисоблаш техникаси ишлати-  
лаётган соҳаларда, сезги аъзолари ёрдамида бевосита ёки асбоб-  
лар воситасида қабул қилған ҳар қандай маълумотга ахборот (ин-  
формация) дейилади.

Юқорида таърифланган ахборотнинг бирламчи (ибтидоий)  
манбаи табиат, одамзот, жамиятдир. Табиат ва жамиятни ўрга-  
ниш, демак — ахборот йиғиш, шу асосда ҳар хил ҳодисаларни,  
масалан, бошқариш жараёнларини ўрганмоқ демакдир.

Ахборот — кейинги 30-40 йилда кескин ривожланиб борган  
илмий-техника инқилоби асосида, яъни жуда кўп миқдордаги  
конструкция, технологиянинг мураккаблашиб бориши натижаси-  
дир. Техника, янги машиналарнинг бунёд этилишида, янада ил-  
дам қадам ташлаш учун, корхоналарни замонавий усулда бошқа-  
ришда инсонга катта ёрдам берди, чунки жуда кўп маълумотлар-  
ни қабул қилиш ва қайта ишлаш учун инсоннинг биологик имко-  
ниятлари етмасди.

Бугунги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар миқдори шун-  
чалик кўпки, тадқиқотчи бор нусхаларни ўрганиб, таҳлил қилиб  
чиқиш учун бутун умри сарф бўлиши мумкин.

Секин-аста илмий-техника тараққиёти ўсиб бориши билан ах-  
борот жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб, маҳсулот кўринишини  
ола бошлади. Ишлаб чиқарилаётган техниканинг мураккаблашиб  
бориши, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши билан ахборотни  
бунёд этиш ва уни қайта ишлашга сарфланувчи меҳнат ҳажми ҳам  
катта тезлиқда ўсиб борди. Агар жамият тараққиёти шу тарзда ўсиб  
борадиган бўлса, аҳолининг тўла меҳнат қобилиятига эга бўлган  
қисми фақат ахборотни қабул этиш ва уни қайта ишлаш билан  
банд бўлиб қолиши табиий воқеликка айлана боради. Мушкулни  
осон қилувчи ягона йўл ахборот билан ишловчи ҳамма ходимлар  
ишидаги меҳнат унумдорлигини сифат жиҳатидан кескин кўтариш-  
дир, бунинг учун компьютер техникаси тармоқларидан фойдала-  
нишини ўрганиш зарурдир.

### 3.2. БИТ, БАЙТ, ФАЙЛ ВА ПРОГРАММА

Компьютердаги энг кичик информация бит ёки иккилик раз-  
рядининг қиймати 0 ёки 1 бўлади. Аммо амалда, компьютер ко-  
мандалари 1 бит билан эмас, балки 8 бит билан тўғридан-тўғри  
ишлайди. 8 кетма-кет бит 1 байт ҳисобланади.

Матнли маълумотлар, белги, рақам, абвеатуралар компьютерга киритилаётганда ҳар бир символ тегиши кодларига (сонларга) айлантирилади (бу жараён кодирование — кодлаштириш дейилади). Чунки компьютернинг процессор қисми фақат рақамлар билан ишлайди. Шунинг учун символ киритилаётганда кодга, чиқарилаётганда эса қайта символга айлантирилиб киши кўзига кўринади.

Харфлар, символлар ҳамда уларга мутаносиб кодлар қўйидаги жадвалда берилган.

|   | 0   | 1   | 2   | 3   | 4   | 5   | 6   | 7   | 8   | 9  | A   | B   | C  | D  | E   | F  |
|---|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|----|-----|-----|----|----|-----|----|
| 0 | nul | soh | stx | etx | eot | end | ack | bel | bs  | ht | nl  | vt  | ff | cr | so  | si |
| 1 | dle | dc1 | dc2 | dc3 | dc4 | nak | cyn | etb | can | em | sub | esc | fs | gs | rs  | us |
| 2 | sp  | !   | "   | #   | \$  | %   | &   | '   | ( ) | *  | +   | ,   | .  | /  |     |    |
| 3 | 0   | 1   | 2   | 3   | 4   | 5   | 6   | 7   | 8   | 9  | :   | ;   | <  | =  | >   | ?  |
| 4 | @   | A   | B   | C   | D   | E   | F   | G   | H   | I  | J   | K   | L  | M  | N   | O  |
| 5 | P   | Q   | R   | S   | T   | U   | V   | W   | X   | Y  | Z   | [   | ]  | /  | ^   | -  |
| 6 | '   | а   | б   | с   | д   | е   | ф   | г   | ҳ   | и  | ј   | к   | л  | м  | н   | о  |
| 7 | р   | q   | г   | s   | t   | у   | v   | w   | x   | у  | z   | {   | }  | -  | del |    |
| 8 | А   | Б   | В   | Г   | Д   | Е   | Ж   | З   | И   | Й  | К   | Л   | М  | Н  | О   | П  |
| 9 | Р   | С   | Т   | У   | Ф   | Х   | Ц   | Ч   | Ш   | Щ  | Ҷ   | Ҷ   | Ҹ  | Ҹ  | Ҹ   | Ҹ  |
| A | а   | б   | в   | г   | д   | е   | ж   | з   | и   | й  | к   | л   | м  | н  | о   | п  |
| B | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ  | ঃ   | ঃ  |
| C | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ  | ঃ   | ঃ  |
| D | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ  | ঃ   | ঃ  |
| E | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ  | ঃ   | ঃ  |
| F | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ   | ঃ   | ঃ  | ঃ  | ঃ   | ঃ  |

Шунинг учун бир байтда 256 турдаги символни (харф, белги, рақам) бериш мумкин.

Компьютердаги 1024 байтга teng маълумот 1 килобайт (Кбайт), 1024 Кбайт маълумот 1Мегабайт (Мбайт), 1024 Мбайт маълумот эса 1Гигабайт (Гбайт) деб юритилади.

Мисол учун, бир бетга 2500 символ жойлашади. 1Мбайт — 400 бет, 1Гбайт эса 400 минг бет маълумотга жой бўлади.

### 3.3. ФАЙЛЛАР ВА КАТАЛОГЛАР

**Файл:** Компьютердаги бор маълумотлар дискларда (қаттиқ диск (винчестер), дискета, магнит оптик диск, компактдиск ва ҳ.о.лар) сақланади ва бу ҳолда сақланадиган маълумотларни файллар деб аташ қабул қилинган. Файлларда программалар, матн, хужжатлар ва маълумотлар сақланади. Файлларни асосан икки турга — матнли ва иккилик файлларга ажратилади.

Матнли файллар одам ўқиши қулай, оддий ва тушунарли лексикондаги ҳарф ва белгилардан иборат матн шаклида бўлади. Бу кўришишга кирмаган бўлак файллар иккилик файллари ҳисобланади.

**Файл номлари.** Операцион система файлларга мурожаат қилиш учун файлларга номлар берилади. Файллар 1 дан 8 символгача ассоцияцияда 3 символли кенгайтирилган номдан тузилади.

Уларни бир-биридан фарқлаш учун ораларига нұқта қўйилади. Мисол:

Command.com Config.sys

Файлларни номлашда ёзма ва босма лотин ҳарфлари, сонлар ва куйидаги белгилардан

\$ # @ & ! % ( ) “ ‘ }

фойдаланилади.

DOS барча ёзма ҳарфларни босмага айлантириб дискларга ёза-ди.

Баъзи DOS системалари «руслаштирилган» бўлиши мумкин, бу ҳолда файлларни номлашда кирилл ҳарфларидан фойдаланилади.

Файл номининг кенгайтирилган қисми файлни қайси транслятор ҳосил қилганини аниқлаш учун керак бўлади.

Мисол учун:

.txt — матн файли;

:bat — команда файли;

.pas — Паскалдаги программалар;

.c — Си алгоритмик тилидаги программалар;

.asm — Ассемблердаги программа;

.sys — система файли;

.bak — файл нусхаси.

Файлларни ҳосил қилаётган пайтда, мисол учун бирор катта матнни клавиатура орқали киритаётганда вақти-вақти билан агар винчестерга ёзиб қўйилмаса, тўсатдан электр токи ўчиб, хотирага (видеохотирага) терилган маълумот йўқолади. Шу сабабдан маълум вақтда ёзиб қўясиз (мисол учун файл номи abba.txt), навбатдаги сафар ёзганингизда, эски(аввалги) файл abba.bak — номида сақланиб қолади. Яна бир ёзишда abba.bak йўқотилади, abba.txt — abba.bak ўтади, янги файл эса abba.txt деб белгиланади.

Натижада файлни таҳрир ёки ўзгартириш вақтида билмасдан ўчирилса .bak файл ҳисобига тиклаш мумкин бўлади.

Шуни эслатиб ўтиш зарур-ки; қурилмалар номлари билан файлларни номлаш мумкин эмас. Бу номлар куйидагилар:

AUX — кетма-кет портларига уланувчи қурилма;

PRN — принтер, мантикий қисқача ном;

LPT1—LPT4 — параллел портларга уланувчи қурилмалар (принтер);

COM1—COM4 — кетма-кет портларга уланувчи қурилмалар;

CON — киритиш чоғида клавиатура, чиқариш чоғида экран;

NUL — киритиш-чиқариш амаллари бажарилмайдиган «бўш» қурилма;

Файлларни шартли равишда дискларга ёзиш пайтида уларни турлари, вазифа, мақсадларидан келиб чиқиб, ўзингиз истаган каталог (директория)ларга ёзиб қўйиш мумкин.

Бунинг учун аввалроқ дискда (қаттиқ диск ёки дискета) каталоглар ҳосил қилиб кўйган бўлишингиз лозим. Каталог дискдаги файллар ҳақидаги ахборотлар (файл номи, ҳажми, сўнгги таҳрир вақти, ҳолати ва ҳ.о.лар) ёзиладиган жой ҳисобланади.<sup>1</sup> Соддароқ айтилса, мисол учун китоб жавонингизга китобларни биринчи қаторга мумтоз адабиёт, иккинчи қаторга ёки учинчи қаторга ҳам техник адабиёт, кейинги қаторга шеърий китобларни ажратиб таҳладингиз. Китобларни бундай жойлаштириш сизга жуда қулаги яратади. Каталоглар хизмати ҳам шундай тақсимлашлар ва файлларни жойлаштириш учун керак.

Дискда бир неча каталоглар мавжуд бўлиши ва ҳатто бирор каталогнинг ичидаги бошқа бир каталог ёки каталоглар жойлашиши мумкин. Натижада уларни жойлашишини дарахт шаклида тасаввур қиласа тўғри бўлади. Шоҳдан-шоҳга ўтгандек керакли каталогга ўтилади.

Ҳар бир каталогда бир неча файллар жойлашиши мумкин, аммо дискдаги файлларнинг ҳар бири ягона каталогда қайд этилган бўлади.

Ўзак деб номланувчи бу каталогдан ўзга барча каталоглар маҳсус файллардир. Исталган каталогга нисбатан шоҳ бўлган каталог аслида файл сифатида ёзилади. Ўзак каталогда DOS файллари, команда файллари (autoexec.bat, config.sys) ҳамда драйверлардан ўзга файлларни ёзмаган маъқул.

Каталоглар файллар ҳақидаги ахборотларни сақлаш учунгина эмас, балки дискдаги юзлаб, баъзан эса минглаб файлларни тартиб билан сақлаш, саралаш, уларни ахтариш ва фойдаланишда қулаги шароит яратиш учун зарурдир.

Каталоглар ҳам номланади. Каталогларни номлашда лотин ҳарфлари, рақамлар ва файл номи учун қайд этилган белгилардан фойдаланилади. Ўзак каталогнинг номи ҳамиша тескари ёйик чизиқ (\ — backlash) билан ифодаланади.

Фойдаланувчи иш олиб бораётган каталог ишчи ёки жорий каталог деб номланади.

Маҳсус команда бўлмаса, MSDOS доимо жорий каталог файллари билангина иш олиб боради.

Операцион система, программа, редактор ва бошқалар винчестер, дискеталарни шартли ном билан чақиради.

Мисол учун винчестер C: ,дискета курилмаси A: , B: деб номланади. Тўғри, винчестерни ҳажмига қараб, шартли қисмларга бўлиб, уни C: , D: , E: , F: деб ҳам номлаш амалда кўпроқ учрайди. 320Кбайтли винчестерни сиз 20Кбайтли қисмини тегишли файлларни сақлаш учун C: , алгоритмик тиллар транслятори ва редакторлар учун 100Кбайт жой ажратиб D: — деб ва ҳ.о. бўлиб чиқилади.

Бу вазифаларни SETUP программаси ёрдамида ўрнатилади.

Натижада сиз винчестернинг керакли D: ,E: , F: қисмига кириб, автоном ишлайсиз.

Компьютерда файлларни қидашиб топишда албатта йўл кўрсатилиши лозим. Йўл деганда, диск номи, каталог номи, шох каталог номи, файл номи кўрсатилади.

Масалан: D:\AKIP\NNABAT\siha.txt

Маслаҳат. Қизиқиб кетиб каталогларни қаватма қават қилиб ташламанг, акс ҳолда шохлаб кетган каталоглар, учларидан файлларни чақиришда маълум қийинчиликлар, ноқулайликлар туғилади.

### 3.4. КЛАВИАТУРА ВА СИЧҚОНДА ИШЛАШ

Ҳар бир персонал компьютер билан мулоқотни клавиатура ва сичқон таъминлайди. Клавиатура энг биринчи компьютерларда мавжуд бўлгани ҳолда ва ҳозир ҳам зарурлигини йўқотмаган күрилма ҳисобланади.

Персонал компьютерда қўлланиладиган клавиатуранинг кўриниши 12-расмда берилган.

IBM PC турдаги компьютерлар учун стандарт асосида 101 ёки 83 клавишли клавиатурулар ишлаб чиқарилади. 83 клавишли клавиатурулар авваллари чиқариларди, ҳозирда асосан 101 клавишлиги чиқарилади. Мазкур турдаги 101 клавишли клавиатуруларни кўриб чиқамиз. Шу ўринда


ҳар бир клавиш бирдан бошлаб тўртгача бўлган символни (ҳарф, сон, белги) ифодалаши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Клавиатурадаги клавишларни бажарадиган вазифасига қараб шартли равишда гуруҳларга ажратамиз:

- Алфавит — рақамли клавишлар;
- Босма ва ёзма ҳарфларни киритиш клавишлари;
- Кирилл ва лотин ҳарфларига ўтказиш клавишлари;
- Функционал клавишлар;
- Режимларга ўтиш индикаторлари;
- Биргаликда (комбинацияда) қўлланиладиган клавишлар;
- Ихтиёрий символларни ҳосил қилиш клавишлари.

Шу кетма-кетлик тартибида ҳар бир гуруҳ клавишларини кўрайлик.

Алфавит-рақамли клавишлар клавиатуранинг пастки чап катта блокида жойлашган. Аҳамият берилса бу 48 клавиш лотин, кирилл ҳарфлари, рақамлар ва белгилардан иборат.



12-расм.

Қайси клавишига босилса, қайси ҳарф ёки рақам, белги чиқишини билиш учун кейинги иккى гурух клавиатураларини ҳам ўрганиш лозим.

[пробел] — клавишиаси ёзув машинкасига ўхшаб энг узун клавишидир ва у пробел (бўш ёки йўқ символ) киритишга хизмат килади.

Одатда компьютер ишга туширилиши билан лотин алифбоси ҳарфларини киритиш ҳолати мавжуд бўлади. Ёзма ҳарфларини киритиш учун мос клавишилар босилади холос, мабодо босма ҳарфларни киритмоқчи бўлсангиз, у ҳолда албатта [Shift] клавиши билан керакли ҳарфга мос келувчи клавиша биргаликда босилади (кирилл ҳарфларини ҳам киритиш шу тартибда бўлади, фақат лотиндан кирилл ҳарфига ўтиш шарти бажарилиши керак бўлади. Бу шарт куйида берилади).

Икки клавиши биргаликда босилади дейилганда, биринчи клавишини бирор бармогингиз билан босиб туриб, иккинчи клавишини бошқа бармогингиз билан босиб туришга айтилади.

Бироқ, хоҳ битталаб ёки биргаликда бўлган ҳолда, клавишини узоқ вақт босиб туриш ярамайди. Бир дейишга улгурмайдиган тезликда клавишини босилгани маъқул, акс ҳолда қўлингиз клавишида узокроқ вақт қолиб кетса, сизга бир хил ҳарфларни кўплаб териб беради.

Агар сиз фақат босма ҳарфларни киритмоқчи бўлсангиз, у ҳолда [Caps Lock] клавишини бир бора боссангиз етарли. Юқори ўнг томондаги индикатор ёниб бу режим амалга кирганини билдиради.

Марҳамат, энди терган ҳарфларингиз босма (катта ҳарф) шаклида бўлади. Яна ёзма (кичик) ҳарфларга ўтиш учун [Caps Lock] қайта босилиб ўчирилади.

Кирилл ва лотин ҳарфларига ўтказиш учун IBM PC компьютерида драйверлар (махсус киритиш-чиқариш программалари) бажаради

Бу программа одатда компьютер иш бошлаш жараёнида юкланади ви оператив хотирага жойлашган бўлади.

Клавиатура драйверлари яратилганда бир алифбодан бошқасига ўтишни таъминлаш учун маълум клавишилар битта ёки биргаликда босилиши назарда тутилади.

Чунки бирор матн терилаётганда, ҳозирги тезкор замонамиизда инглиз сўзларини аслида бериш лозим бўлиб қолиши, бу ҳолларда драйверни чақириш осон ва кичик вақтда бажарилиш, натижада бир алифбодан бошқасига, ва ортга қайтиш енгиллиги кафолатганади. Кўпинча бундай клавишилар сарасига [Ctrl] — ўнг ёки чаптарафдагиси, иккаласи биргаликда босилади. Бошқа компьютерларда бошқа клавишилар варианти ҳам учрайди. Мисол: муаллиф фойдаланган компьютерда [Alt] + [Shift] комбинацияси мазкур вазифани бажаради.

**Функционал клавишлар.** Клавиатуранинг энг юқори қисмида [F1], [F2], ..., [F12] белгилар билан функционал клавишлар жойлашган бўлиб, улар кўпинча программаларда ишлатилади.

Айтиш мумкинки, [F1] кўп программаларда ахборот ёрдами (Help), [F3] — матн кўриш, [F4] — матн ўқиш, [F5] — нусха кўчириш ва ҳ.о.ларда фойдаланилади.

Умуман, функционал клавишлар Norton, Lexicon, Windowsда қандай қўлланилгани билан кейинги бобларда танишасиз.

Курсорни бошқариш клавишларига: [ $\uparrow$ ], [ $\downarrow$ ], [ $\leftarrow$ ], [ $\rightarrow$ ] [Home], [End], [Page Up (қисқача PgUp)], [Page Down(PgDn)] клавишилари киради. Улар босилса курсорни (экрандаги кўрилаётган позиция кўрсаткичи) кўчиши амалга ошади. Стрелкалар мос равища чапга, ўнгга, юқорига ва пастга бир позиция кўчишини билдириша, [Home] — сатр бошига, [End] — сатр охирига, [PgUp], [PgDn] — саҳифа бошига, охирига курсорни келтиради, мониторда бу ҳолат 25 қаторга сакраш билан бажарилади.

Рақам клавишлари — клавиатуранинг ўнг бурчагида жойлашган бўлиб, [Num Lock] — босилса рақамлар киритиш, акс ҳолда курсорни бошқарувчи клавишлар вазифасини ўтайди.

Махсус клавишларнинг аксарияти қўйидагича:

[Insert] — клавиши символ киритилаётган вақтда босилса, курсор кўрсатаётган позициядаги мавжуд символ ўрнига янгиси урилади. Агар мазкур клавиш босилмаса, бор символ бир позицияга, ўнгга сурилиб орага янги символ киритилади.

[Delete] — клавиши курсор турган позициядаги символни ўчиради ёки йўқотади. «Delete» — ўчирмоқ демакадир.

[Enter] — клавиши (баъзи клавиатураларда [Return], [Cr] — клавишлари билан айниийdir) компьютер бажариши лозим бўлган команда терилгач босилади. Матнли редакторларда бу клавиш ишлатилиши абзац тугаганида амалга оширилади.

[Esc] — клавиши нотўғри терилган директива ёки бажарилаетган программадан воз кечиш учун хизмат қиласи.

[Back Space] — ёки [Enter] устидаги чапга йўналган стрелка чизилган клавиш курсор турган позициядан чапдаги белгини ўчиради.

[Ctrl], [Alt] — клавишлари ҳам [Shift] каби клавишларни режимларини, яъни босмадан ёзмага ёки лотиндан кириллга ўтишига йўл беради. Аслида бу клавишларга илк яратилган компьютерларда бундан ҳам каттароқ вазифалар юклатилган эди.

[Print Screen] — экрандаги тасвирни қофозга принтер оғқали босиб чиқаради, ундан ташқари файлга ва Windows буферига нусха кўчиришга хизмат қиласи.

[Break] — клавиши программа ишини тўхтатиш учун ишлатилади.

*Биргаликда қўлланиладиган клавишлар.* [Ctrl]×[Break] — бажарилаетган программа ёки команда тугатилишини таъминлайди.

[Ctrl]×[Alt]×[Del] — MS DOS системасини қайта юклайди.

[Ctrl]×[Break] — экрандаги ахборот нусхасини принтерга чиқариш режимини улаш ва ўчиришни таъминлайди.

[Ctrl]×[C] — команда ёки программа бажарилишини тұхтатади.

[Ctrl]×[P] — экрандаги маълумот нусхасини принтерга күчиришин ташкил этади.

Режим индикаторлари энг юқори бурчакда жойлашган бўлиб [Num Lock], [Caps Lock], [Scroll Lock] клавишилари босилганда ёқилади, қайта босиб ўчирилади.

Ихтиёрий символни ҳосил қилиш клавишилари, аҳамият берсангиз 3.2 банддаги &@#” — турли белгиларни ҳам компьютерда кўриш мумкин дейилганда, бу белгилар график режимдагина фойдаланилади деб тушунмоқ керак. Экранга клавиатура орқали [Alt]+рақам терсангиз, керакли белги ҳосил бўлади. Рақамни белгига мос равишда жадвалдан оласиз. Мисол, [Alt] + 177 комбинациясида клавишиларни боссангиз ? белгиси экранда ҳосил бўлади.

Машқ. Ажратилган жадвалдан 199, 20 сонларга мос келувчи белгиларни ҳосил қилиб кўринг. (Жавоб: | ||).



13-расм

## СИЧҚОНДА ИШЛАШ

Бу резина шарикли қутича бўлиб, уни стол юзаси бўйлаб юргизилади. Шу вақтда эса экранда курсор ҳаракатланади. Баъзи сичқон корпусининг юқори қисми учта, баъзиларида иккита тугмали бўлади. Учта тугмали сичқонда ўрта тугма курсорни ҳаракатга келтирса, чап ва ўнг тарафдаги эса босилса монитор экранидаги ҳаракатлар рўйхатидан курсор турган сатрдаги ҳаракат бажарилишга бошлайди. Тўғри, матн редакторлари, WINDOWS системаларида эса сичқон курсорни керакли позицияга келтирилиб босишга хизмат қиласи (13-расм).

## 3.5. КОМПЬЮТЕРНИ ЁҚИБ, ЎЧИРИШ

Компьютер сотиб олдингиз. Тармоққа биринчи бор улашдан аввал, ток қувватини текшириб кўринг. Тўғри, компьютер ичидаги жойлашган ўзининг қувват блоки токни (220 ёки 110 ватт бўлиши мумкин) келтирилган мўлжалга туширади. Кўрсатилганидан 10—15% кам ёки кўп бўлганида ҳам ток билан таъминлаб туради. Бироқ, бу ҳол компьютер хавфсизлиги ёки унинг барқарор ишлшини кафолатламайди. Шунинг учун компьютерни стабилизатор, узлуксиз ток етказиш манбай қурилмаси ёки тармоқ фильтри билан бирга ишлатиш мақсадга мувофиқ.

*Компьютерни ёқиши.* Агар компьютер стабилизатор орқали уланган бўлса, аввал стабилизатор ёқилади. Ундан сўнг эса:

- .принтер ёқилади;
- .монитор ёқилади;
- .ташқи қурилмалар ёқилади (модем, сканер, магнитли оптик диск қурилма ва ҳ.о., агар бўлса);
- .компьютер корпусидаги тугмача ёқилади.

Шундан сўнг экранда компьютерда ишга тушган қурилмалар созлиги ва тайёрлиги текширилади.

Операцион система юкланди. Тўғри юкланса — белгиси экранда пайдо бўлади ва сизга мурожаат қилгандек, таклиф (команда) киритишингизни сўраб кутиш режимига ўтади.

Тўлиқ операцион система юкланиши кейинги бобларда берилади.

Муҳтарам ўқувчи, компьютер ҳам ҳар қандай электр асбоби каби, тез-тез ёқиб-ўчиришни ёқтирамайди.

Шу сабабдан агар бирор соатгина дам олиш ёки бошқа вазифангиз бўлса, яхшиси компьютерни эмас мониторни, принтерни ўчириш, кераксиз қурилмалар модем, компакт дисклар, винчестерни ўчириб туриш мумкин.

Компьютер фаол ишламаган режимда кўп ток талаб қилмайди, ҳаттоқи ишлаган режимида ҳам 1-2 лампочка қувватидаги ток етарли.

Бироқ компьютерда бу кун ишламаслигингиз маълум бўлса, қўйидаги тартибда ўчириш керак:

- .бажарилаётган программа тугатилади;
- .операцион система ёки WINDOWSда бўлса асосий менюдаги Shut Down (ишни тугатиш), сўнгра Shut down the computer (компьютерни ўчириш);
- .компьютер корпусидан ўчириш;
- .принтер ва ташқи қурилмаларни ўчириш;
- .мониторни ўчириш;
- .стабилизаторни ўчириш.

## **IV БОБ. КОМПЬЮТЕРНИНГ ПРОГРАММА ТАЪМИНОТИ**

### **4.1. MS DOS ОПЕРАЦИОН СИСТЕМАСИ**

Ҳар қандай компьютер ўзидаң-ўзи ҳаракатга келмайди. Уни ҳаракатга келтириш ва қурилмаларни бошқариш учун маҳсус программа таъминоти ёки операцион система лозим.

#### **4.1.1. Операцион система**

Операцион система (қисқача ОС) компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи бу программа фойдаланувчига компьютер билан мулоқот қилиш қуроли бўлиб хизмат қиласди, унинг барча қурилмаларини бошқариш имконини беради.

Операцион система қўйидаги вазифаларни бажаради:

- Винчестер ёки дискеталардан танланган программани оператив хотирага жойлади ва бажарилишига изм беради. Программа бажарилиб бўлгач, оператив хотирани бўшатади. Кейинги танланган программа билан ҳам шу ишларни қайтаради.
- Бундай маълумотларни дискдан дискка ёки винчестердан дискетга кўчириш ва бошқа кўплаб сервис хизматларини кўрсатади.

Операцион системага эҳтиёж борлигининг асосий сабаби, ундаги программаларсиз ҳар бир компьютердан фойдаланувчига жуда ҳам қийин бўларди. Чунки бу каби ишларни бажариш учун куйи босқичдаги юзлаб ёки ундан ҳам кўпроқ элементар амалларни бажаришга тўғри келарди.

Мисол учун, винчестердан дискетга ёзиш жараёни винчестерни ёқиши, винчестердан файлларни қидириб топиш, адресини, размерини аниқлаш, сўнгра дискетни ишга тушуриб, бўш жойни белгилаб, ёзиш амалини кетма-кет, байт-байтлаб ёзади. Ёзув тугагач, жой банд бўлгани белгисини киритиб қўяди ва ҳ.о.

Умуман операцион система қўйидаги вазифаларни бажаришдан фойдаланувчини озод қиласди:

.дискдаги (дискетдаги) ҳар бир файл маълум миқдордаги жойни эгаллайди, аммо улар дискнинг қай ерини банд қилганини фойдаланувчи билмайди, билиш ҳам шарт эмас, чунки файлларни жойлашиш жадвалини ташкил этиш, ахборотни излаш, файлларга жой ажратиш каби ишларнинг барчасини операцион система амалга ошириши лозим.

Ундан ташқари операцион системанинг асосий вазифаси фойдаланувчини бажариши ва умуман билиши ҳам керак бўлмаган зерикарли ҳамда нокулай ишлардан холис этиш, агар бирор бир сабаб билан мисол учун файллар қўчирилаётганда диск йўллари чизилган, ёки ахборот йўқолган бўлса, дискда жой етарли бўлмаса вақтида фойдаланувчига маълумот бериш ҳам киради.

#### 4.1.2. Умумий маълумотлар

Операцион система автоном ҳолатда хизмат қилувчи юзлаб командалардан иборатdir. Бу командалар алоҳида-алоҳида программа шаклида файл ҳисобланиб, дисклар, винчестер, дисплей, мультимедиа ва бошқа воситалар билан бевосита мулоқот қилишга йўл беради.

Одатда IBM PC компьютерлари учун Microsoft Corporation фирмаси яратган MS DOS операцион системаси стандарт ҳисобланади. Ҳам содда, ҳам оддий бўлган биринчи MS DOS фақат дискет, дисплей ва клавиатура билан ишларди.

MS DOSнинг энг биринчи варианти 1984 йилда тузилган эди. Тўғри, ҳозирги вақтгача бу ОСнинг бир неча варианти яратилди, яъни такомиллашди ва ҳозир MS DOS 6.22, 7.0 версиялари амалда қўлланилади. 1994 йилда яратилган MS DOS 6.22 энг кенг тарқалгани, 7.0 версияси эса Windows 95 билан бирга яратилган бўлиб, унинг таркибий бир қисми деб кўрилади.

Кундалик ҳаётда бошқа фирмалар яратган MS DOS билан бир хил ОСлар ҳам мавжуддир. Агар сизга PC DOS(IBM фирмаси), NOVELL DOS (NOVELL фирмаси), PTSDOS (Физтехсофт-Россия фирмаси) маҳсулотлари учраса, билинг-ки булар MS DOSнинг худди ўзгинасадир.

MS DOS деганда эса —MicroSoft Disk Operatings System, яъни Микрософтнинг дискли операцион системаси деб тушуниш керак.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир яратилаётган MS DOSни янги версиялари эски версияларида бажариладиган функциялар, вазифаларни ўзида сақлаб, кўшимча имкониятлар яратишга хизмат қиласи.

Умуман энг биринчи операцион системаларга нисбатан сўнгги ОСларда қўйидаги имкониятлар қўшилган:

- .винчестер, дискетнинг янги турлари (3.5 дюймли) кенгайтирилган хотира ва ҳ.о.лар, шунингдек ўзга ихтиёрий қурилмаларни драйверлар орқали қўллаб-куватлаш;

- .файлларни иерархия (даражтсизон) тузилишини диск ва дискетларда таъминлаш;

- .миллий алфавит ва клавиатураларни қўллаб-куватлаш таъминланади;

- .фойдаланувчи учун янги имкониятлар яратилди:

DOSни кўшимча командалари: фойдали утилиталар, хотира унумдорлиги, диск маълумотларини ихчамлаш ва ҳ.о.лар.

Энди MS DOS операцион системаси таркибини кўриб чиқайлик.

MS DOS қуидаги қисмлардан иборат:

.IO.SYS ва MSDOS.SYS системали файллар.

Бу файллар компьютер оператив хотирасида доимо сақланиб, ўзак каталогда жойлашган бўлади. Мазкур файлларнинг вазифаси мураккаб киритиш-чиқариш амалларини бажариб, BIOS — киритиш-чиқариш база системасининг функцияларини бажариш давомчиси ҳисобланади.

.DOS команда процессори MS DOSда монитордан киритилаётган командаларни қабул қилиб, таҳлил этиб уларга буйруқни узатиш, команда процессори — COMMAND.COM ёрдамида амалга оширилади.

MS DOS ички ва ташқи командалардан иборат.

Type, dir, copy каби командалар ички ҳисобланиб, улар COMMAND.COM — процессори таркибида бўлиб, уларни файллар иерархиясидан қидириш бефойда.

MS DOSнинг бошқа барча командалари ташқи бўлиб, улар файллар иерархиясида учрайди. Сиз клавиатурада териб, монитордан бирор ташқи командани чақирсангиз, COMMAND.COM — аввало унинг тўғри ёки нотўғри чақирганингизни аниқлайди, сўнгра тўғри чақирилган бўлса шу командага мос программани файллар иерархиясидан қидириб топади, программани хотирага юклаб, бошқарувни унга узатади. Программа тутагач, хотирани тозалаб, экранга кейинги команда киритишга таклиф чиқаради (> белгиси).

*Ташқи командалар.* DOSнинг ташқи командалари — операцион система билан етказиладиган алоҳида файл кўринишида бўлади. Ташқи командалар программага сервис хизмати кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, алоҳида бир каталогда (кўпинча системали каталогда) жойлашади.

*Драйвер ва резидент программалар.* Курилма драйверлари — маҳсус программалар бўлиб, MS DOS нинг қўшимча воситаси ҳисобланади. Драйверлар янги курилмалар ёки ностандарт курилмаларга хизмат кўрсатади ва уларни чақириш CONFIG.SYS маҳсус файлiga юклатилган бўлади.

Бу файл операцион система юкланаётган пайтида ишга тушади ва драйвер юкланишини амалга оширади.

Мазкур ҳолат қуидаги ҳолларда жуда қўл келади, мабодо янги ностандарт бирор қурилмани компьютерга қўшиш лозим бўлса, профессионал программачилар ёрдамида драйвер ёзилади ва уни чақириш CONFIG.SYS га киритиб қўйилса кифоя. Бунда қайтадан операцион система ёзиш шарт бўлмайди. Яъни DOSнинг система файлларини ўзгартирмай, очиқ архитектура принципидан келиб чиқиб, операцион система имкониятлари ошириб борилади.

Драйвер программаларнинг асосий вазифаси клавишилар босилганда турли мамлакатларнинг мос алфавитларини экранда (мониторда) тасвирилашдир.

BIOS — киришиш-чиқариш база системаси, хотиранинг доимий қисмидаги (RAM) жойлашган бўлиб, операцион система юкланишини амалга ошириш, пастки босқичда монитор, принтер, клавиатура ва дискларга киришиш-чиқариш амалларини бажаришга хизмат қиласди.

DOSни юкловчиси. DOSни таркибидаги юкловчи вазифасини бажарувчи IPL программаси мавжуд, у доим дискетнинг ҳамда логик қурилма (кўпинча с: - диск, винчестер) 1-секторида жойлашган бўлиб, асосий вазифаси IO.SYS системали файл (программа)ни оператив хотирага юклаб, бошқарувни унга узатади.

Операцион системани қандай юклаш керак. Компьютерга куйидаги ҳолатларда MS DOS операцион системаси юкланади:

.компьютер электр тармоғига уланганда;

.компьютер корпусидаги Reset клавиши босилганда;

.DOS ишлаб турганда [Ctrl] [Alt] [Del] клавишилари биргаликда босилса MS DOS операцион системаси юкланади.

Аввалига BIOS компьютер хотираси ва қурилмаларининг ишга яроқли ёки яроқсиз эканлигини маҳсус тестлар ёрдамида текшириб чиқади. Қурилмаларда бирор бузуклик мавжуд бўлиб, ана шу бузукликни четлаб ўтиш мумкин бўлсагина, DOSни юклаш давом эттирилади.

Сўнгра BIOS, A: қурилмаси (эгилувчан диск) ёки C: — винчестердан MS DOSни юлашни бошлаб, бошқарувни IPL (юкловчига) беради. Ўз навбатида юкловчи IO.SYS программасини қидириб топиб, уни оператив хотирага жойлаб, бошқарувни унга узатади.

IO.SYSнинг вазифаси тўғрисида юқорида айтган эдик, ундан ташқари у MSDOS.SYS программасини оператив хотирага жойлади. Шу билан иккала IO.SYS ва MSDOS.SYS программа файллари юкланган ҳисобланади, ҳамда бошқарув COMMAND.COMга берилади.

DOS юкланиш арафасида кетма-кет CONFIG.SYS ва AUTOEXEC.BAT файлларини COMMAND.COM ишга туширади.

Бу икки файллар функциялари куйидагича:

• драйверларни чақириш,

• логик қурилмаларни номлаш,

• қайта номлаш,

• чиқариш воситасини номлаш,

• танлаш (мисол учун чиқариш воситаси деб ё монитор ёки принтер танланади) ва белгилаш.

MS DOS командаларини ўрганиш учун уларни куйидаги гурӯҳларга ажратиб кўриш маъқул ҳисобланади.

1. MS DOS билан фойдаланувчини мулоқоти (диалоги).

2. MS DOS да файллар билан ишлаш.

3. MS DOS да экран ва принтер билан алоқа.

4. MS DOS да дисклар ва дискеталар билан ишлаш.

5. Умумий ситетадаги программа ва командалар.

#### 4.1.3. MS DOS билан мұлоқот

Аввалига DOS ўз таклифини беради. Бу таклиф A:> ёки C:> күринишида бўлади. Аслида DOS таклифи жорий диск, йўл, каталог ифодаси билан тўлиқ ҳисобланади.

Мисол:

A: \>—A: диски ва ўзак каталогни билдиради;

C:\ETR\>—C: диски ETR каталогини билдиради.

Таклиф сиздан команда киритишингизни кутаётганини билдиради.

Сиз клавиатурадан команда киритасиз, яъни клавиатурада команда терилади ва [Enter] клавиши босилади.

Командалар номи лотин ҳарфидаги ёзилиб, параметрлар, баъзида атрибутилари ҳам кўрсатилади.

Командаларнинг умумий формати қўйидагича:

— команда номи (\параметрлар) [\атрибутилар].

Мазкур командаларни умумий кўринишини \? белги орқали экранга чақириш мумкин. Мисол учун, C:\>\? командасидан кейин:

Copies MS DOS system files and command interpreter to a disk  
speelt SYS [drive:] [path] drive2

ва бошқа маълумотлар экранга чиқади.

MS DOS ни 6.22 версиясида ва ундан кейингиларида HELP ёрдамида командалар тўғрисида керакли маълумот ўқиши мумкин. Бу маълумотлар инглиз тилида берилади.

#### 4.1.4. Файллар билан ишлаш

DOSда файллар билан ишлаш учун қўйидаги командалардан фойдаланилади:

COPY, DEL, PATH, REN, TYPE, ATTRIB, BACKUP, FC,  
FIND, REPLACE, SYS.

Бу командаларга аниқ вазифалар юклатилган.

COPY командаси матнли файл ҳосил қилиш, нусха кўчириши бажаради.

Матнли файл ҳосил қилишга:

*Copy con<файлга бериладиган ном>*

кўринишида команда терилади.

Сўнгра киритмоқчи бўлган матнни қаторма-қатор киритиб, ҳар қатордан сўнг [Enter]ни босиб борасиз. Сўнгти қатордан кейин [F6] клавиши ҳамда [Enter]ни боссангиз 1 file(s) copiend (1-та файл кўчирилади) деган маълумот экранга чиқади ва дискда кўрсатган номингиздаги файл ҳосил бўлади.

Эслатма. Умуман шу йўсунда матн териш нокулай. Бу кечаги кун ҳисобланади. Яхшиси, матн териш учун Лексикон туридаги редактордан фойдаланган маъкул.

Сору командаси нусха күчиришга хизмат қилади. Уни:

*Copy 1—файл номи 2—файл номи*

күринишида ёки диск ва каталоглар номлари қўшиб кўрсатилган ҳолда ҳам бажариш мумкин.

Мисоллар:

1. Copy aa.doc aa.txt — жорий каталогдаги aa.doc (1-файл номи) файлидан нусха кўчирилиб, 2-файл aa.txt номи билан шу каталог ўзида ҳосил қилинди;

2. Copy a:\\*\* c: — а: дискидаги ўзак каталогдан бор файллардан нусхаси с: дискининг жорий каталогида ҳосил қилинади.

Кейинчалик Norton Commanderга бағишиланган бобда, MS DOSни барча командалари анча қулай кўринишида бажарилишини билиб оласиз.

Сору орқали файлларни бирлаштириб битта файл қилиш имконияти ҳам мавжуд. Команда формати қўйидагича: *Copy файл номи+файл номи+файл номи... янги ҳосил бўладиган файл номи*

Мисол. f1.dat ва f2.dat файлларини қўшиб янги файл f3.dat ҳосил қилинг:

*Copy f1.dat+f2.dat f3.dat*

Файлларни ўчириш учун del командаси хизмат қилади. Унинг формати қўйидагича:

— Del — файл номи.

Файл номида \* ва ? белгиларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

1. Del \*.bak — жорий каталогдаги барча кенгайтирилган номида bak учрайдиган файлларни ўчириш.

2. Del kacher.txt — kacher.txt номли файлни жорий каталогдан ўчириш.

3. Del D:\katal\abba.doc — D: дискидаги \katal — каталогидаги Abba.doc файлини ўчириш.

Файлни қайта номлаш учун ren — хизмат қилади. Унинг формати қўйидагичадир:

*ren 1-файл номи 2-файл номи*

Мисол:

*ren a.doc a.txt* — яъни, жорий каталогдаги a.doc файли a.txt номи билан қайта номланади.

Хозирги вақтда MS DOS командаларидан жуда кам фойдаланилади, шу сабабдан бошқа командаларни вазифасини айтиб ўтамиз, холос.

*break* — программа бажарилишини тўхтатиш;

*path* — автоматик равишда командалар қайси каталогда бўлишидан қатъий назар, қидириб топувчи команда;

*type* — файл матнини экранга чақириш;

*attrib* — файл ҳолатини кўрсатиш ёки ўзгартириш;

*backup* — файлларни архив нусхаларини яратиш;

*fc* — файлларни солиштириш;

*find* — файллардаги бирор жумлани излаш;

*replace* — файлларни янги версиялари билан алмаштириш;

sys — система файлларини дискка күчириш.

DOS каталоглари билан ишлаш учун қуйидаги командалар мавжуд: cd, dir, ds, md, rd.

MS DOSда дискдан дискка ўтиш учун a:, b:, d: — терилса мос равища a, b, d, дисководи (курилмасига) ўтиш юз беради.

Албатта бу номларни фақат биттасини киритасиз. Мисол, a: — териб [Enter] клавишини боссангиз, марҳамат a: дискетига ўтган бўласиз.

Жорий каталогни ўзгартиришни CD командаси қуйидаги форматда бажаради:

cd [диск:] йўл

Мисол:

Cd\ — жорий дискнинг ўзак каталогига ўтиш;

Cd\ex\dos — \ex\ dos каталогга ўтиш.

Каталогни кўриб чиқиш учун dir командасидан фойдаланилади. Унинг формати қуйидагича:

Dir [диск] [йўл] [\p] [\w],

/p — параметри файллар тўғрисидаги маълумотни саҳифалаб чиқаради;

/w — параметрида фақат файллар номлари 5 қаторга ажратилиб чиқарилади.

Мисол:

1. Dir — жорий каталог мундарижасини экранга чиқариш;

2. Dir\*.exe — жорий каталогдаги кенгайтирилган номида exe мавжуд файлларни экранга чиқаради.

Янги каталог ҳосил қилиш учун MD (Make Directory) командаси қуйидаги форматда фойдаланилади:

md [диск:] йўл

Мисол:

1. md doc — жорий каталогда янги doc каталогини ҳосил қилиш;

2. md b:york — b: дискида york номли каталогни ҳосил қилиш.

Каталогларни ўчириш учун rd (Remogy Directory) командаси мавжуд, унинг формати қуйидагича:

rd[диск:] йўл

Мисол:

1. rd doc — жорий каталогда doc каталогини ўчириш;

2. rd b:\york — b: дискида york номли каталогни ўчириш.

MS DOS нинг янги версияларида каталогни бор файллари билан бирга ўчириш командаси deltree файл номи (ёки каталог номи) мавжуд.

Мисол:

deltree temp — temp номли каталог ёки шу номдаги файлни жорий каталогдан қидириб топади ва ўчиради.

Каталогни қайта номлаш учун move командаси мавжуд, уларнинг формати қуйидагича:

move win win 310

Баъзи доимо фойдаланиладиган командаларни бажарилишини (чақирилишини) соддалаштириш учун path командаси имкони-

ялары құлланилади. Маълумки, Path командаси autoexec.bat команда файлы таркибіда бўлади ва у операцион система юкланганда автоматик равишда ишга тушади.

Команда формати қуйидагича:

Path каталог номи (;каталог номи) — программаларни излаш мүмкін бўлган каталоглар рўйхатини ўрнатиш.

Path параметрсиз бўлса, программа қайси каталогдан изланадётганини билдиради.

Умуман қайси команда киритилишидан қатъий назар, мос программа аввал жорий каталогдан, сўнгра эса Path да кўрсатилган каталогдан қидирилади.

#### 4.1.5. Экран ва принтер билан алоқа

DOSда экран ва принтер билан ишлаш учун type, cls, copy командалари мос келади. Шу командаларни кўриб чиқайлик.

Экранга матнли файлларни чиқариш учун type командаси хизмат қилади. Унинг формати қуйидагича:

Type файл номи

Мисол:

1. type paper.doc — жорий каталогдан paper.doc файлини экранга чиқаради.

2. type b:abdal.txt—b: — дискидаги abd каталогининг al.txt — файлини экранга чиқаради.

Экранни тозалаш учун cls командаси ишлатилади.

Бу команда формати:

cls

Команда бажарилганда экран тозаланиб, экранга DOS таклифи > пайдо бўлади.

Ўзингиз мазкур командани клавиатурада териб, [Enter] босиб машқ қилиб кўринг.

Файлни босиб чиқариш учун ҳам Сору ишлатилади. Унинг формати бу ҳол учун қуйидагича:

Copy b: файл номи rpg

Албатта бу командани бажаришдан аввал принтерни ёқиб, тайёр ҳолатига келтириб қўйилади.

#### 4.1.6. Дисклар билан ишлаш

DOSда дисклар билан ишлаш учун format, diskcopy, diskcamp, chkdsk командалари мавжуд.

Дискетларни биринчи бор фойдаланишда аввал уларни форматлаш зарур бўлади.

Ундан ташқари маълум вақтдан сўнг ундағи маълумотларни ўчириб, тирналган ёки бузуқ бўлса дискетни тозалаш ва қайта форматлаш маслаҳат қилинади.

Команда формати:

format дискет: (параметрлар)

Шу ўринда дискетлар а:; b: лар шаклида берилади. Эсингизда бўлса а: — 5.25 дюймли, b: — 3.5 дюймли дискетларни билдиради.

Format командасининг параметрлари қўйидагилар:

FU — бор маълумотларни ўчириб форматлаш;

FQ — дискетни бузуқ участкалари бор-йўқлигини текширмай, дискетни тезда тозалайди;

FS — дискетни форматлаб система командаларини (программаларини) ёзиб қўйиш. Яъни IO.SYS ва MSDOS.SYS программаларни MS DOSни 6.0 версиясидан юқориларида яна сиқилган дискетларни қайта ишлаш драйвери — DR VSPACE.BIN ҳам ёзиб қўйилади.

FF — форматлашда дискетлар сифимини ўрнатиш мумкин.

Дискетлар сифими қўйидаги миқдорларда бўлади:

1440 ёки 1.44 — 1.44 Мбайт 2880 ёки 2.88 — 2.88 Мбайт

1200 ёки 1.2 — 1.2 Мбайт 720 — 720 Кбайт

360 — 360 Кбайт 320 — 320 Кбайт

180 — 180 Кбайт 160 — 160 Кбайт

Мисол:

format \360

Кўрилаётган команда ёрдамида ностандарт дискетларни форматлаш ҳам мумкин. Бунинг учун:

— format (диск) \T: йўл сони\N: сектор сони  
кўринишида команда терилади.

Шу ўринда қайси дискка нечта йўл, сектор ёзиш мумкинлиги-ни билмоқ учун қўйидаги жадвалга эътибор беринг:

| Диск размери | Дискет курилмаси сифими | Дискет стандарт сифими | Йўл сони | Сектор сони | Ҳосил бўлган дискет сифими |
|--------------|-------------------------|------------------------|----------|-------------|----------------------------|
| 5.25         | 360 Кбайт               | 360 Кбайт              | 41       | 10          | 410Кб(409088 байт)         |
| 5.25         | 1.2 Мбайт               | 360 Кбайт              | 81       | 10          | 810Кб(816640 байт)         |
| 5.25         | 1.2 Мбайт               | 1.2 Мбайт              | 81       | 18          | 1.45 Мб(1476000 байт)      |
| 5.25         | 720 Кбайт               | 720 Кбайт              | 81       | 10          | 810Кб(816640 байт)         |
| 3.5          | 1.4 Мбайт               | 1.4 Мбайт              | 81       | 10          | 810Кб(816640 байт)         |
| 3.5          | 1.4 Мбайт               | 1.4 Мбайт              | 81       | 21          | 1.7 Мб(1723904 байт)       |

Format командасини ишлатиб кўрсангиз, қўйидаги маълумот билан бошланади:

Insert new diskette to drive x:and stike Enter When ready

(Дискетани курилмага уланг ва [Enter]ни босинг)

Сўнг format командаси ишга тушиб, йўл ва секторларни бирма-бир тозалаб, форматлаш ахборотини экранга чиқариб туради. Форматлаш тугаганини қўйидаги савол экранда пайдо бўлганидан биласиз:

format another (Y/N)?

(яна форматлайсизми (ҳа, йўқ)?)

N — клавишини босиб, форматлашдан чиқилади. Дискетанинг

йўли яроқсиз бўлган ҳолда, унинг номери кўрсатилиб, қўйидаги-  
га мос хабар чиқади:

Track 1-bad — disk unusable

(1-йўл яроқсиз, дискетани ишлатиш мумкинмас).

Мисол:

format a: \T:81\N:21 — а: дискетни стандарт 1.44 Мбайт ўрнига  
1.7 Мбайтга ўлчамини ўзгартириб форматлади.

Дискетлардаги маълумотларни бошқа дискетларга кўчириш учун  
Diskcopy командаси ишлатилади. Унинг формати қўйидагича:

Diskcopy (диск:) (диск:) \v\ m

v,m — параметрлари заруриятга қараб ишлатилади.

v — нусха кўчириш тўғрилигини текшириб боради;

m — нусха кўчиришда винчестердан фойдаланмасдан, опера-  
тив хотирадан фойдаланади.

Мисол:

diskcopy a: b: \v—a: дискетини b: дискетига тўғри ёзилишини  
текшириб кўчириш;

diskcopy a: b: — a: дискетини b: дискетига кўчириш.

Бу команда бажарилаётганда қўйидагиларга эътибор бериш  
керак. Дискетларнинг форматлари: яъни йўллар, секторлар сони  
бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда дисковод турлари ва дискетлар  
бир-бирига мос келмайди, — деган хабар келади.

Агар нусха ёзиладиган дискета форматланмаган бўлса, у худди  
нусха кўчирилаётган дискета форматида автоматик равища форматлаштирилади ва ёзув бошланади. Команда бажарилаётганда  
дискдаги нечта йўл, сектор ва томон кўчирилаётгани ҳақида маъ-  
лумот бериб борилади.

Дискетларни йўллар бўйича солишириш Diskcomp команда-  
сига, дискларнинг файл системаси тўғрилигини текшириш эса  
CHKDSK командасига юклатилган.

#### 4.1.7. Умумий системадаги программа ва командалар

DOSнинг умум система маъсулидаги программа ва командала-  
рига date, time, prompt, vеглар киради.

date командаси ёрдамида жорий кунни, ойни ва йилни билиш  
мумкин. Агар бу сана қайсиadir сабаб билан нотўғри бўлиб қолса,  
керакли сана қўйидагича киритилади:

Enter-new date (dd-mm-yy)

киритиладиган қатор 15-01-2001, яъни 15 январ 2001 йилини  
ўрнатинг, демакдир.

time—командаси ўз ўрнида жорий вақт тўғрисида маълумот  
чиқариш ва компьютерга тўғри вақтни киритиб қўйишга хизмат  
қилади.

Команда формати:

time (соатлар:минутлар)

соат 0-24, минут 00-59 чегарасида ўзгаради.

Мисоллар:

1. time — жорий вақтни чиқаради;

2. time 12:44—12 соат 44 минут вақтни ўрнатамиз.

MS DOS да таклиф > белгиси билан изоҳланади. Бироқ сиз prompt командаси турли вариантдаги таклифлардан бирини танлаб олишингиз ҳам мумкин.

Бунинг учун prompt командасидан фойдаланасиз, унинг формати

prompt (матн)

матн ўрнида қуйидаги символлар ҳамкорлигига ишлатилади:

\$p—жорий диск ва каталог; \$h—аввалги символни ўчириш;

\$n—жорий диск курилмаси; \$c—ESC(27-коддаги символ);

\$d—жорий сана; \$g— «>» символи;

\$t—жорий вақт; \$l— «<» символи;

\$v—Dos версияси; \$b— «I» символи;

\$—яңги қаторга утиш; \$\$— «\$» символи;

\$s—пробел.

Мисоллар:

a). c: жорий диск ва work жорий каталог номи бўлиб, уларни таклиф каби ўрнатиш зарур.

prompt \$p\$c: — командаси бу вазифани уddyalайди. Энди ҳар доим c:work> таклифи экранга чиқади.

б). таклифда доим вақт ва сана ўрнатилиш лозим.

prompt \$t\$d — командаси бу вазифани уddyalайди. Энди ҳар гал вақт сана > таклифи экранга чиқади.

*Set командаси.* Амалий программа тузувчилар баъзи бир қисқартмаларни Set командаси орқали киритиб кўядилар-ки, кейинчалик команда процессори кичик бир қисқартма ўрнида бутун бир бошлиқ терминларни тушунади. Команда формати

Set ўзгарувчи номи ифодаси бўлгани ҳолда қуйидаги мисолларга аҳамият беринг:

set 87\N

set shit\c:\chidoc\work

set lib\c:\msc;c:\fortran

DOS системасининг қайси версияси компьютерингизга жойлашганини билиш учун ver командасидан фойдаланасиз.

Мисол:

Ver

MS DOS version — 6.0

*Символларни кодлаш.* Маълумки, компьютерлар фақат сон кўринишидаги ахборотни қайта ишлайди. Ҳужжатлар, программа текстлари клавиатурадан киритилаётганда символлар белгиланган рақамларга, улар монитор ёки принтерга қайтиб чиқарилаётганда эса ҳар бир сонга (символ коди) мос символ тасвири пайдо бўлади.

Шу сабабдан символлар түплами ва уларга кодларнинг мослиги символларни кодлаштириши деб юритилади.

Маълумки, символлар коди бир байтда жойлашган бўлади, шундан келиб чиқиб, у 0-255 гача бўлган қийматни қабул қилиши мумкин. Бундай кодлаштиришга бир байтли кодлаштириш дейилади ва у 256 турли символларни қабул қиласди.

Айтиш лозимки, ҳозирги вақтда икки байтли Unicode кодировкаси ишлатиляпти (Мисол учун, бу кодировкани янги операцион системалар ОС WINDOWS NT га мослаштирилган).

Натижада 0 дан 65535 та символ кодидан фойдаланиш имконияти туғилиб, дунёдаги барча тиллар алфавити, математик, график, декоратив белгилар жойлаштириш имконияти туғилди.

*Компьютерни турли давлатлар алифбосига созлаш.* MS DOSнинг очиқ архитектура принципи миллий томонларни қўллаб-қувватлашни ҳисобга олгандир. Тўғри, аввалги MS DOS ишлаб чиқилганда, турли давлатлар бу системани ўз мамлакати алфавитига мослаштириш учун қўшимча ишларни бажарар эдилар. Натижада турли хил давлатларда бу вазифалар ишончлилиги шубҳали, ностандарт кўринишида бажарилар, шунинг учун мушкул ҳолатлар, ноқулайликлар юзага келарди.

Шу туфайли бу масалада ҳам MS DOS тартибни йўлга қўйиш учун кўйидагиларни киритди:

— CONFIG.SYS файлига COUNTRY командаси киритилди. Бу команда у ёки бу мамлакатни босма ва ёзма ҳарфларини, вақт, сана, пул бирлиги ва ҳ.о. ларни стандартларини ўрнатади;

— турли символлар кодировкаларини белги генераторига юклашни амалга оширувчи воситалар;

— Клавиатурадаги клавишлар жойлашувидан қатъий назар фойдаланиш воситаси.

## 4.2. NORTON COMMANDER

Бу бобда MS DOS операцион системаси командалари базасида қобиғ функциясини ўтувчи энг машҳур программа қобиги бўлмиш Norton Commander (NC) ни кўриб чиқамиз. Бутун дунёдаги барча истеъмолчилар айнан шу қобиғ ёрдамида файллардан нусха кўчиради, каталогларни кўриб чиқади, программаларни чақиради ва бажаради.

Ҳаттоқи Windows ва Windows 95 дан фойдаланувчилар ҳам бъзи бир ишни NCда олиб боришади. Чунки ҳозиргача бундай сода, қулай бошқа программа яратилмаган.

Шунинг учун NCнинг энг охирги версияси Symantec фирмаси томонидан айнан Windows 95 билан параллел иш олиб бориш учун яратилди.

Norton Commander функцияларини кўйидагича шартли қисмларга ажратамиш:

- . умумий тушунчалар ва маълумотлар;
- . панеллар ва функционал клавишлар;
- . файллар ва каталоглар билан ишлаш;

. дисклар билан ишлаш;  
. күшимица имкониятлар;  
. NC созлаш.

#### 4.2.1. Умумий тушунчалар ва маълумотлар

Norton Commander Peter Norton Computing фирмаси томонидан яратилган эди. Дунёда кўпгина фирмалар Norton Commander каби программа қобиғларини яратганлар. Мисол учун QDOS, Path Minder, Xtree, Pic Commander, Victoria, ҳаттоқи MicroSoft фирмаси рақобат маъносида ўзининг программа қобиғи Shell 4.0 ва 5.0 версияларини яратди. Бироқ бу программалар қобиғи Norton Commander ўрнини боса олмади.

Шу сабабдан Windows ва Windows 95 лар учун NC яратилиб, Symantec фирмаси таркибида яратилган NC 5.0 версияси ҳозирги кунда кенг ёйилган, фойдаланувчиларнинг турли табақаларига манзур ва маълум.

Norton Commander 5.0 версияси учун компьютер оператив хотираси 512 Кбайт ва винчестер 4.5 Мбайтни ташкил этиши зарур.

Norton Commanderнинг стандарт имкониятлари қуйидагилар:

- дискдан каталоглар мундарижасини экранга тўлиқ чиқариш;
- файллардан нусха кўчириш, файлларни қайта номлаш, жўнатиш ва ўчириш;
- каталоглар дараҳтини тасвирини кўрсатиш, керакли каталогларга осонгина ўтиш, каталогларни яратиш, қайта номлаш ва ўчириш;
- матнли, график ва архив файллар, маълумотлар базасини кўриб чиқиш;
- матнли файлларни таҳрир қилиш;
- стандарт кўринишда бажариладиган функцияларни клавишилар орқали бажарилишини таъминлаш ва ҳ.о.

*Эслатма.* Norton Commander DOS — программаси, яъни у билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун Windows 95 ва Windows NT даги узундан-узун номларни тушунмайди. У 8 та асосий ва 3 та кенгайтирилган номга ажратилган лотин ҳарфлари, белгилар ва сонларни тушунади (Файллар бандига қаранг).

Norton Commander программасини ишга солиш учун клавиатурада NC деб териб [Enter] ни босасиз. Натижада экранда иккι дарча (одатда панел деб юритилади) пайдо бўлади.

Панел билан ишлашни алоҳида кўрилади.

Norton Commander дан чиқиш учун [F10] клавиши босилади. Экранга Norton Commander дан чиқиши тасдиқланг деган сўрқ пайдо бўлади. Чиқиш учун [Y] ёки [Enter], чиқиши рад этишга эса [N] ёки [Esc] босилади.

Norton Commander таркибида «тикилган» маълумотнома бор.

Агар сиз [F1] клавишини боссангиз, ёрдам тариқасида керакли маълумотларни оласиз. Сиз файл матнини кўраётган бўлсангиз, клавишлар тўғрисида, бошқа ҳолда эса меню пунктида қабул қилган иш бўйича ёрдамчи маълумотлар берилади.

Маълумотнома матни экранга сифмаса, сизга таниш бўлган клавишлар [Home], [End], [PgUp], [PgDn] воситасида ёки сичқон билан ёрдам матни кераклигича чақириб кўрилади.

Norton Commander орқали DOSга чиқиш ва DOS командаларини бажариш ҳам мумкин.

Бунинг учун DOS командаси клавиатурада терилади ва [Enter] босилади. Терилган команда бажарилгач ортга NC га қайтиш автоматик равишда амалга ошади.

Жорий курсор кўрсатиб турган файлни номи [Ctrl] [Enter] ни баробар боссангиз таклифга кўшилган команда ҳосил бўлади, сўнгра [Enter] босилса бажариш юз беради.

Командалар бажарилиш натижасини вақтинча панелни ўчириб кўриш мумкин. Бунинг учун [Ctrl] [O] босилади. Қайта бу клавишлар босилса панеллар экранда яна пайдо бўлади.

Norton Commander кетма-кет бажарилган 16 команда рўйхатини доимо сақлаб боради. Агар сиз бу командалар рўйхати билан танишмоқчи, ёдга олиш учун кўрмоқчи бўлсангиз [Ctrl] [E] ёки [Ctrl] [X] ни босинг. Биринчи ҳолда охиргисига қараб, бошқасида бошидан охирига қадар бажарилган командалар рўйхати экранга чиқади.

Norton Commander менюсидан фойдаланиш. NC да ишлаётгандага керак бўладиган команда бу — менюдир.

Менюга кириш учун [F9] ни босасиз. Экран юқори қисмида Lefts, Files, Disk, Commands, Options ва Right (Ўзбекча чап, файл, диск, командалар, қарор қабул қилиш, ўнг) пайдо бўлади.

Менюнинг пунктларидан бири белгиланганини кўрасиз, [ $\leftarrow$ ], [ $\rightarrow$ ] клавишларини босиб эса бошқа пункт белгиланишини ҳосил қилинади.

Сиз [Enter] ёки [ $\Downarrow$ ] боссангиз таг ости менюга ўтиб қоласиз.

Мисол учун бош меню 6 пунктдан иборат бўлса, таг ости менюлар Lefts — 7 та, Files — 8 та, Disk — 9 та, Commands — 6 та, Options — 8 та ва Right — 7 та пунктдан иборат ва ҳ.о.

NC менюсида бирор бир пунктида ( $\checkmark$ ) белгиси турган бўлса, демак шу пункт режими бажарилиши учун ёқиқ турганини билдиради. [Enter] ни боссангиз бас, бажарилиши муқаррар.

Баъзи бир пунктлар бажарилишида кўп нуқталар экранга чиқса, билингки кўшимча параметрлар киритиш керак бўлади.

NC менюсидан чиқиш учун [Esc] клавиши босилади, холос.

#### 4.2.2. Панеллар ва функционал клавишлар

NC ни юклагач, экранни чап ва ўнг панеллар эгаллайди.

Асосий менюга ўтиш учун [F9] функционал клавиши босилади. Менюнинг ичидаги таг ости менюларга ўтиш учун [Enter] босилади.

Таг ости менюлардаги пунктдан пунктта ўтиш учун эса [**↓**], [**↑**] клавишларидан фойдаланилади.

Асосий менюнинг «Left» таг ости менюсининг пунктлари қуйидагилар:

**Brief** — файллар түғрисида қисқа форматда, яъни файл номи уч қаторда берилади;

**Full** — файллар түғрисида тўлиқ форматда, яъни файл миқдори байтда, ҳосил қилинган сана ва вақти;

**info** — пунктини танлассангиз диск түғрисида қуидаги маълумотлар оласиз:

— компьютер оператив хотира миқдори, байтда (... Bytes Memory);

— шу жумладан, эркин (бўш) оператив хотира миқдори, байтда (... Bytes Free);

— жорий диск миқдори, байтда (... Bytes on drive...).

— жорий дисқдаги бўш жой миқдори, байтда (... Bytes free on drive..);

— панелга чиқарилган каталогдаги файллар сони ва уларнинг миқдори байтда (... files use..bytes..).

Шунингдек жорий диск меткаси ва серия номери чиқарилади.

**Tree** — ўнг панелдаги диск каталоглар дараҳтини экранга чиқаради. Дараҳтдаги «шоҳдан» «шоҳга» [**↓**], [**↑**] клавишлари орқали ўтиш мумкин.

Натижада ҳар бир танлаган каталогга жойлашган ички каталог ёки файллар номининг рўйхати қарама-қарши панелда пайдо бўлади.

**Quit view** — белгиланган файл матни ўнг томонда кўринади. Бироқ унинг формати экранга тўлиқ сифмаса, сифган қисми кўринади, холос.

**Compressed File** — панелда архив файлнинг рўйхати чиқарилади;

**Link** — бошқа логик қурилмалар портлари билан улаш учун фойдаланилади;

**on/off** — чап панелни ўчириш-ёқишига хизмат қилади; (<ёки Ctrl F1)

**Name** — файлларни алифбо бўйича саралаб, экранга чиқаради; ()

**Extension** — файлларни кенгайтирилган номига қараб саралаш; ()

**Time** — файлларни яратилган вақтига қараб, саралаб экранга чиқаради. Энг охирги вақтда яратилган файллар биринчи берилади ва ҳ.о. ()

**Size** — файлларни энг катта миқдор ҳажмига қараб, саралаб экранга чиқаради; ()

**Unsorted** — жорий панелдаги файлларни сараламасдан экранга чиқаради. ()

Re-read — панелга каталог рўйхатини қайта ўқиб чиқаради;  
Filter — панелга файлларни саралаб, қисман чиқаради;  
Drive — диск ёки дискетларга ўтишни таъминлайди;  
(Alt F1)

Norton Commanderда [Enter] клавишини аҳамияти, вазифаси, MS DOSда қабул қилингани билан бир хил ҳисобланиб, бажариш командасини беришга хизмат қиласди.

«Right» таг ости менюси функциялари «Left» функциялари билан айнийдир, фақат бажарилиш ўнг панелда бажарилади.

«Files» таг ости менюси. «Files» таг ости менюси асосан файллар устида бажариладиган амалларни бажариш имконини беради.

Help F1

\* — шарҳи учун функционал клавишилар тавсиф этилганда берилади;

User menu F2 — (\*);

View F3 — (\*);

Edit F4 — (\*);

Copy F5 — (\*);

Rename or move F6 — (\*);

Make directory F7 — (\*);

Delete F8 — (\*);

File Attributes — файл атрибутларини ўрнатиш. Файлни ўқиши учун архив, яширин ва системали кўринишида белгилаш қабул қилинган.

Select Group Gray — файллар гуруҳини белгилаш;

Unselect Group Gray — файллар гуруҳини белгилашни бекор қилиш;

Invert selection Gray \* — кўрилаётган каталогда белгиланган файллардан бу сифатни олиб ташлаб, қолганларини белгилайди;

Restore selection — белгилашни қайта ўрнатади;

Quit F10 — (\*).

Шу ўринда профессионал программачилар, умуман компьютер билан таниш фойдаланувчилар Select Group, Unselect Group пунктларидан асосан фойдаланишларини айтиб ўтиш лозим. Яна бу пунктларни бажариш учун, меню, таг ости меню, пункт танлаш процессидек узундан узоқ йўл босмай, клавиатуранинг ўнг блокидаги + ва — орқали осон бажариш мумкин. Мазкур пунктлар учун бир хил бажарилишини билдириб, Gray +, Gray — авиатура турган эди. Машқ қилиб кўринг. (\*) билан белгиланган пунктлар кўйида берилади.

«Commands» таг ости менюси. «Commands» менюси функциялари: панеллар, каталог, компьютер конфигурацияси, оператив хотира, экран ҳажми параметрларини ўрнатиш билан боғлиқ, буларнинг баъзилари экранда, баъзилари эса функционал клавишилар орқали кўрилади.

NCD tree Alt—F10—(\*);  
Find file Alt—F7—(\*);  
History Alt—F8—(\*);  
Ega lines Alt—F9—(\*);

Sistem information — сиз фойдаланаётган компьютер қурилмалари, оператив хотира, винчестер, дискетлар, экран тури ва бошқа маълумотларни беради.

Swap panels Ctrl—U—(\*);

Panels on/of Ctrl—O—(\*);

Compare directories — икки панелдаги файлларни ўзаро солиштириб, бир хил бўлмаган файлларни иккала панелда белгилаб кўрсатади.

Terminal Emulation — модем орқали маълумот узатишни таъминловчи программани юклайди.

Menu file edit — фойдаланувчи менюсини таҳрир қиласди.

Extension file edit — NC нинг махсус NC.ext файлини таҳрир қиласди.

«Options» таг ости менюси. «Options» менюси пунктлари асосан NC конфигурациясини ўрнатиш билан боғлиқ функциялар ҳисобланади. Бу пункт кўпроқ профессионал программачиларга асқотади.

Configuration — NC нинг конфигурацияси экранда чиқсан параметрлар танланишига асосан ўрнатилади.

Editor — редакторни ўрнатиш.

Confirmation — файл нусхасини кўчириш, ўчириш вақтида чиқадиган саволларга эҳтиёж бор-йўқлигини ҳал қилишингиз мумкин. Мисол учун қайта савол сўрәмай ўчириб юбориш режими. Лекин, бундай қилиш маслаҳат берилмайди.

Auto menus — фойдаланувчи менюсини экранга чиқаради.

Path prompt — таклифда диск, йўл, каталог номини доимо чиқарип туришни ўрнатиш.

Key bar — бу режим экраннинг пастки қисмида функционал (Ctrl—B) клавишилар вазифаси тўғрисида маълумот беради.

Full screen — бу режим NC панелларини бутун экран ёки унинг ярмида кўрсатиш ўлчамини ўрнатади.

Mini status — бу режимда жорий панелнинг пастки қисмида бир ёки белгиланган файллар сони ва микдори байтда берилади.

Clock — экраннинг юқори ўнг бурчагида жорий вақтни кўрсатади.

Save setup — ўрнатилган режимларни сақлаб кўйишга хизмат (Shift—F9) қиласди.

«Right» таг ости менюсининг пунктлари эса «Left» таг ости меню пунктлари билан айнийдир. Фарқи барча функциялар ўнг дарчада бажарилади.

Функционал клавишилар. Функционал клавишилар, уларнинг ёзув кўриниши ва вазифаси қўйидаги жадвалда берилган:

| Клавиш | Ёзув   | Вазифа  |
|--------|--------|---|
| F1     | Help   | NCда ишлаёттанингизда клавишлар вазифаси түғрисида қисқа маълумот;  |
| F2     | Menu   | Фойдаланувчи менюсидаги командаларни чақиради;  |
| F3     | View   | Файлни экранга чиқариб кўриш. Бу файллар: матнли файллар, ҳужжатлар, график файллар, маълумотлар базаси, архив файл ва бошқалар бўлиши мумкин;          |
| F4     | Edit   | Файлни экранга чиқариб таҳрирлаш. NC (таҳрирлаш) таркибида кичик матнли редактори жойлашган бўлади. Баъзи ҳолларда бошқа редакторни ҳам чақириш мумкин; |
| F5     | Copy   | Файлдан нусха кўчириш. Экран ўртасига нусха кўчириш түғрисида сўров чиқади. Бажариш учун [Enter], рад этишга [Esc] босилади;                            |
| F6     | Renmov | Файлни янги номлаш. Бажариш учун [Enter], рад этишга [Esc] босилади;  |
| F7     | Mkdir  | Янги каталогни ҳосил қилиш;   |
| F8     | Delete | Файл ва каталогни ўчириш;   |
| F9     | FullDn | NC менюсини бошқаришга ўтиш;  |
| F10    | Quit   | NC дан чиқиш ёки тугатиш.   |

Энди [Alt] функционал клавиши билан биргаликдаги вазифаларни кўриб чиқайлик.

| Клавиш                | Ёзув     | Вазифаси                                 |
|-----------------------|----------|--|
| [Alt] [F1]<br>Left    | Чап диск | Дискни танлаш, чап панелга;              |
| [Alt] [F2]<br>Right   | Ўнг диск | Дискни танлаш, ўнг панелга;              |
| [Alt] [F3]<br>View    | Ўқиш     | Матнли файлни экранга чиқариб кўриш;     |
| [Alt] [F4]<br>Edit    | Ўқиш     | Матнли файлни экранга чиқариб таҳрирлаш; |
| [Alt] [F5]<br>Comp    | Зичлаш   | Белгиланган файлларни зичлаш;            |
| [Alt] [F6]<br>De comp | Олиш     | Архивдан файлларни олиш;                 |

|                      |        |   |
|----------------------|--------|---|
| [Alt] [F7]<br>Find   | Излаш  | Дискдан файлларни излаш;  |
| [Alt] [F8]<br>Histry | Журнал | Аввал бажарилган командаларни қайта бажариш;                              |
| [Alt] [F9]<br>EGA    | Қатор  | EGA ва VGA түридаги мониторлар учун 25,43 ёки 50 қаторли экранга ўтказиш; |
| [Alt] [F10]<br>Tree  | Дараҳт | Бошқа каталогга тезда ўтиш.   |

Худди шунингдек, Ctrl клавишининг F1—F10 клавишилари комбинацияси билан ҳам турли вазифаларни бажариш мумкин.

| Клавиш                      | Ёзув      | Вазифаси   |
|-----------------------------|-----------|--|
| [Ctrl] [F1]<br>Left         | Чап       | Экранга чап панелни чиқариш ёки олиб ташлаш;                               |
| [Ctrl] [F2]<br>Right        | Үнг       | Экранга ўнг панелни чиқариш ёки олиб ташлаш;                               |
| [Ctrl] [F3]<br>Name         | Ном       | Жорий панелда файлларни номлари бўйича, ҳарфларни алифбога мослаб саралаш; |
| [Ctrl] [F4]<br>Exten        | Тур       | Жорий панелда файллар кенгайтирилган номлари бўйича саралаш;               |
| [Ctrl] [F5]<br>Time         | Вақт      | Жорий панелда файлларни тузилган вақти бўйича саралаш;                     |
| [Ctrl] [F6]<br>Size         | Ўлчов     | Жорий панелда файлларни ўлчов катталиги бўйича саралаш;                    |
| [Ctrl] [F7]<br>Unsofted     | Диск      | Жорий панелда файлларни саралаш ўтказмаслик белгиси ўрнатилади;            |
| [Ctrl] [F9]<br>Print        | Босиш     | Жорий панелдаги курсор турган файлни қозозга босиб чиқаради;               |
| [Ctrl] +[U]<br>Swap panels  | Панел-лар | Экрандаги панеллар ўрнини алмаштиради;                                     |
| [Ctrl] +[O]<br>Panels on/of |           | Жорий панелни ёқади (ўрнатади) /ўчиради.                                   |

Шунингдек [Shift] ва F1—F10 клавишилари комбинациясидан турли амалларни бажариш мумкин. Мисол учун, [Shift]+[F9] комбинацияси орқали NC конфигурациясини сақлаб қўйилади. Бу куляй, агар сиз панелга файллар номлари бўйича чиқарилишини конфигурацияга киритиб ёзиб қўйсангиз, бас, ҳар гал компьютер файлларни шу тартибда экранга чиқаради.

[Shift] билан боғлиқ бошқа комбинациялар моҳияти дискни тозалаш, файлларни кўриб чиқиш, файл таҳрирлаш, нусха кўчириш ва бошқа [F1],...,[F10] клавишилари бажарадиган вазифаларга ёрдамлашади.

#### 4.3. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲРИРЛАШ АСОСЛАРИ

Сиз билан биз матнли ҳужжатлар оламида яшаётганимиз сир эмас. Матнли ҳужжатларга: қоғозга чиқариладиган бор ахборот, хабар, хатлар, ёзишмалар, таклифнома, эълон, реклама, ўқув дастурлари, библиотека, видеотека, фонотека каталоглари, ҳисоботлар ва бошқа кўп маълумотлар киради.

Матнли ҳужжатларни матнли редакторлар, ҳамда график редакторлар билан қайта ишлаш кенг қўлланилади. MS DOSда асосан содда редакторлар: Lexicon, WD, MS DOS—Edit, ME ва ҳ.о.лар ишлатилса, Windows таркибида эса Word, Excel туридаги редакторлар қўлланилади.

**Матнли файллар.** Матнли файллар алфавит-рақам шаклидаги маълумотларни энг қуляй тасвирловчи формадир. Натижада киритиш, сақлаш, таҳрирлаш, экранда ўқиш ва босмага турли матнли ҳужжатларни чиқариш мумкин.

Маълумотларни файлларга формат бўйича ёзиш қабул қилинган. Бир қаторга 70-80 та символ ёзиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аслида матнли файллар узунлигини 255 символга ҳам етказиши мумкин, бироқ бу ҳолда бундай файлларни босмага ёки экранга чиқараётганингизда катта қийинчиликларга дуч келасиз. Чунки экран формати 80 позиция-символга мўлжалланган.

Матнли файллар қаторини белгилашда бошқарувчи символдан «каретка қайтиш» (коди 13) ва «янги қатор» (коди 10) фойдаланилади. Текст тамом бўлгач эса, «файл тамом» (коди 26) бошқарув символи асқотади. Мисол учун, бирор матнли ҳужжат (шеър бўлсин) қўйидаги кўринишни оларди:

Азиз асримизнинг, азиз онлари, <13> <10>

Азиз одамлардан сўрайди қадрин. <13> <10>

Фурсат фаниматдир, шоҳ сатрлар-ла, <13> <10>

Безамоқ чоғидир умр дафтарин. <13> <10>

.....  
Faafur Fulom <13> <10> <26>

Шеър атоқли академик шоир Faafur Fulomга тегишли, табиийки унинг исми шарифи билан матнни тамомладик.

Бошқарув символлар нима учун кераклигини тушунтириб ўтамиз.

Мисол тариқасида берилган шеърни бошқа программалар, ҳар бир сатрни охирига қўйилган белгисига қараб ажратади.

Чунки бу машқ винчестерда мантиқан (физик эмас) қўйида-гича жойлашган бўлади:

Азиз асримизнинг, азиз онлари, <13> <10> Азиз одамлардан сўрайди қадрин. <13> <10> Фурсат фаниматдир, шоҳ сатрлар-ла, <13> <10> Безамоқ чоғидир умр дафтарин. <13> <10> ..... Faafur Fulom <13> <10> <26>.

Физик жойлашса, қандай жойлашарди?

Матнли файлларда жадвал ҳамда баъзи оддий расмлар ҳам чи-зиш мумкин. Улар синган чизиқлар шаклида бўлади. Матнли файл-

ларни компьютерларда TXT кенгайтирилган ном билан белгилаш қабул қилинган.

Дунёда матнли файлларни қайта ишлаш учун фирмалар, профессионал, ҳаттоки ҳаваскор программачилар ёрдамида минглаб редакторлар ишлаб чиқилган. Буларнинг аксари қисми юқорида келтирилган бошқарувчи символлардан фойдаланишга амал қилиб, каноник-стандарт форматда файллар ҳосил этади.

WORD туридаги редакторлар яратадиган файллар формати эса, бу стандартга мос келмайди. Уларни матнли файллар ҳосил қила-ди деб ҳисоблаш түғри эмас.

## 4.4 ЛЕКСИКОН – МАТН РЕДАКТОРИ

### 4.4.1. Бажариш вазифалари

Ушбу бобда DOS кўламида энг кенг тарқалган матнли редактор—Лексикон баён қилинади. Умуман ҳар бир редактор қуйидаги стандартни бажариши мажбурий ҳисобланади:

- алфавит-рақам маълумотларни киритиш;
- терилган матн бўйича силжиш;
- символларни кўшиш ва йўқотиш (ўчириш).

Бундан ташқари кўпгина редакторлар блок (қисмлар) билан ишлаш, текст фрагментларини қидириш ва алмаштириш, текстни ўзини ёки қисмини босиб чиқариш имкониятини беради. Бундан ташқари, бошқа имкониятлари бўлса, у фойдаланувчи учун кўшимча енгилликлар яратганини билдиради.

Зикр қилинган имкониятларнинг барини Лексикон редактор ўзида жамлаган.

Умуман уни қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- матнли ҳужжатларни киритиш, таҳрирлаш ва экранда кўриш;
- символлар, қаторлар, фрагмент, қисмларни устида силжиш, кўшиш, кўчириш ва ўчириш (йўқотиш);
- матнларни абзацларини автоматик форматлаш;
- матнларни бетларга автоматик бўлиб чиқиши;
- турли: тагига чизиш, курсив, ярим қалин шрифтлардан фойдаланиш;
- бир вақтнинг ўзида бир неча ҳужжатларни таҳрирлаш.

Лексикон ёрдамида ихтиёрий программа текстлари, DOS командали файлларини ҳам таҳрирлаш мумкин. Бу ҳолда турли шрифтлардан фойдалана олмайсиз.

### 4.4.2. Лексиконни юклаш ва асосий меню

Лексикон қуйидаги команда орқали юкланади:

*Lexicon таҳрир қилинувчи файл номи*

Экранда қуйидаги менюга эга бўлган дарча пайдо бўлади:



#### 14-расм

Аҳамият беринг, менюга кириш учун F10 босилади, деган кўрсатма бор. F10 ни босдик. [Текст] — сўзида белгилаш пайдо бўлди.

|           |           |          |              |       |        |
|-----------|-----------|----------|--------------|-------|--------|
| Сохранить | Загрузить | Очистить | Конфигурация | Макро | Печать |
|-----------|-----------|----------|--------------|-------|--------|

[Enter] ни боссангиз таг ости менюга ўтасиз (14-расмга қаранг).

Асосий менюда ҳаракат қилиш учун [ $\rightarrow$ ], [ $\leftarrow$ ] клавишиларидан фойдаланилади. Менюдан чиқиш учун [Esc] клавишини босасиз.

Асосий менюнинг функциялари:

**Текст** — матн устида операция бажарилиши (юклаш, сақлаш, матнни босиб чиқариш), ҳамда Лексикон конфигурацияси ва макро тушунчалар бериш;

**Лексика** — ёзувни тўғрилигини текшириш (Лексиконнинг янги версияларида бу имконият киритилган);

**Абзац** — текст абзаци бўйича форматлаш, формат параметрларини танлаш;

**Фрагмент** — текст фрагментлари бўйича операциялар: белгилаш, йўқотиш, қўшиш ва ҳ.о.

**Страница** — текстни бетларга ажратиш, параметрлар, колонтула ўлчамларини бериш;

**Найти** — матндағи тагқаторни излаш;

**Заменить** — матндағи тагқаторни излаб алмаштириш;

**Метка** — ҳужжатни жорий нуқтасини белгилаш, сўнгра меню (Отметить) нинг «Перейти» пункти орқали шу жойга тезда қайтиш;

**Прыг (Перейти)** — аввал белгиланган жой ёки қаторга ўтиш;

**Шрифт** — жорий шрифтни ўрнатиш (оддий, курсив, ярим қалин, ости чизилган ва ҳ.о.), текст ёки белгиланган фрагментдағи шрифтни алмаштириш;

**ДОС** — DOS га вақтинча чиқиш, Лексиконга қайтиш Exit командаси билан;

**Выход** — Лексикондан чиқиш.

#### 4.4.3. Матн бўйича силжиш

Экранда ўчиб-ёниб, липиллаб турган белги — курсор деб аталади ва у қайси позицияда турган бўлса, шу позицияда таҳрирни ўтказасиз. Матн бўйича ҳаракат қўидаги клавишлар орқали амалга оширилади:

←, →, ↑, ↓ — мос равиша бир позицияга чап, ўнг, юқори ва пастга силжишни билдиради;

[PgUp], [PgDn] — экран баландлигиде юқори ва пастга сакраш; [Home], [End] — сатр боши ва охирига сакраш; [Shift] [←] ва [Shift] [→] — қатор боши ва охирига ўтиш; [Shift] [↑] ва [Shift] [↓] — матн боши ва охирига ўтиш;

#### 4.4.4 Матн киритиши

Асосий менюдан [Текст] режимига ўтиб, [Esc] клавишини боссангиз курсор экранда пайдо бўлади. Курсор сиз терадиган матн билан ҳаракатга келиб туради ва ҳар гал навбатдаги белгини киритсангиз сурилиб боради. Терилаётган матн одатда ёзма(кичик) ҳарфлар ёки қуи регистр символлари билан тўлиб боради, агар юқори регистр символлари, шу жумладан босма(катта) ҳарфларни киритмоқчи бўлсангиз [Shift] клавишиаси билан биргаликда баъзи лозим.

Юқори регистрга ўтиш учун эса [Caps Lock] ёқиб қўйилади. Ўчиқ ҳолати қуи регистр ҳолати ҳисобланади.

#### 4.4.5 Алифболарга ўтиши

Лексиконда кириллица ёки лотин алифбосида белгилар, ҳарфлар териш имконияти бор. Бунинг учун [F9] клавиши босилса, асосий менюда [Рус][Лат] деган кўрсатма пайдо бўлади. Керагини танлаш эса ихтиёргиз.

#### 4.4.6 Белгиларни алмаштириш ёки суриб ёзиши

Агар [Ins] — клавиши ёқилган бўлса, киритилаётган матннинг қайси ерида курсор турган бўлса, шу жойдан бошлаб матн устига символ териб кетади, агар [Ins] — ёқилмаган бўлса, курсор турган позициядан бошлаб аввалги матнни суриб, орасига терилаётган символларни жойлади.

Лексиконда матнлар териб борилаётганде сўзларни қатордан-қаторга бўғинлаб ўтказиш ёки бўғинга ажратмай ўтказиш ҳоллари мавжуд. [Док] режимида, [Перенос] Да— ҳолатини ўрнатсангиз, сўзларни бўғинлаб, қатордан қаторга автоматик равища ўтказади. [Перенос] Нет— ҳолатида эса, қаторга сифмаган сўз кейинги қаторга бутунлай ўтиб кетади.

*Ўнг тарафни текислаш.* Маълумки, хат ёзиш, китоб ўқиш, умуман ҳар қандай ҳужжат чапдан ўнгга бошлаб ёзилади. Бу нарса асосан барча давлатларда қабул қилинган. Баъзи бир араб давлатлари, яъни араб имлоси амалдаги давлатлар бундан мустасно.

Компьютерда ҳам матн чапдан ўнгга қараб терилади. Натижада терилаётган матн ўнг томонини текислаб бориш лозим.

Лексиконда [Док] режимда [Абзац] ҳолатини танласангиз қуйидаги таг ости менюга кирасиз:

| Формат | Режим | Глоб-формат | Перенос-Да | Выключка-Да | Правая-63 | Левая-1 | Отступ-6 | Образец |
|--------|-------|-------------|------------|-------------|-----------|---------|----------|---------|
|--------|-------|-------------|------------|-------------|-----------|---------|----------|---------|

Бу ҳолатларнинг ҳар бирини қисқача тушунтириб ўтамиз. Жорий абзацни чегараларини текислаш учун **Формат** — ҳолатига кириб, [Enter] клавишини боссангиз бас. Ўнг ва чап чегараси текисланган матнга эга бўласиз.

**Режим** ҳолатида эса форматлашни параметрлари танланади. Мазкур параметрлар: фаол(актив), суст(пассив), хира(назойливое), эркин(свободное) бўлиши мумкин. Мисол учун фаол параметрига ўтиш маъкул ҳисобланади.

**Глобформат** ҳолати матнни бирор белгилаган бўлагингизни форматлаб бериш учун қулай. Бу бўлак ичиди бир эмас, бир неча абзац маълумоти кирган бўлади.

**Перенос** ҳолати ҳақида юқорида сўз юритган эдик.

**Выключка** ҳолатида матн учун ўнг ва чап чегара ўрнатилади. Абзац учун маъкул позиция белгиланади.

Ўнг тараф текислаб борилади, текислаганди ўнг чегарагача сўзлар сурилиб, сўзлар ораси пробеллар билан тўлдирилади.

Умуман, кўпгина текст маълумотлари учун қатор узунлиги 63 белги-жой ташкил этиши стандарт бўйича қабул қилинган. Аммо ушбу китобда 60 позиция олинди. Чунки, маълумотлар қофозга чиқарилганда чап ва ўнг томондаги бўш ўрни ва матн орасида мутаносиблик бузилмайди.

Қофозларнинг қабул қилинган А4-формат (210ммх297мм) ўлчовларига мос келади. Бироқ, сиз бирор кенгроқ жадвални термоқчисиз ва у албатта шундай қофозга сифиши даркор. У ҳолда Правая ҳолатга ўтиб ўзингизга керак бўлган рақам киритиб ўзгартирасиз ва [Enter] ни босасиз.

Шунда ҳам 80дан ортиқ ўрнатиш мақсадга мувофиқмас.

Чунки, биринчидан экран горизонталига 80 позицияга мўлжалланган. 80дан ортиқ бўлганда терилган матн чап томони сурилиб, экрандан чиқариб туриши мумкин, бу эса умумий тасаввурни бузуб, нокулайлик тугдиради.

Иккинчидан, қофозга босиб чиқараётганда стандарт катталигидаги ҳарфлар билан босиб чиқариш имкони йўқолади.

#### 4.4.7 Матнларни таҳирлаш техникаси

**Символларни ўчириш.** Кўрилаётган матннаги ортиқча ёки нотўғри символни ўчириш учун курсорни шу символ устига олиб келиб, [Del] клавишини боссангиз етарли. Ундан ташқари [Enter] клавиши устидаги [ $\leftarrow$ ] ёки [Bask Spac] клавиши курсордан чапда жойлашган символни ўчиради.

Бундан ташқари, куйидаги клавишлар комбинацияси орқали символларни ўчириш(йўқотиш) мумкин:

[Shift] [Del] — курсордан сатр охиригача бўлган символни ўчиради;

[Shift][↔] — курсор олдиндан сатр бошигача бўлган символларни ўчиради.

Қаторни иккига ажратиш учун, курсорни керакли символ-жойга келтириб, [Enter]ни боссангиз бас.

Икки қаторни қўшиш учун, қатор сўнгига курсорни келтириб, [Del]ни босиш етарли.

#### 4.4.8 Матн қисмлари билан амаллар

Ҳар қандай матн, ҳужжат ёки жадвал тераётганингизда маълум қисмлар қайтарилади. Хўш, Лексиконда уларни қайтариш имкониятини мисолда кўрайлик. Жадвалнинг бир сатри қуидагидан иборат бўлсин:

| n<br>n | Ходимлар<br>И.Ш. | Илмий<br>даражा | Мансаби  | Маоши | Туғилган<br>йили | Ишлаш<br>муддати | Оиласвий<br>аҳволи |
|--------|------------------|-----------------|----------|-------|------------------|------------------|--------------------|
| 1      | Алимов К.        | -               | Директор | 30000 | 1955             | 22 йил           | Уйланган           |

Фараз қилинг. Ходимлар сони 50та, 100та ёки 300та бўлса, пастдаги бўш қаторларни кўпайтириб олиш керак.

Бунинг учун курсорни шу қаторга келтириб, [F3]-ни босамиз, қатор қизгиш сариқ тусга кириб, белгиланади. [Ctrl][F3] ни биргаликда босиб, чўнтақка(карманга) олинади. [Ctrl][F4] босилса қатор экранда кўчади, пайдо бўлади. Неча бор боссангиз шунча керак бўлган қатор ҳосил бўлади. Сўнг [F4] билан белгилашни олиб ташлаймиз. Энди бу қаторни матннинг истаган қисмида пайдо қилиш мумкин.

Вақти келиб, каттароқ ҳажмдаги матннинг қисмларини кўчирмоқчи бўлсангиз [F3] дан сўнг [ $\uparrow$ ] [ $\downarrow$ ] — клавишларини юқорига ёки пастига ҳаракатлантириб, белгиланадиган матн қисмини аниқлайсиз. Қолган амалларни: чўнтақка олиш, керакли жойга кўчириш, белгилашни олиб ташлаш юқорида баён қилинганидек бажарилади.

Кўрганимиз фрагментлардан кўчиришга мисол бўлса, шундай амалларни блоклар(қисмлар) билан ҳам бажариш мумкин. Масалан:

Юқорида келтирган жадвални бутунлай 300 ходим маълумотлари билан тўлдириб, раҳбариятга тақдим этдингиз. Раҳбарият кўриб чиқиб, З-устунни жадвал охирига олишни буйруқ берди. Бажариш муддати оз кўйилди. Қайта ёзишга вақт йўқ. Лексиконда бошлиқлар талабини бажариш учун курсорни З-устун бошига келтириб, [Shift][F3] — клавишлари биргаликда босилади. Битта позиция сариқ-қизил тусни олди. Энди [ $\rightarrow$ ] — клавиши билан устун охиригача, [ $\downarrow$ ] — клавиши билан жадвалнинг сўнгги қаторигача пастига туширамиз. Мўлжалланган устун белгиланди. Энди [Ctrl][F3] билан чўнтақка олинади.

Жадвалда эса қолган устунлар (4-устундан бошлаб) сурилиш пайдо бўлади. Энди курсорни жадвалнинг охирги устуни сўнгги

позициясига қўйиб, [Shift][F4]ни боссангиз, чўнтақка олинган қисм шу жойда пайдо бўлади.

Устунларни қайта номерлаб чиқиб раҳбарият сўраган формадаги жадвал тайёр бўлади.

Берилган командалар ёрдамида, бироз фантазия билан матнни таҳрирлашда кўпгина қулайликлар, афзаликкларга эга бўласиз. Мисол, бирор назмий асарни қофоз ўртасида босиб чиқариш учун асарни матн ўртасига суриш керак бўлса, матн олдидағи бўш жойларни (пробелларни) чўнтақка олинг. Сўнгра чўнтақдан экранга пробелларни қайтарсангиз, матн шунча жойга ўнгга сурилганини кўрасиз.

Ундан ташқари қуидаги клавишиларнинг биргаликдаги ҳарачатидан, аввал белгиланган матн ёки унинг қисмини:

[Alt][F5] — чап тарафга ёпиштиради;

[Alt][F6] — ўнг тарафга ёпиштиради;

[Alt][F8] — белгиланган қисм ёки қаторни матн ўртасига жойлади.

**Матн чегарасини ўрнатиш.** Терилаётган матн чап ёки ўнг чегараси, абзацни бошланиш позициясини қуидаги функционал клавишилар орқали ҳам ўрнатиш мумкин:

[F7] — чап чегара позициясини ўрнатади;

[Alt][F7] — ўнг чегара позициясини ўрнатади;

[Ctrl][F7] — биринчи қатор бошланиш позициясини ўрнатади.

**Абзацини ўрнатиш.** Терилаётган матн абзаци сизга маъқул бўлса, функционал клавишилар орқали [Ctrl][F8] тасдиқлаб қўйишни унумтманг. Агар абзац бошланғич позицияси Сизни қониктирмаган бўлса, курсорни керакли позицияга келтириб [Ctrl][Esc] босилади.

#### 4.4.9 Турли шрифтлардан фойдаланиш

Лексиконда турли шрифтлардан фойдаланиш имконияти бор. [Alt][F7] орқали қуидаги номерлар асосида шрифт танланади:

0 — оддий;

1 — курсив;

2 — ярим қалин;

3 — ярим қалин курсив;

4 — пастки индекс;

5 — юқори индекс;

7 — грек ҳарфлари ва математик символлар.

#### 4.4.10 Контекст билан ишлаш

Бирор бир матнни экранда кўраётганингизда сўз ёки ибора нотўғри ёзилганини сезиб қолдингиз, у текстда юзлаб жойда қайтарилган бўлса, янги номини яна шунча қайта ёзмаслик, қидириб юрмаслик учун Лексикон контекстида қидириб топиб, киритган янги абвеатура билан алмаштириш имконияти бор.

Бунинг учун [Док] таг ости менюсидан [Найти] — режимига ўтасиз. [Найти] режимида изланаётган ибора сўралади, киритасиз.

Сүнгра қайси сүз билан алмаштириш лозимлиги сүралади. Бу иборани ҳам киритасиз.

Мисол, матнда «транспорт» сүзи қидириляпты, у «автомашина» сүзи билан алмаштирилиши лозим. Айтилган кетма-кет бажарылғач, бутун текст бүйічка «транспорт» ибораси «автомашина» сүзи билан алмаштирилади, бироқ Сиз [Глобзам] режимінде құшимча тасдиқ берган бўлишингиз ҳам керак, акс ҳолда алмаштириш фақат жорий абзацда юз беради.

Бундан ташқари, аввалроқ [Режим поиски] — да қуйидаги ҳолатларни берган бўлишингиз керак. «Транспорт» сүзи фақат катта-кичик регистрда, аралаш, қайси шрифтда бўлганини қидириш, бўғинлаб қўйилганларини ҳам қидириш кераклигини тасдиқлаш лозим.

#### 4.4.11 Босиб чиқариш

Исталган матнли файлни босиб чиқариш имконияти Лексиконда мавжуд. Бунинг учун [Док]-режимиде [Печать] — ҳолатини танлаб бажариш мумкин. Машинка бўй-эни баробар туридаги ҳарфларни ўзингиз танлаган интервал асосида босади.

#### 4.4.12 Файлларни ўқиш ва ёзиш

Лексиконда файл чақириш учун [Текст] — тагости менюсидан [Загрузить] — режимига ўтасиз. Ўз навбатида экраннинг чап томонида файл номи сўралади. Агар зарур файл номи ёдингизда бўлмаса, \*.\* чиқади, [Enter]ни боссангиз файллар ва дисклар рўйхати экран ўртасига чиқади. Танлаб оласиз.

Матнли файл билан таҳрир этишни тутатганингизда эса, ёзига қўйиш учун [Текст]да [Сохранить] — режимига ўтилади. Бу режимда ном, диск, каталог, файл номи кўринишида терилади.

Лексиконда бир вақтнинг ўзида 10гача дарча билан иш олиб бориш мумкин. Бунинг учун:

[Alt][1] — биринчи дарчага ўтиш ёки очиш;

[Alt][2] — иккинчи дарчага ўтиш ёки очиш;

Бир вақтнинг ўзида бир неча файл билан ишлаш учун дарчалардан фойдаланилади. Энг оддий қилиб тушунтирасак, Ab.txt файлдаги бирор катта қисмни bb.txt файлига қўшиш зарур бўлиб қолди. Ab.txt файлини 1 дарчага чақириб, керакли қисмини чўнтакка оласиз, 2 дарчага bb.txt файлини чақириб, уланадиган жойига курсорни келтириб, чўнтакдаги қисмни чиқариб ([Ctrl][F4] ёрдамида) текстларни қўшиб қўйилади.

#### 4.4.13 Қайтариш

Ёрдам

Ёрдам — [F1]

Меню

Менюга кириш — [F10]

Меню бўйлаб ҳаракат — [ $\leftarrow$ ], [ $\rightarrow$ ], [Home], [End]

Менюнинг керакли пунктини танлаш — [Enter]

Менюдан чиқиш — [Esc]

## Текст бўйича ҳаракатланиш

[ $\leftarrow$ ] — чапга; [ $\rightarrow$ ] — ўнгга;

[ $\uparrow$ ] — юқорига; [ $\downarrow$ ] — пастга;

[Home] — қатор бошидаги 1-символга;

[End] — қатор охиридаги сўнгги символга;

[PgUp] — бир бет юқорига; [PgDn] — бир бет пастга;

[Shift][ $\uparrow$ ] — матн бошига; [Shift][ $\downarrow$ ] — матн охирига;

[Ctrl][ $\leftarrow$ ] — бир сўз чапга; [Ctrl][ $\rightarrow$ ] — бир сўз ўнгга;

[Shift][ $\leftarrow$ ] — қатор бошига; [Shift][ $\rightarrow$ ] — қатор охирига.

## Ўчириш (йўқотиш)

[Del] — жорий символни;

[Backspace] — курсордан аввалги символни;

[Shift][Del] — қатор охиригача учраган символларни;

[Shift][Backspace] — қатор бошигача учраган символларни;

[F3], [Ctrl][F3] — жорий қаторни;

[Ctrl][F3] — матннинг белгиланган фрагментини.

## Иш режимлари

[Ins] — символлар киритаётганда қистириш/ўчириш;

[F9] — рус/лотин шрифтлари;

[Shift][F9] — экранни матнили/график режими;

[Shift][F10] — «Документ»/«Текст» режими;

«Абзац», «Переноc» — сўзни бўғинга ажратиб, кейинги қаторга ўтказиш режими;

«Абзац», «Выравнивание» — абзацни ўнг четини текислаш режими.

## Матннинг белгиланган қисми билан иш олиб бориш

Қатор Қисм

фрагменти фрагменти

Белгилашни бошлаш [F3] [Shift][F3]

Керакли фрагментни белгилаш [ $\uparrow$ ][ $\downarrow$ ] [ $\rightarrow$ ][ $\leftarrow$ ][ $\uparrow$ ][ $\downarrow$ ]

Белгилашни олиб ташлаш [F4] [F4]

Белгиланган фрагментни йўқотиш [Ctrl][F3] [Ctrl][F3]

Чўнтакдан фрагментни қистириш [Ctrl][F4] [Ctrl][F4]

Абзац шаклида форматлаш [Ctrl][F8]

Чапга суриш [Ctrl][F5]

Үнгга суриш [Ctrl][F6]

Чапга сиқиш [Alt][F5]

Үнгга сиқиши [Alt][F6]

Марказлаштириш [Alt][F8]

### **Форматлаш**

[F8] — жорий қатор ёки белгиланган фрагментни марказлаштириш;

[Ctrl][F5] — белгиланган фрагментни ёки жорий қаторни чапга сиқиши;

[Ctrl][F6] — белгиланган фрагментни ёки жорий қаторни үнгга сиқиши;

[Ctrl][F8] — жорий қатордан абзац охиригача матнни форматлаш.

### **Абзац чегараларини ўрнатиш**

1 усул: Курсорни биринчи қатор абзацига келтириб, [Shift][F7] босилади;

2 усул: «Абзац» таг ости менюсида абзацнинг чап ва ўнг параметрлари ўрнатилади.

### **Контекст излаш ва алмаштириш**

Найти — таг ости менюсида излаш учун қатор аниқланади;

Заменить — таг ости менюсида излаш ва алмаштириш учун;

[Ctrl][F1] — навбатдаги қаторни излаш учун танлаш;

[Ctrl][F2] — топилған қаторни алмаштириш;

[Shift][F2] — глобал(бутун текст бўйича) алмаштириш.

### **Дарча билан ишлаш**

[Alt][0]—[Alt][9] — 0—9 дарчаларга ўтиш.

[Alt][F9] — жорий дарчани бутун экранга ёйиш. Қайта босилса мавжуд ҳолатга келтиради.

«Текст», «Конфигурация», «Окно» — кетма-кетлиги билан жорий дарча размери, жойлашиши, рангини ўзгартиради.

### **Шрифтлар**

Шрифтлар билан амаллар.

Белгиланган фрагментларда жорий шрифтни ўзгартириш учун:

[Alt][F1] — шрифтни номери билан ўрнатади. Сўнг қуидаги номерлар киритилади:

- 0 — оддий;
- 1 — курсив;
- 2 — ярим қалин;
- 3 — ярим қалин курсив;
- 4 — пастки индекс;
- 5 — юқори индекс;
- 7 — грек ҳарфлари ва математик символлар;

[Alt][F2] — таг остига чизишни ўрнатиш/рад этиш;

[Alt][F3] — курсив шрифтни ўрнатиш/рад этиш;

[Alt][F4] — ярим қалин шрифтни ўрнатиш/рад этиш.

## V БОБ. WINDOWS


Хозирги кунда барча турдаги фирмалар, давлат ташкилотлари ва корхоналарида ишга киругчидан IBM PC нинг Pentium турнадиги компьютерида ишлашни билиш сүралади. Сүралганда ҳам Windows office билан танишлар рағбатлантирилади. Чунки ишга кирганда албатта шу программа таъминотига дуч келинади.

Бундан ташқари замонавий мутахассисга компьютер ва Windowsни билиши зарур ва мақсадга мувофиқдир.

Windows — бу DOS операцион системасига кийгазилган операцион қобиғ ҳисобланади. Баъзида Windows ҳам операцион система деб юритилади.

Windows — программа маҳсулоти ҳам Microsoft фирмаси томонидан яратилган. Шу сабабдан у DOSни барча имкониятларини инкор этмагани ҳолда, унинг вазифаларини ўзида сақлади.

Умуман, Windows бор компьютерларда MS DOS борлигини ҳам сезмайсиз. Чунки барча функция, вазифа, масалаларни ҳал қилишини Windows бажаради. (15-расм)




15-расм (а, б).

Windows IBM PC компьютерларининг стандартига айландикни, унинг базасида ишлайдиган кўпгина программа маҳсулотлари сизларга таниш: Word, Excel, Corel Draw ва бошқалар.

Windowsни қуидаги асосий элементлар: программалар диспетчери (Program Manager); файллар диспетчери (File Manager); босиб чиқариш диспетчери (Print Manager) ва бошқалар ташкил этади. (16-расм)

*Из оҳ: Китобдаги расмлар компьютер программаларидан олингани учун матнлар рус тили ёки инглиз тилида берилган.*



16-расм.

## 5.1 WINDOWSHНИНГ ТУЗИЛИШИ

Windowsни билиш, ўрганиш учун унинг тузилишини кўриб чиқиш зарур бўлади. Кўп йиллар давомида Microsoft фирмаси маълумотларни қайта ишлаш учун, янги технологик усулни такомиллаштириб борди. Бу ишнинг натижаси ўлароқ — MS DOS га график қобиғ яратилди, у Windows дир. Бошқа қобиғлар, масалан, Norton Commander график қобиғдан маҳрум эди.

Windowsни имкониятларини санаб ўтамиш:

1. Операцион системани ҳам ифода, ҳам график(тасвир) билан бошқариш;
2. Графика имкониятлари туфайли турли ўлчамлардаги символлар, ҳарфларни экранда ҳосил қилиб босмага чиқариш қобилияти;
3. Мультимедиа (овоз берувчи) қурилмалардан компьютерга улаб, турли мулоқот ва иш юритиши;

4. Файллар, программалар, MS DOS, бошқа транслятор ёки редакторларни бир нечта усул билан чақириш ва ишга тушириш;

5. Ўз таркибиға график редактор тикилганлиги ва уни истаган пайтда ишга тушириш мумкинлиги.

Windows — фақат DOS учун график қобиғ эмас, компьютер технологиясининг янги босқичи, маълумотлар билан ишлашга обьект-ориентация методи билан қарашдир.

## 5.2 WINDOWS – АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Windowsда *программа, илова, дарча, пиктограмма, меню, ўзаро айирбошлиш буфери* ва бошқа кўплаб терминларга дуч келасиз.

Буларнинг баъзилари таниш, баъзилари эса бутунлай янги бўлиши мумкин.

### 5.2.1 Илова

Windowsда программа —программа ёки илова деб юритилади.

Windowsда программа (илова), ҳамда программалар гуруҳи термини кўп ишлатилади. Windowsда программалар икки турга ажратилади:

- 1) Windows учун маҳсус яратилган программалар;
- 2) MS DOS га илова программалар.

### 5.2.2 Ҳужжат

Windowsда ҳар бир амалий программа конкрет қайта ишлаш обьекти билан боғлиқ кўрилади. Мисол учун, Paintbrush график редакторининг(амалий программа) обьекти — тасвир ва расмлардир, Word процессорининг (амалий программа) обьекти — матнли ҳужжатлардир, Excel программасининг обьекти — электрон жадваллардир.

Бу обьектлар ҳар бири файллар кўринишида сақланади. Файллар ёзилиш формати, у билан ишлайдиган программалар ёрдамида аниқланади, масалан тасвир, расмлар BMP ёки PCX кенгайтирилган номдаги график файлларда, матнлар DOCда, электрон жадваллар XLS файлларида сақланади. Шу сабабли бу обьектларнинг кўринишидан қатъий назар, ҳужжат деб юритиш қабул қилинган ва биз ҳам ушбу иборадан фойдаланамиз. Ҳужжатлар компьютер хотира қисмига чақирилиб юкланиши, ёки бирор бир дискетда — файл бўлиб сақланиш ҳам мумкин.

### 5.2.3 Дарча

Windows муҳитининг асосий тушунчаси — дарча билан боғлиқ (Windows инглизча дарчани англатади).

Дарча түғри түртбұрчак шаклида экранни ё бутун, ё бирор қисмини ташкил этиб, ҳар томондан үралған рамкалардан иборат бўлади.

Windowsда программа(илова), хужжатлар билан ишлаганда ҳар бирiga мос равишда дарча очилади. Шунинг учун амалий программани юклаш — илова дарчаси очиш демақдир. Илова дарчасини ёпиш эса, программани тугаллашни билдиради. Бир вақтнинг ўзида бир неча хужжат ўз дарчасида бажарилиши, фойдаланувчи ўз навбатида хоҳлаган дарчага ўтиши мумкин.

Бундай имконият Лексиконда ҳам борлиги юқорида зикр қилинган эди.

#### 5.2.4 Пиктограмма

Windowsда дисплей экраныда программа, дарча, функция, файл ва ҳ. о. ларни ифодалаш учун маҳсус рангли расмчай (нишон, белги ё миниатюра) ишлатилади, уни пиктограмма деб әташ қабул қилинган (17-расм).

Расмчалар баъзан түғри түртбұрчак шакли бўлгани учун уни кнопкага қиёс қилинади.

Программалар диспетчери (Program Manager) дарчасида пиктограммалар:

- программа гурухини;
- программани (ёки илова) тақдим этади ва улар турғун пиктограммалар деб юритилади.

Бундан ташқари, илова, хужжат билан ишлаб турған дарчани йиғишириб пиктограммага жойлаш (пиктограммани йиғиши дейилади) ва аксинча, маълум вақтдан сўнг ёйиш (очиш) ҳам мумкин.

Пиктограммани дарчага ёймоқ учун сичқонни икки бор чиқиллатасиз. Бундан ташқари пиктограммани экраннинг ихтиёрий қисмига суриш имконияти мавжуд.

Windowsда янгилик сифатида пиктографик тил(восита) программалари инструмент панелларида, диалог дарчаларидаги кенг кўлланилайди. Бу пиктограмма амалларни бажаришда команда кнопкаси, танлаш доираси, ўчириш-ёқиши усулини билдиради.

#### 5.2.5 Меню

Юқорида Norton Commander, Лексикон программалар маҳсулоти билан танишгандик. Менюнинг хизмат доирасини тушуниш қийин эмас.

Ундан ташқари кундалик турмушда ҳам турли-туман менюлар билан кўп дуч келгансиз. Меню бу объектлар рўйхати бўлиб, ундан бирини танлаб олиш лозим ҳисобланади.

Мисол учун кафе, ресторанга борсангиз кўлингизга меню тутишиади. Мазкур ҳолда, тайёр таомлар рўйхати билан тўлатилган рўйхатдан кўнглингиз тусаган таомни буюрдингиз. Бу меню билан ишлашни энг содда кўриниши.

# Обзор - Панель управления

Файл Правка Вид Переход Избранное Сервис Справка

Назад Вперед Вверх Вырезать Копировать Вставить Отменить Удалить Свойства Вид

Адрес Панель управления

Папки

- Рабочий стол
- Мой компьютер
  - Диск 3.5 (A:)
  - Badboy (C:)
  - Wdw (D:)
  - [Z:]
- Принтеры
- Панель управления
- Web Folders
- Назначенные задания
- Удаленный доступ к сети
- Мои документы
- Internet Explorer
- Корзина
- Портфель



Объектов: 24

Мой компьютер

# Обзор - Badboy (C:)

Файл Правка Вид Переход Избранное Сервис Справка

Назад Вперед Вверх



Адрес C:\

Папки

- Рабочий стол
- Мой компьютер
  - + Диск 3.5 (A:)
  - + Badboy (C:)
  - + Wdw (D:)
  - + Принтеры
  - + Панель управления
  - + Web Folders
  - + Назначенные задания
  - + Удаленный доступ к сети
- + Мои документы
- + Корзина
- + Портфель

## Badboy (C:)

Выберите элемент для просмотра его описания.

- 3dsmax3\_1
- Command
- Acroba3
- Config
- Adobeapp
- Config.dos
- Corel
- Earth2
- Games
- Netlog
- GraphWork
- Scandisk.log
- Kpcms
- Setupxlg
- Ms
- Sql.log
- MSOffice
- WINDOWSWinHlp32
- UzbSpell
- Windows
- Мои документы
- КОПИЯ
- Autoexec
- КОПИЯ 1
- Autoexec.dos
- КОПИЯ 2
- Command

115 МБ (Свободно на диске: 1,95 Г) Мой компьютер



Пане...

Micro...

para...

06з...



23:07

Компьютер программаларининг кўпида бажариладиган вазифалар ва имкониятлар рўйхати олдиндан менюга киритилган бўлади. (16-расмга қаранг).

Windowsda қўйидаги менюлар классификациясига дуч келасиз:


— экранда менюнинг тақдим этилиш шаклига қараб(горизонтал, пастлайдиган, қалқиб чиқадиган);

— программани бошқаришда ўрнига қараб ўзгарувчи меню (асосий, системали, бошқарувчи, бўйсинадиган, контекстта боғлиқ).

Менюларнинг ҳар бирини кўриб чиқайлик:

1) Горизонтал меню(**menu bar**, 18-расм). Унинг таркибида меню чизиги ва асосий меню мавжуд.

2) Пастлайдиган меню (**pull down**, 19-расм).




19-расм

3) Қалқиб чиқадиган меню (**pop-up**). Бундай менюлар график режимда курсор ё сичқон позициясида пайдо бўлади.

Кўпчилик программалар учун горизонтал меню асосийdir.

*Системали меню.* Windows да ҳар бир дарча системали менюга эгадир, унинг кнопкаси(тумаси) чап томонда сарлавҳалар бериладиган қисмда жойлашган бўлади.

Системали меню барча илова(программа) дарчалари учун стандарт кўринишга эга бўлиб, қўйидаги пунктлардан иборат (20-расм):



20-расм

**Move**(суриш), **Size**(размер) пунктлари дарча размери ва позицияни клавиатура орқали бошқарди;

**Minimize**(йифиш) — ▼ белгиси;  
**Restore**(тиглаш) — ◆ белгиси;  
**Maximize**(ёйиш) — ▲ белгиси.

Бу пунктларга сарлавҳада мос келувчи белгилар бор. Яъни, бу пунктларни менюдан танлаш ёки сарлавҳанинг ўзидан белги билан зарур функцияни бажариш бир хилдир.

Системали менюнинг бошқа яна икки командаси мавжуд бўлиб:

**Close**(ёпиш) дарчани ёпиб, программа бажарилишини якунлайди;

**Switch to** (бошқага ўтиш) бошқа иловага дарча очиб ўтишни таъминлайди.

Расмда ҳар бир пункт бажарилиши учун қўшимча функционал клавишлардан фойдаланиш мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Системали менюнинг хужжат дарчаси ҳам илова дарчаси каби бўлади, фақат **Switch to** пункти ўрнига **Next Windows**(кейинги дарча) пункти бошқа хужжат дарчасини фаоллаштиришга хизмат қиласди.

Системали менюнинг диалог дарчаси ҳам мавжуд ва у икки пунктдан **Move** ҳамда **Close** дан иборат.

### 5.2.6 Дарчага қўшимчалар

Windows қобигида уч турдаги дарча мавжуд:

- \*программа(илова) дарчаси;
- \*хужжат(ёки программа обьекти) дарчаси;
- \*диалог дарчаси(қайта ишлаш инструменти).

Ҳар бир дарчанинг биринчи сатрини(қаторини) сарлавҳа эгаллайди.

Дарчаларни экранда тасвиirlаш вариантлари турли шаклда бўлади:

- 1) *Тўлиқ экранли* — дарча бутун экран катталигига ёйилган бўлади (бу ҳолатни иш столи ҳам деб аталади);
- 2) *Нормал* — дарча экранни маълум қисмини эгаллайди;
- 3) *Пиктограмма* — дарчани пиктограммага йиғилган ҳолати.

Дарчаларнинг бу ҳолатлари илова ва хужжат дарчасига тегишли ҳисобланади.

Дарчанинг сарлавҳа зonasida қуйидаги кнопкалардан фойдаланиб:

- ▼ кнопка — дарчани пиктограммага йиғиш;
- ▲ кнопка — дарчани экран катталиги бўйича ёйиш;
- ⇨ кнопка — дарчани нормал ҳолатини тиклаш.

Аслида, бу кнопкалар системали менюда ҳам мавжуд бўлиб, бир-бирини функцияларини қайтаради холос.

Дарчани нормал ва пиктограмма ҳолатида горизонтал, вертикал бўйича силжитиш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, диалог дарчаси фақат нормал варианта бўлади.

**Фаол дарча.** Экранга исталган вақтда бир неча дарчани чақириш мумкин бўлсада, фақат биттаси актив(фаол) бўлади. Фаол дарча бошқа дарчалар устида жойлашган бўлиб, сарлавҳа қисми кўк ранг билан белгиланганини кўрасиз, фаолмас дарчанинг бир қисмигина кўриниб туради, бироқ уни ҳам сичқон ёрдамида активлаштириб юбориш осон.

Пиктограмма ҳам фаол бўла олади. Бу ҳолда кўк ранг унга тегишли бўлади.

## 5.2.7 Айирбошлаш буфери

Windows қобиғи ўз фаолияти давомида маҳсус хотира майдони ажратади. У айирбошлаш буфери (Clipboard) деб аталиб, илова ва хужжатлар ўртасида маълумот узатишга хизмат қиласи. Маълумот ўрнини текст фрагменти, расм, жадвал ва ҳ.о.лар босади.

Айирбошлаш буферидан фойдаланиш принципи қуйидагича: зарур илованинг қайта ишланаётган ҳужжатини (расм, текст, тасвир, жадвал) бирор фрагментини белгилаб, уни айирбошлаш буферига ёзиб қўйилади. Сўнг бу ёзиб қўйилган фрагментни буфердан олиб шу ҳужжатнинг исталган ерига, ёки мазкур илованинг бошқа ҳужжатига, ёки умуман бошқа илованинг ихтиёрий ҳужжатига киритиш мумкин.

Мисол учун, Paintbrush график редактори ёрдамида чизилган расм(ёки унинг қисмини) Word текст редактори ёрдамида терилаётган матнга кўшиш имкони бор.

Буферга киритилган маълумот, бошқа маълумот киритилгунча сақланади. Бошқа маълумот киритилгач эса, олдинги маълумот автоматик равишда ўчиб кетади.

Windows да айирбошлаш буферидан фойдаланиш имконияти Edit таг ости менюсига жойлашган бўлиб:

- . cut(кесиш) — белгиланган фрагментни айирбошлаш буферига кўчириш (жорий ҳужжатдан ўчириш шарти билан);
- . copy(нусха кўчириш) — белгиланган фрагментдан айирбошлаш буферига нусха кўчириш;
- . paste(қистириш) — айирбошлаш буферидаги маълумотни жорий илова ҳужжатини керакли жойига қистиради.

Ҳар бир илова дарчасида мавжуд инструментлар панелида мазкур командалар кнопкалар орқали берилган бўлади. Натижада сичқон ёрдамида кнопкаларни босиб, фрагментни кесиш, нусха кўчириш ёки қистириш амалларини бемалол бажарасиз.

*Айирбошлаш буферининг дарчаси.* Windows да айирбошлаш буферидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида маҳсус — **Clipboard Viewer** (айирбошлаш буферининг дарчаси) программаси мавжуд. Унга тегишли пиктограмма Main(асосий) гуруҳида жойлашган бўлиб, бу программанинг қуйидаги имкониятлари истеъмолчига жуда кўл келади:

- 1) Айирбошлаш буферига киритилган маълумотни айтилган дарчага чақириб, экранда кўриб бориш мумкин.
- 2) Clipboard Viewer ёрдамида айирбошлаш буферига киритилган маълумотни маҳсус форматли файлларга (.CLP кенгайтирилган номдаги) ёзиб қўйиш мумкин ёки тескариси, мазкур файллардан ўқиб айирбошлаш буферига ўтказиш имконияти бор.

Бу имкониятдан амалда қуйидагича фойдаланиш мумкин.

Аввало .CLP туридаги файллар универсал ҳисобланиб, бундай файлларни исталган Windows редакторлари ёрдамида чақириш, керакли текстларга қистириш мумкин. Мисол учун график

редакторда чизган расмнинг формати текст редактори форматига тўғри келмайди ва тўғридан-тўғри матнли маълумотга қўша олмайсиз.

Шу сабабдан расмдан . CLP туридаги файл ҳосил қилиб, сўнг матнли редактордан чақирилади. Натижада расмни қайта форматлашга ҳожат қолмайди.

### 5.3 ПРОГРАММАЛАР ДИСПЕТЧЕРИ

Windows юклангандан сўнг, PROGRAM MANAGER — программалар диспетчери ишга тушади. Унинг системадаги номи — PROGRAM. EXE. (16-расмга қаранг).

Экранда дарча очилади, агар программалар диспетчер пиктограмма кўринишида бўлса, у ҳолда пиктограмма очилади (ёйилади).

Программалар диспетчери дарчаси очилмач, унда пиктограммалар ва программалар грух дарчаси (мисол, Main-асосий, Accessories-аксессуарлар ва бошқалар) намоён бўлади.

Программалар грухи дарчаси ҳам пиктограммада бўлса, уни ёйиш(очиш) учун сичқонни икки марта чиқиллатиш зарур.

Дарча очилиб, амалий программалар, мисол учун: график редактор — Paintbrush, матнли редактор — Word, жадвал билан ишлашга қулай редактор — Excel, офис учун зарур — Access, Power point, Mail ва бошқа программаларнинг пиктограммалари (иконка ёки бут) тасвири пайдо бўлади.

Бундай программаларни ишга тушириш учун иконкага сичқон билан икки марта чиқиллатасиз.

Программалар диспетчери кўриниши 21-расмда берилган.

Расмда 1) —программалар диспетчери; 2) — грухлар дарчаси; 3) — илова пиктограммаси; 4) — пиктограммага йиғилган программалар грухи; 5) — асосий меню.



Программалар диспетчери ишини якунлаш учун Alt F4 клавишлари бирга босилади. Мазкур диспетчер ўз ишини якунлагани, Windows ҳам ишини бир вақтда якунлаганини билдиради. Яъни, программалар диспетчери Windows нинг бошқарувчи программасидир. Унинг асосий функциялари қуидагилардир:

- амалий программаларни ишга тушириш;
- программа элемент ва гурухларини қўшиш, йўқотиш ва кўчириш;
- экранда программа элемент ва гурухларининг дарча позицияларини бошқариш;
- гуруҳ ва иловаларни ўзаро бир-бирига киритиш ва ажратишга хизмат қиласди;
- Windows ни ишга тушириш ва якунлаш.

## 5.4 WINDOWS ТАРКИБИ

Windows таркибига **Main**, **Accessories** ва **Games** шартли гурухларига бўлинган амалий программалар киради.

**Main** гуруҳини қуидагилар ташкил этади:

.**File Manager** — файллар диспетчери компьютернинг файл системасини бошқаришга мўлжалланган.

.**Control Panel** (бошқарув панели) — Windows қобиғини созлашва ишини оптимал, қулай мувофиқлаштиради. Бу программа орқали ўз иш столингиз параметрларини созлаб, шрифтлар танлайсиз, ўрнатасиз ёки ўчирасиз, қўшимча қурилмалар (мисол учун, мультимедиа — овоз қурилмаларини) драйверларини ўрнатиш, созлаш ёки системадан чиқариш ва ҳ.о.лар мумкин.

.**Clipboard Viewer** (айирбошлиш буфери дарчаси) — юқорида бу тўғрисида ёзилганди. Қисқача қайтарамиз: маълумотларни буферга киритиб, керак пайтда матнга қистириш, ҳамда файлга ёзиб фойдаланиш имконини беради.

.**Print Manager** (босиб чиқаришни бошқариш) — қофозга маълумотлар (расм, тасвир, матн ва бошқа хужжатларни) босиб чиқаришни ташкил этади ва амалга оширади.

.**PIF Editor** — оддий график редактор.

**Accessories** гуруҳини қуидаги программалар ташкил этади:

. **Write** — матнли(текст) редактори. Бундан ташқари Windows таркибидаги салмоқлироқ Word редактори асосий ўринни тутади;

.**Paintbrush** — график редактор;

.**Clock** (саат) — жорий вақт ва санани кўрсатади;

.**Character Map** (Символлар картаси) — хужжатларга истаган символларни мавжуд шрифтларда тақдим этиш;

.**Calculator** — калькулятор хизматини бажаради. Мисол учун компьютердаги иш жараёнинда ёки бирор бухгалтерия маълумотларини ҳисоблаш учун бу режимга ўтиб, компьютердан калькулятор ўрнида фойдаланасиз.

Ундан ташқари **Calendar**(календарь), **NotePad** (блокнот) ва **Cardfile** (карточка) каби ишбилиармоналикка хос илова (программа) лар ҳам мавжуд.

**Games** гурухыда эса сичқон билан машқ қилишни ўрганиш, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун **Solitaire**(пасъянс, карталарни ажратиб таҳлаш) ва **Minesweeper** (мина изловчи) ўйинлари бор.

## 5.5 ЯНГИ ПРОГРАММАНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ МАЪҚУЛ?

Windows пайдо бўлиши билан алоҳида-алоҳида программа тузувчиликлар даври тугади. Нафақат улар, кичик, майда фирмалар фаолияти ҳам программа тузишга эмас, кўпроқ хизмат кўрсатиш, ўқув-оқартув, олди-сотди олиб боришга, жуда бўлмаса маслаҳат беришга ўтгани сир эмас.

Шу билан бирга Windows туридаги қобиг программаларни тўлиқ ўрганиш муаммоси вужудга келди. Профессионал ва малакали мутахассислар программа маҳсулотларини яратган фирмаларда, тайёрлаган ҳужжат ва материаллар асосида ўрганадилар. Лекин уларда аҳамиятсиз функциялар ҳам тўлиқ берилиб, уларни алоҳида ажратиш керак. Мисол учун Word процессорининг барча шарт, усуллари, нозик қирралари ва жуда кам ишлатиладиган томонлари акс этган ҳужжати 1000 вараққа яқинdir. Бунақа ҳужжатни ҳаттонки маълум қисмини тайёрлаган фирма вакили ҳам охиригача билмаслиги мумкин. Шунинг учун унинг ўрнига истеъмолчи ўқув ёки оммабоп китоблардан янги программа маҳсулотини ўрганишни афзал кўради. Чунки бундай китобларни муаллиф ўз тажрибасидан келиб чиқиб ва ўқув методик талабни инобатта олиб ёзди.

Ундан ташқари қисқа компьютер курсларида, мисол учун «Word бир ҳафтада» ёки «Excel бир ҳафтада» ўқиши мақсадга мувоғик ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, ўртача истеъмолчиларнинг 80% и текст редакторларининг 20% имкониятидан фойдаланаар экан.

Шу сабабдан кўпроқ янги программа маҳсулотларининг барча икир-чикирларидан бошлаб ўрганаман деган ўқувчи хато қиласди.

Янги программа — маҳсулотини умумий иш тартибини, ишлаш принципини, имкониятларини биринчи навбатда ўрганиш керак.

Шу сабабдан Windowsнинг умумий принципларини тушуниб етиш, кейинги пайтда чиқаётган кўплаб программаларни ҳам билишга асос бўлади.

Windowsнинг график интерфейси Windows идеологиясининг асоси ҳисобланади.

Кўп мутахассислар бу интерфейсни интуиция, фаҳм-фасорат билан ҳам тезда тагига етиш осон деб ҳисоблайди.

Ўзингизни синаб кўришга имкон бор, бироқ азиз ўқувчи Windows бўйича ҳавола қилинаётган материални ўзлаштириб олгач, бу ишни бошланг.

Windows системаси(қобиғи) чиндан ҳам ўрганишга анча мушкул. Бунинг сабаблари күп. Мисол учун бир хил операцияларни бажариш учун баъзан икки, баъзан ҳаттоқи турли таг ости менюларнинг уч жойидан ҳам бажариш мумкин.

Ёки баъзи операциялар миллионлаб истеъмолчилар талаб-сўроқлари, таклифлари асосида яратилган, яратувчилар турли технологик келишувлар системасини Windowsда қўллашга мажбур бўлганлар.

Windows даги бор бўлган ҳар бир операция, амални, усулни сизларга етказиш қийин. Кўп операцияларни Windows моҳиятини ўрганиб олгач, ўзингиз текшириб, бажариб кўрасиз.

## 5.6 WINDOWS ҚОБИФИНИ БОШҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ

Windows даги программаларни ишга тушириш, бажариш учун клавиатура ва сичқондан фойдаланилади.

*Клавиатура.* Windowsда клавиатуранинг хизмати асосан матнли ҳужжатларни киритишга қаратилган. Бироқ амалий программаларни бошқаришни клавиатура орқали ҳам амалга оширса бўлади. Мисол учун Alt ва F4 ёрдамида программани якунлаш ёки белгиланган фрагментни айирбошлаш буферига Ctrl C орқали ўтказишни амалга ошириш мумкин.

Клавиатура билан ишлашни бошқа имкониятларини F1 ёрдамида билиш мумкин.

*Сичқон манипулятори.* Сичқон кўриниши ва унинг компьютер таркибидаги ўрни тўғрисида аввалги бобларда маълумот берилган эди. Сичқон ҳаракатга келганда, яъни иш столидаги кичик гиламчада сичқон корпусида жойлашган шар қимирлайди ва маҳсус сичқон драйверини жилдиради. Экранда пиксел текст режимида курсор, график режимида эса ёй кўрсаткичи тасвирланади.

Windowsда сичқонлардан график режимда кўпроқ фойдаланилади. Чунки Лексикон, Norton Commander программаларида сичқондан кўра кўпроқ клавиатура орқали бошқариш қулайроқдир.

Бироқ замонавий компьютер технологияси асосида яратилган программа маҳсулотлари учун (бу маҳсулотлар мониторнинг график режимига мослашган, Windows қобиғи ҳам шу жумладан) сичқон энг асосий бошқарувчи восита ҳисобланади, чунки клавиатурада баъзи функцияларни умуман бажариб бўлмайди.

Шунинг учун Windows дан фойдаланадиган истеъмолчи учун сичқон билан ишлашнинг қўйидаги тўрт амалини ўрганиш ҳаводек зарур:

1) Сичқонни босганда экранда ҳаракат қилувчи нишон — сичқон кўрсаткичи (инглизча — **mouse pointer** деб юритилади). ✓ — шаклида, бироқ баъзи ҳолатларда бошқа белги кўринишида: икки стрелка, бут, рамка ва ҳ.о. кўринади. Ундан ташқари баъзи операциялар узоқ бажариладиган ҳолатларда қум соати тасвирида пайдо бўлади.

Windows да курсор фақат алфавит-рақам маълумотлари кири-тилаётгандан пайдо бўлади.

2) Сичқон кўрсаткичи бирор бир объект устига ўрнатиб, сичқоннинг кнопкасини бир марта босиб қўйиб юборасиз — буни сичқонни чиқиллатиш деб аталади (инглизча — **click**);


3) Сичқон кўрсаткичи бирор бир объект устига ўрнатиб, сичқоннинг кнопкасини икки марта босиб қўйиб юборасиз — буни сичқонни икки марта чиқиллатиш деб аталади (**double click**);

4) Сичқон кўрсаткичи бирор бир объект (пиктограмма, дарча, фрагмент) устига ўрнатилиб, сичқоннинг кнопкасини босиб, қўйиб юбормай, объектни керак позицияга кўчириб, сўнгра сичқоннинг кнопкасини қўйиб юборишга — сичқон билан кўчириш (**drag and drap**) дейилади.

## 5.7 WINDOWS АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ФАОЛИЯТИ

Windowsnинг асосий элементларини юқорида кўриб чиқдик.

Уларнинг ўзаро фаолиятини мантиқан қуйидаги схемадан кўриш мумкин.



22-расм.

Аҳамият берилса иш столида илова дарчаси, унинг ичida ўз навбатида хужжат дарчаси ва менюлар жойлашган.

Бир вақтнинг ўзида иш столига (экранга) программалар диспетчерининг дарчаси ва фойдаланувчига хоҳлаган иловалар дарчаси жойлашади. Тўғри, илова дарчаларининг сони 4 тадан ошиб кетиши маъқул ҳисобланмайди.

Windows — бу дарчалар ва улар билан ишлаш демакдир.

## 5.7.1 Илова дарчаси

Илова дарчаси экранда уч варианта: кенг экран бўйича, нормал, пиктограмма кўринишида берилиши мумкинлигини аввалроқ айтгандик.

Илова дарчасини мантиқий схемаси қўйида берилган.

| Илова дарчаси   |                                |   |             |
|-----------------|--------------------------------|---|-------------|
| Сарлавҳа зонаси | Горизонтал меню                | Инструмент менюси   | Ҳолат сатри |
| Системали меню  | Операциялар<br>Пастлашган меню | Инструментлар<br>Операциялар<br>Ёққичлар.<br>Танлаш доираси |             |

Ҳар бир қисмини шарҳини ўрганиш жоиз.

Сарлавҳа зонаси (қисми) илова дарчасининг юқори томонини эгаллаган бўлиб, қўйидаги элементлар таркибига киргандир:

- сарлавҳанинг ўнг қисмida бошқариш;
- вариантинг икки кнопкasi;
- сарлавҳа ўртасида илова номи;
- сарлавҳанинг чап томонида система менюси кнопкasi.

Горизонтал меню илова дарчасининг иккинчи қаторини эгаллади. Бу менюнинг ҳар бир пункти — иловада бажариладиган операцияларни сақлади. Бу операцияларга:

File — файллар билан ишлаш операциялари;

Edit — таҳрирлаш, тузатиш;

View — тасвир, кўринишни экранга чиқаришни ташкил этади;

Help — ёрдам;

Tools — сервис, инструментларни ишга тушириш;

Window — дарчаларга ўтиш кабилардан иборат.

Горизонтал менюда пунктлар ҳарфлари бирининг тагига чизилган бўлади. Сичқон кўрсаткичини шу ҳарф устига олиб келиб, сичқонни чиқиллатсангиз бас, пункт танланган ҳисобланади. Пункт танлангандан сўнг пастлайдиган меню пайдо бўлади.

Горизонтал менюни кўп адабиётларда асосий меню ёки меню деб аташ қабул қилинган.

**Пастлайдиган меню.** Бу меню тўғрисида дастлабки маълумотлар билан бошқа программа маҳсулотларида (мисол учун Norton Commander, Лексикон) танишган эдик.


Бу бобда 23-расмда Windows учун мисол тариқасида горизонтал менюнинг File ва View пункти учун пастлайдиган меню берилган.

Мисол учун File пункти учун пастлайдиган менюнинг:

Open (файл очиш);

Close (файл ёпиш);

Save (сақлаш);



23-расм

**Print** (босмага чиқариш)  
каби командалари мавжуддир.

Пастлайдиган менюда пунктларни командалар деб аташ қабул қилинганди.

Шу ўринда Windowsда қабул қилинганди ва менюлар билан ишлаганда учрайдиган стандарт белгилашлар қуидагилар:

1) Ном кулранг бўлса, бу команда иш вақтида бажариб бўлмаслигига ишора ҳисобланади.

2) Тагига чизилган ҳарф — мазкур команданинг «қайноқ» клавиши. Шу сабаб команда бажариши учун, мисол Paste командасида Р клавишини боссангиз бас.

3) Команда ёнида берилган кўп нуқта, экранда диалог дарча пайдо бўлишини ва унга қўшимча маълумот киритиш кераклигини билдиради.

4) Командалар номидан ўнг тарафдаги функционал клавишилар, улар ёрдамида ҳам командаларни бажариш мумкинлигини билдиради.


Ёдингизда бўлса, бундай имкониятлар NC, Лексиконда ҳам мавжуд. Шунинг учун аввалига Windowsда бор командаларни сичқон орқали бажаришни ўрганиб олган маъқул.

Функционал клавишилар ёрдамида операциялар бажаришга шошилманг.

5) Номи олдидаги галочка ( — белгиси), командани ёққич (переключател) ҳисобланади. Шу белги билан командани ё доимо автоматик бажариш, ё бажармаслигини тайинлаб қўйилади.

6) Команда бошида доира (о-белгиси) турган бўлса, танлаш доираси гурухига тааллуклигини ва доира қайси вариантни танлаганингизни билдиради.

Пастлайдиган менюда командалар чизиқча билан ажратилган бўлса, ҳар бир қисмда ўхшаш командалар йифилганини билдиради. Мазкур менюда бошқариш: сичқон, стрелкалар ёрдамида курсорни жилдириб, [Enter]ни босиб ҳамда «қайноқ» клавишини босиб бажарилади.



## 5.7.2 Инструментлар панели

Илова дарчасининг қўшимча элементи — инструментлар панели ҳисобланади. Бу панел ҳар бири алоҳида функция ёки «инструмент» вазифасини бажарувчи пиктограммалар йиғиндисидан ташкил топиб, ҳужжат дарчаси билан ишлаганда қўл келади.

Шу сабабдан инструментлар панели пиктографик меню ҳам деб аталади.

Илова дарчасида бир вақтнинг ўзида турли мақсадларга мўлжалланган бир неча инструментлар панели жойлашган бўлиши мумкин.

Баъзи иловалар (мисол учун Paintbrush график редакторида) инструментлар панели илова дарчасининг мажбурий элементи ҳисобланиб, усиз программанинг баъзи функциялари бажарилмай қолади.

Бошқа иловалар (мисол учун Word) инструментлар панели фақат фойдаланувчи ишини енгиллаштиришга қаратилган бўлсада, бундай панеллар пиктограммалари горизонтал меню функцияларини қайтаради.

Аввал айтганимиздек Windowsда бир операцияни икки ерда бажариш мумкин, яъни қайтаришлар кўп.

24-расмда инструментлар панели (стандарт, форматлаш, расм чизиш панеллари) Word процессори учун бажарилишини кўриб турибсиз.

Инструментлар панелидаги пиктограммалар ҳақиқий инструмент (мисол учун қайчи ролини бажариб, бирор текстни «кесиб» олишни таъминлайди), иловадаги баъзи функцияларни қайтарилишини билдириши ва ниҳоят танлаш доираси ёки ёққич ролида ҳам келиши мумкин.

## 5.7.3 Ҳужжат дарчаси

Ҳужжат дарчаси илова дарчаси каби уч вариантда: кенг экран бўйича, нормал ва пиктограмма кўринишида бўлади.

Ҳужжат дарчаси қуйидаги шаклда мантиқан тасвирланган (кейинги бетга қаранг).

Ҳужжат дарчасининг сарлавҳа зонасида системали меню, ҳужжат номи, йиғиш, ёйиш-тиклиш кнопкалари жойлашади, ҳужжат дарчаси таҳлил этилса, вертикал бураш тасмалари ёрдамида ҳужжатни ё пастга ёки юқорига, горизонтал бураш тасмалари ёрдамида эса чапга ёки ўнгга бураш имкониятлари мавжудлиги кўринади.

Тасмалардаги стрелкалар айтилган йўналиш бўйича ҳужжатни ҳаракатга келтиради.

Горизонтал ва вертикал чизғичлар (линейкалар) дюйм ва сантиметр ўлчамида бўлинган бўлиб, конкрет ҳужжатни ўлчаш учун зарур.

Нашриёт тизимларида бундай чизғичлар китоблар, журнал, газеталар чоп этишда жуда қўл келади.

## Хужжат дарчаси

|                 |                          |
|-----------------|--------------------------|
| сарлавча зонаси | вертикал бураш тасмаси   |
| —               | горизонтал бураш тасмаси |
|                 | вертикал чизиқча         |
|                 | горизонтал чизиқча       |
| системали меню  |                          |

Күпгина иловаларда бундай чизгичларни ўчириб қўйиш мумкин.

### 5.7.4 Диалог дарчаси

Windowsда ишлаганимизда иловалар фаолиятида кўпинча бъзи бир амалларни бажаришда, тасдиқ учун диалог дарчаси ишга туширилади. Диалог дарчасининг мантиқий шакл схемаси қуидаги расмда берилган.

#### Диалог дарчаси

|                 |                                |
|-----------------|--------------------------------|
| Сарлавча зонаси | Командали кнопкалар            |
| —               | Ёққичлар                       |
|                 | Танлаш доираси                 |
|                 | Текст майдони                  |
|                 | Рўйхат                         |
| Системали меню  | Намойиш (демонстрация) дарчаси |
| Дарча номи      | Қўшимча иловалар               |
|                 | Фонли текст                    |

Сарлавча зонасида системали меню ва дарчанинг номи берилади.

Бу ном қайси команда диалог дарчасини очган бўлса, у билан бир хил номда бўлади.


Диалог дарча ўлчовлари ўзгармасдир.

Диалог дарчалари фойдаланувчи билан диалог ўрнатиш учун турли воситалар: кнопкa, майдон, рўйхат, таг ости меню, дарчалар билан ишлайди ва улар стандарт мақомига келтирилгандир.

Дарча вазифасига қараб оддий ёки мураккаб (комбинациялашган) воситалардан фойдаланилади. Чунки «ҳа», «йўқ», ОК ёки Cancel туридаги кичик рўйхатдан танлашдан кўра мураккаб тузилишли дарчанинг кўп элементлари орасидан сичқон билан танлаш осон.

Windows диалогида бажариладиган функциялар классификацияси қуидаги:

- 1) Командали кнопкалар;
- 2) Ёққичлар (байроқчалар);
- 3) Танлаш доираси (радиокнопкалар);
- 4) Текст майдони (киритиш майдони);
- 5) Рўйхатлар;
- 6) Намойиш таг ости дарчалари;
- 7) Кўшимча саҳифа;
- 8) Фонли текст.



25-расм

Диалог дарчасининг ҳар бир воситасини кўриб ўтамиш.

**Командали кнопка.** Ҳар бир диалоги дарчада тўғри тўртбурчакли «кнопкалар» бўлиб, уни боссангиз маълум бир операция бажарилиб, кнопкада операция номи пайдо бўлади. Агар бу ёзув кўп нуқта шаклида бўлса, яна мазкур кнопка босилади ва экранда диалог дарчаси тасвирланади. (25-расм)

Кўпинча диалог дарчаларда уч хил команда кнопкалари билан тасвирланади:

OK — жорий дарчада бажариш учун программага бериладиган буйруқ;

Cancel — операцияни рад этиш;

Help — жорий дарчадаги функцияни тушунтириш маълумотини чақириш.

Мисол учун диалог дарчасидан File Nome майдонидаги керакли файлни танлаб, OK босилса сиз программага шу номдаги файлни очгин деб буйруқ берган бўласиз, Cancel босилган ҳолда эса,

файл очиш командаси инкор этилиб, программа дастлабки ҳолатга қайтади.

Windowsнинг диалог дарчаларида айтилган командали кнопкагаридан бўлаклари ҳам учрайди: мисол учун, Default (сўзсиз ўрнатмоқ), Find File (файлни излаш), Insert (қистирмоқ) ва ҳ.о.

Катта информацион системаларда маълумотлар базалари билан ишлайдиган Next — кейинги ёки Prevois — аввалги жадвал сатрини кўриш, қайта ўзгартириш, ўчириш функцияларини бажаради.

**Ёққич.** Оддий ёки чизилган квадратда жойлашган тугмача ёнида бажарадиган функцияси билан кўрсатилади.


Ёққич ёрдамида бирор функцияни ёки ёқиб, ёки ўчириб қўясиз. Мисол учун, вертикал чизгичлардан фойдаланмайсиз дейлик.

Марҳамат, бир марта ўчириб қўйсангиз бас, кейинги сафар бу чизгич экранда кўринмайди ва ҳ.о.

**Танлаш доираси** доиралар билан белгиланади. Доиралар бирида нуқта, қолганлари бўш бўлади. (26-расмда танлаш доираларига мисол келтирилган).

Танлаш доирасида доиралар иккитадан кам бўлмайди, уларнинг ичидан танлаб олингани фақат нуқта эмас, галочка («кушча») ёрдамида ҳам ажратилади.

**Текст майдони** зарур бўлган матн ёки рақамли маълумотлар киритишга хизмат қиласи. Маълумот киритиш учун сичқонни текст майдонида киритиладиган позицияга келтирилиб, сичқонни чап



қисми босилади. Позицияда ёниб, ўчаётган текст курсори пайдо бўлади. Текст териш эса, маълум стандарт техникадан (аввал берилган) оддий қоидалар билан бажарилади.

Диалог дарчада текст майдони кўриниши 26-расмда берилган.

**Рўйхат.** Программа билан ишлаётганда, объектлар ичидан ўзингизга керагини ажратиб олиш учун Windows объектлар рўйхатини тақдим этади. Бу объект файл номи, шрифт тури ҳамда номи ва ҳ.о.лар бўлиши мумкин. Маълум рўйхат таг ости дарчасига сифаса, уларни силжитиб ёки рўйхатни айлантириб керакли объект топилади.

Рўйхат вертикал чизиқларни бураш усулида амалга оширилади. Бу усул ҳақида юқорида маълумот берганмиз.

Керакли объект устига сичқон кўрсаткичи келтирилиб босилса, объект танлаш юз беради.


Рўйхатлар: оддий ва очиладиган турларга бўлинади.

Агар оддий рўйхат дарчада маълум жойни эгалласа, очиладиган рўйхат бир сатрда намоён бўлади ва **← ёки →** стрелкаси билан керакли объект танланади.

**Намойиш таг дарчаси.** Бундай таг дарча диалог дарча бажарилишида берилаётган кўрсатмалар натижаларини намойиш этишга хизмат қиласди.

Мисол учун 27-расмда танланган шрифт катталиги, турига қараб текст ўзининг ташқи кўринишини қандай ўзгартираётганини биласиз. Ундан ташқари абзац, расм, жадвалларни қандай тасвирланишини олдиндан билиш мумкин бўлади.

**Қўшимча саҳифа.** Диалог дарчанинг жуда кўп функцияларини кўзга ташланиши учун, мазкур дарчалар тематик таг ости дарчаларга бўлинади. Ҳар бир шундай таг ости дарча, қўшимча саҳифа билан таъминланади. Мисол учун, 27-расмда Font диалог дарча-



27-расм

сида Font (Шрифт) таг ости дарчасини фаол кўрсак, Character Spacing (интервал) таг ости дарчасини эса бекитилган ҳолда кўрамиз. Мазкур бекитилган дарчани очиш учун тегишли қўшимча саҳифага сичқон кўрсаткичини силжитиб, босилади.

**Фонли текст.** Диалог дарча элементларининг бари тушунтириш ёзувлари (фонли текст) билан таъминлангандирлар. Команда кнопкаларига ёзилган матнлар ҳам фонли текстга киради.

Фонли текстдаги тагига чизилган ҳарф ёқиқ (қайноқ) клавишни билдириб, уни боссангиз фонли текстга тегишли дарча элементи активлашади (ишга тушади).

## 5.8. WINDOWSHИНГ АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРИ

Ҳозиргача мавжуд бор системалар, шу жумладан DOS технологиясига ҳам етишмайдиган, факат Windowsга хос қўйидаги технологик принципларни ўқувчига етказишни жоиз кўрдик.

### 1. Фойдаланувчиининг стандарт интерфейси.

Авваллари программа тузувчилар ҳар бири ҳосил қилаётган программа маҳсулоти учун зарур интерфейсни ўзлари яратганлар.

Системали меню (горизонтал, пастлайдиган, қалқиб чиқадиган, иерархияли), диалог усуллар (маълумотларни киритиш, вариант танлаш) ва ҳ.о. асосида тузиларди. Ҳар бир интерфейс ўзича яхши бўлиши мумкин эди, бироқ фойдаланилган методларнинг, усул, тасвирларининг хилма-хиллигини доимо фойдаланувчи ўрганиб бориши зарур эди.

2. «Point-and-Click» (Кўрсатиш ва чиқиллатиш). Бу принцип график технологияга хос операцияларни бажаришда сичқон кўрсаткичини келтириб, сўнгра чиқиллатилса бас.

Бу йўсинда қўйидагиларни бажариш мумкин (ёдга олинг):

- илова ёки ҳужжат дарчасини ёйиш, йифиш ва тиклаш;
- горизонтал меню йўналишини тиклаш;
- пастлайдиган меню командасини танлаш;
- инструментлар панелидан команда танлаш;
- рўйхатдан қаторни белгилаш;
- командали кнопкани босиш;
- ёққич ҳолатини ўзгартириш;
- танлаш доирасини ёкиш ва ҳ.о.лар.

3. “Select” (белгилаш) принципи. Илова дарчасида ҳужжат билан ишлаётганда кўпинча баъзи бир фрагмент билан операция бажаришни хоҳлаб қоласиз. Фрагмент — матн, расм, жадвал қисми бўлиши мумкин. Бажариладиган операциялар эса фрагментдан нусха олиш ва кўчириш, ўчириш, силжитиш, шрифтни ўзгартириш ва ҳ.о.лар бўлади. Бундай операциялар Windowsда икки қадамда бажарилади: аввал фрагментни белгилаш лозим (бу ҳолда биз программага қайси қисм билан иш олиб боришини билдирамиз); сўнгра зарур команда берилади.

Мабодо фрагментни билмасдан белгилаб қўйсангиз, инкор этиш осон. Сичқон кўрсаткичини фрагмент ташқарисига чиқариб чиқиллатсангиз етарли.

Баъзи фойдаланувчилар фрагментларни белгиламасдан, операциялар бажариш учун ҳатто сичқон кўрсаткичини босиш ҳолла-ри ҳам бўлади. Бу ҳолда мазкур операция ё рад этилади, ё бажа-риш мумкин бўлмайди ёки сукут асосида нотўғри бажарилади.

Шунинг учун Windowsда қатъий қоида («олтин қоида» ҳам деб аталади) мавжуд: белгилаш аввал, сўнгра амал (операция) бажа-рилади.

4. “Drag-and-Drop” (Силжитиш ва қолдириш) принципи. Бу метод ёрдамида маълумот фрагменти, пиктограмма, дарча экра-нини керакли жойига кўчириш мумкин. Мисол тариқасида Windowsда бирор фрагментни «Қайчилаб» кесиб олиб, сичқонни кўйиб юбормай экранни керакли позициясига кўчириб, сўнгра кўлни сичқондан олсангиз, сўралган операция бажарилади.

Умуман “Drag-and-Drop” принципидан Windowsда қуидаги операциялар бажарилишида фойдаланилган:

1) Дарчаларни нормал вариантда тақдим этиш ва пиктограм-маларни силжитиш;

2) Белгиланган расм фрагментларини силжитиш;

3) Word матнли редакторида белгиланган қисмини силжитиш ва нусха кўчириш;

4) Тайёр пиктограммалар тўдасидан фойдаланиш, инструмент шаклларини тузиш.

Хозирги замон системалари “Drag-and-Drop” принципидан фойдаланиб, объектлардан программалар йиғишади.

5) WYSIWYG (нима кўрсанг, шуни оласан) принципи. Яъни экрандаги бир маълумотдан ортиқ маълумотни қофозга чиқариб бўлмайди.

6) Объектларни териш ва боғлаш (Object Linking Embedding — OLE) Windowsнинг энг кучли имкониятидир. Бу бир турдаги иловалар қайта ишлайдиган хужжатга бошқа турдаги илова объекти-ни кўшиб, фойдаланувчи ишлайдиган программада янги объектни ҳосил қилиш имконияти.

Фараз қилинг, матнли хужжатга расмни бошқа бир иловадан олиб, кўшдингиз.

### 5.8.1. Windows ишини бошлаш ва тамомлаш.

#### Умумий схема

Windows қобигининг бош программаси Win.com. У бошқа амалий программалар каби ё MS DOS нинг сатр командаси ёки Norton Commander орқали Win бажарилади. Албатта, аввалдан Windowsнинг бор программа қисмлари компьютерга ёзилган бўлиши зарур. Шундан сўнг экранда Windows логотипи (безаги) пайдо бўлади ва программалар диспетчери (Program Manager) ишга тушганини билдиради.

Программалар диспетчери — пиктограмма нормал ёки бутун экран кенглигида кўринади. Бу ёғига программалар диспетчери Windowsнинг бошқа амалий программаларини бажаришни бошлайди.

### 5.8.2 Windows қобигида амалий программаларни бажариш

Программалар диспетчерининг асосий вазифаси Windows иловалари ва MS DOS программаларини ишга туширишdir.

1) Агар Windowsда илова нишон билан тақдим этилган бўлса, у ҳолда Сиз унга тегишли гуруҳ пиктограммасини қидириб топишингиз, сичқонни икки марта чиқиллатиб; уни нормал ёки бутун экран бўйлаб ёйишишингиз зарур.

Мабодо, гуруҳ экранда кўринмайтган бўлса, у ҳолда программалар диспетчерининг дарчасини фаоллаштириш керак. Бунинг учун: [Ctrl Esc] клавиатурасини босиб иловалар рўйхатини чақирамиз ёки икки марта сичқонни чиқиллатиш етарли бўлади.

[Alt] клавишини босиб, қўйиб юбормай [Tab] босиб турилади, токи экран ўртасида программалар диспетчерининг номи чиқмагунча.

Агар шунда ҳам диспетчер дарчасида гуруҳ топилмаган бўлса, Windowsнинг менюси остидаги пастрейдиган меню қидириб кўрилади. Бундай йўл билан тополмасангиз Windows- More Windows командасини клавиатурада теринг. Экранга компьютерингизда бор ҳамма иловалар рўйхати чиқади. Рўйхатдан керакли иловани танлаб олиш қийин бўлмайди.

2) Windowsда ҳам MS DOS ёки Norton Commander каби исталган амалий программани команда сатри билан бажариш мумкин. Бунинг учун программалар диспетчери (File — Run) терилади. Экранда диалог дарча Command Line (матнли майдон) билан пайдо бўлади.

Натижада керакли командани териб OK ни боссангиз ёки Browse (кўриб чиқиш) кнопкасини босиб, керакли командани файллар диалоги дарчасидан танлаб оласиз.

3) Бажариладиган программа номини Windows юкланаётганда бериш ҳам мумкин. Масалан:

Win c: Windows Winword

Натижада тўғридан-тўғри Winword процессори очилади.

### 5.8.3 Иловаларда ишлаш ва тамомлаш

Иловалар билан ишлашда стандарт Windows интерфейси ва унинг горизонтал меню ва инструментлар панелидан фойдаланилади.

Windowsда иловани тугатиш, унинг дарчасини ёпиш билан тугалланади.

Иловани тугаллашни қўйидаги усулига аҳамият беринг:

1) Илова дарчасининг системали менюсидаги мос белгига сичқонда икки бор чиқиллатасиз;

2) Илованинг системали менюсини очиш ва Close командаси ни босиш;

3) [Alt F4] бир вақтда босилади;

4) Горизонтал менюда [File Exit] командасини танлаш.

Windowsда ишни тамомлаш учун программалар диспетчери дарчасини албатта ёпиш керак бўлади.

Агар бирор бир илова бажарилётган бўлса, илова сақланиши керакми-йўқми деган сўроқ ҳам чиқади. Мос жавоб терилади.

Сўнгра программалар диспетчери ёпилаётганда ҳам шундай савол экранга чиқади.

*Иловалар ўртасида бир-бирига ўтиши.* Windowsда бир вақтнинг ўзида бир неча иловани экранга чақириш мумкинлигини биласиз, улар экранда устма-уст жойлашади. Фойдаланувчи дастлаб кўп дарчалар билан ишлашда адашишлар, чалкашликларга дуч келиши табиий.

Сабаби, Windows айтганимиздек «кубик»лардан, яъни қўп амалий программалардан тузилганки, хоҳлайсизми ё йўқми, бир вақтда бир неча дарча билан ишлашни ўрганиш зарур бўлади.

Шу туфайли илова дарчаларига ўтиш Windowsда зарур операция ҳисобланади.

Куйидаги икки ҳолатда:

а) Илова дарчаси экранда кўринганда;

б) Илова дарчаси экранда кўринмагандан операцияларни бажаришни билиш керак бўлади.

Биринчи ҳолатда:

а) Илова дарчасининг бирор бир чети экранда кўриняпти (кенг экран ёки нормал вариантда), сичқон билан бир марта чиқиллатиш етарли;

б) Илованинг пиктограммаси кўринаяпти, сичқонни икки бор чиқиллатиш лозим. Шунда ҳам натижага эришилмаса, системали меню пайдо бўлади. Ундан «тиклаш» ёки «ёйиш» командаси танланади.

Иккинчи ҳолатда Windows дарчаларини бошқариш техникасидан бехато фойдаланиб, керакли дарчани топиш мумкин бўлади.

Унда:

а) Изланаётган программа қаторига сичқон билан икки бор чиқиллатиш етарли;

б) Бу қаторни чиқиллатиш билан белгилаб, Switch To (.. га ўтиш) кнопкаси босилади.

Бироқ, Windows яратувчилар бу ҳол учун энг қулай [Ctrl Esc] клавиши босишни таклиф этишган. Бу клавишлар босилса, экранга (Task List (масалалар рўйхати)) жорий вақтда ишлаётган бор иловалар рўйхати чиқади.

Кўп адабиётларда [Ctrl Esc] орқали керакли программа излаш «Тез ёрдам» маъносида мақталади. Чунки [Ctrl Esc] дан

исталган вақтда исталган сатр ёки позицияда фойдаланиш мумкин.

#### 5.8.4 Windowsda файллар билан ишлаш

*Файл номи ва формати.* Компьютер қайта ишлайдиган ҳар қандай маълумотни ташқи хотира қурилмаларида файл кўринишида сақлайди ва система бир файлни бошқасидан номларига қараб ажратади.

Умуман ҳозирги замон компьютер технологияси асосий элементи файллар билан ишлашдир. Бу ҳақда MS DOS, Norton Commander программа маҳсулотларида оддий файлларни тузиш, нусха олиш, кўчириш, ўчириш, босиш салмоқли амаллар ҳисобланса Windowsда ҳам файл тузиш, модификациялаш, сақлаш ва файлларни чироили документлар кўринишида босиб чиқариш аҳамиятлидир. Файллар билан ишлашни бошқа ҳолатлари Windowsда ҳам MS DOS кабидир.

Windows амалий программалари турли хил информациялар (графика, текст, электрон жадвал, маълумотлар базаси) билан ишлаши мумкин ва уларнинг ҳар бирiga мос формат мавжуд.

Шунинг учун турли форматда ёзилган файлларни программадан ажратиб олиш қулай бўлиши учун, файлларни форматига қараб, кенгайтирилган номларини ҳар хил абвеатураларга ажратилади. Мисол, турли форматларда ёзиладиган хужжатларга Word процессори учун DOC, Excel электрон жадвалларига, яъни XLS, DBASE туридаги маълумотлар базасига .DBF, графика программаларига .XIF абвеатураси ишлатилади.

Шу сабабли файллар билан ишлагандан қуйидагиларга амал қилинг:

1) Файллар билан ишлаётганда амалий программага мос кенгайтирилган номлардан фойдаланинг (Мисол, Word процессори учун. DOC);

2) Ўзингиз ҳосил қилаётган файлларни номлашда хужжат характеристига қараб мнемоника танлаш зарур. Мисол учун Wordда фирманизда ишлаётган кадрлар рўйхатини тузаяпсиз, бундай файлни номлашда KADRU.Y.DOC деб номлаш қулай.

3) Кенгайтирилган номни файл номланаётганда унутманг.

Файллар билан барча операцияларга кириш асосий менюдаги FILE таг ости менюси орқали бажарилади.

#### 5.8.5 Windowsda Файллар Диспетчерининг ўрни

Windows таркибида кирувчи иккинчи асосий программа Файллар Диспетчери (File Manager) компьютер дискидаги қаттиқ дисклар, дискетлар, компакт-диск ва ҳ.о.лар билан ишлаш учун мўлжалланган.

Бу программа диспетчери Norton Commanderra ўхшаш дискдаги каталогларни ичидағиларни кўриб чиқиш, файллардан ва ка-

талоглардан нусха олиш, силжитиш, йўқотиш, қайта номлаш, файлларни излаш, босиб чиқариш ва ҳ.о.ларни бажаради.

Norton Commanderдан фарқли Файллар Диспетчери Windows-нинг бор имкониятларини: график интерфейс, кўп дарчалилик, “Drag-and-Drop” принципи ва ҳ.о.лардан фойдаланишга йўл беради.

Файллар Диспетчерини ёкиш учун унинг пиктограммаси Programm Managerдан топилади ва сичқон икки марта чиқиллатилади. Мазкур пиктограмма программалар диспетчеридағи Main (асосий) менюсида жойлашган бўлади.

Файллар Диспетчерининг пиктограммаси икки кутили картотека кўринишидаги тасвирга эга.

Файллар Диспетчери ишини яқунлаш учун унинг дарчасидаги кнопкаси икки марта чиқиллатилади. Файллар Диспетчерининг ўз дарчаси бўлади.

Файллар Диспетчерининг дарчаси турли конфигурация, ҳар хил размер, бир ёки бир неча панелдан (иккиласмчи дарча) иборат бўлиши мумкин.

Дарчанинг умумий кўринишида, илова, хужжат дарчалари каби сарлавҳа, унинг остида меню мавжуд. Дарча ичидан бошқа бир ёки бир неча дарча (панел) жойлашади.

Файл Диспетчери дарчасининг пастки қисмида ҳолат сатри бўлиб, унинг чап қисмида жорий панелдаги файлларнинг миқдори йигиндиси ва сони тўғрисида маълумот, ундан ташқари белгиланмаган файллар тўғрисида, ўнг тарафида эса жорий каталог: файллар сони ва унинг умумий размери тўғрисида йифма маълумот берилади.

### 5.8.6 Файллар Диспетчери панели

Файллар Диспетчери панелининг ҳам дарчаси бўлади, унда қайсиидир диск ва каталог тўғрисида маълумот тасвирланади. Экранда мазкур панелни силжитиш, ўзгартириш ва ҳ.о.ларни бажариш мумкин.

Панелда қуйидаги маълумотлар бўлади:

Юқори қисмида сарлавҳа, унинг остида дисклар пиктограммаси туради. Бу пиктограмма устида сичқон чиқиллатсангиз, диск тўғрисидаги маълумот экранга чиқади.

Экраннинг чап тарафида каталоглар дарахти, ўнг тарафда эса белгиланган каталог ичидаги файллар тўғрисида маълумот чиқади.

Панелларни очиш ва ёпиш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

. Панел очиш учун — диск пиктограммаси устида сичқон икки марта чиқиллатилади ёки Файллар Диспетчери менюсидағи Windows (Дарча) таг ости менюсидағи New Windows (Янги дарча) командасидан фойдаланиб ҳам бажариш мумкин;

. Башқа панелга ўтиш — панелни исталган жойида сичқон чиқиллатиб ёки [Ctrl F6] клавиши керакли панел белгилангунга қадар босилиб турилади;

. Панелни ёпиш учун — системали менюнинг кнопкаси панел сарлавҳасида икки бор чиқиллатилади.

Файллар Диспетчерининг исталганча панелини бир вақтда очиб фойдаланилса бўлади, бироқ диск ёки файл билан ихтиёрий амалини бажаришга битта панелнинг ўзи ҳам етарли.

### 5.8.7 Файллар билан ишлаш

Файллар билан ишлашда қуйидаги белгиларга дуч келинади:

1) жорий каталогнинг таг ости каталоги. Рўйхат қуйидаги кетма-кетликда экранда тасвирланади:

таг ости каталоглар; файллар номи.

Сичқон кўрсаткичи бу белгига келтирилиб, икки марта чиқиллатилса, мазкур таг ости каталогга ўтилади ва панелда унга тегишли файллар рўйхати пайдо бўлади;

2) жорий каталогнинг туб каталоги. Бу белги рўйхатнинг энг бошида туради ва ўзак каталогдан бўлак барча каталогларга хос. Сичқон икки марта чиқиллатилса, жорий каталогдан туб каталогга ўтиш имконияти туфилади;

3) бажарилувчи файл (бажарилувчи программаларга нисбатан ишлатилади). Мисол учун .EXE,.COM,.BAT,.PIF кенгайтирилган файллар. Сичқон икки марта чиқиллатилса программа ишга тушади;

4) бирор бир программа томонидан қайта ишлатиладиган файл. Сичқон икки марта чиқиллатилса программа файлни параметр маъносида қабул қилиб, ишга тушади;

5) «Системали» ёки «бекитиқ» атрибутили файлга хос;

6) одатдаги файл.

### 5.8.8 Файл ва гуруҳларни белгилаш

Файллар Диспетчери файллар устида турли операциялар бажариши мумкин. Бироқ қайси файл устида?

Ёдингизда бўлса Windowsда белгилаш, белгилаш ва яна бир белгилаш принципи адо этилгач башқа амалларни бажариш лозимлиги уқтирилган эди.

Файл ёки унинг гуруҳлари учун ҳам мазкур қоидаларга риоя қилинади. Шунинг учун файл ва гуруҳларни белгилашни кўрайли:

. Бир дона файлни белгилаш: сичқон кўрсаткичини файл номи ёки чап томондаги белгиси устига олиб келиб, бир бор чиқилласиз;

. бир неча файлларни белгилашда эса, аввал биринчи файлни босиб қўйиб юбормай, қолган керакли файллар номи ё белгиси устида сичқон чиқиллатиб борилади;

. кетма-кет жойлашган файлларни белгилашда аввал биринчи файл, сүнгра [Shift] клавишини босган ҳолда сүнгги файлни белгиланса, орадаги файллар ҳам белгиланган ҳисобланади;

. Белгиланган файлларга панелда кетма-кет жойлашган файллар гурухини қўйиш учун [Ctrl] ни босган ҳолда гурухини биринчи файлни белгиланади. Сүнгра [Shift] клавиши эзилиб, охирги керак файл белгиланади;

. белгилангани бекор қилиш учун [Ctrl]ни босган ҳолда, сичқон кўрсаткичи файл номи устига келтирилиб, босилади;

. каталогдаги бор файлларни белгилаш учун, [Ctrl] клавишилари биргаликда босилади;

. барча файллардаги белгилашни бекор қилиш учун, рўйхат бошидаги [+] белгисини босиш зарур;

Файллар Диспетчеридаги менюнинг FILE таг ости менюсида файлларни белгилашда ва бекор қилишда [Select Files] (файлни танлаш), [Select] (танлаш) ва [Deselect] (танлашни бекор қилиш) сўроқларидан фойдаланилади. Бу амалларни ниқоб ёрдамида белгилаш деб аталади.

Мазкур имкониятларни текшириб кўришни ўзингизга мустақил иш тариқасида қолдирамиз.

### 5.8.9 Белгиланган файллар билан амаллар

Файлларни белгилаб олгач, марҳамат, улар устида истаган амалнингизни энди бажаришингиз мумкин.

Файллардан нусха кўчириш:

а) Файллар белгиланади;


б) [Ctrl]ни босиб турилади;

в) Сичқон кўрсаткичи нусха кўчириладиган файллардан исталганига келтирилади;

г) Сичқон босиб турган кнопкаси (кўпинча чап кнопкаси) сичқон кўрсаткичи кўрсатаётган жойга силжитилади;

д) Сичқон чап кнопкаси ва [Ctrl] қўйиб юборилади.

Файл нусхаси менюнинг File Copy командаси орқали ҳам бажарилади. Бу ҳолда экранда диалог дарчада файл кўчирилиш лозим бўлган диск, каталог, янги файл номи терилади ва OK босилади (28-расм).



Файлларни кўчириб ўтиш нусха кўчиришга айнан, фақат бунда [Ctrl] клавиши босилмайди. Агар бу белгилар ёнида + нишони турса айнан нусха кўчириш, аксинча бўлса кўчириб ўтиш операцияси бажарилаётганига далолат бўлади.


Сичқон кўрсаткичи ёнида қўшимча экранга чиқиб турадиган белгиси бир дона файл билан ишлашни, \* белгиси эса файллар гуруҳи билан операция бажарилаётганидан дарак беради.

Сичқон ёрдамида нусха кўчиришни бажараётганда «Ҳа» ва «Йўқ» қа асосланган сўроқ экранда пайдо бўлади.

Бу сўроққа «Ҳа» деб операция охиригача бажаришни ёки «Йўқ» деб рад этиш ҳам мумкин.

Белгиланган файлларни ўчиришда [Del] клавишини босасиз. «Ҳа», «Йўқ» туридаги сўроқ чиқади. Керакли жавобни сичқон ёрдамида танланади. Ундан ташқари файллар номларини экранга [Yes] (Ҳа) — файл ўчиришни тасдиқлаш, [No] (Йўқ) — файл ўчиришга рухсат бермаслик, [Cancel] (Бекор қилиш) — бу ва бошқа файлларни ўчиришни бекор қилиш.

Файлларни қайта номлаш. Файл, каталог ёки файллар, каталоглар гуруҳини қайта номлаш учун, файллар ёки каталоглар белгиланади ва Файллар Диспетчери менюсидаги File (файл)даги Rename (Қайта номлаш) командаси танланади. Сўнгра экранга чиқсан сўроқнинг «То (қаерга)» қаторига файл ёки гуруҳнинг янги номи кўрсатилади ва ОК кнопкаси босилади (29-расм).



29-расм

Файллар атрибутларини ўзгартириши. Файл ва файллар гуруҳи атрибутларини ўзгартириш зарур бўлиб қолса, уни икки усулда амалга ошириш мумкин:

. Файл ёки гурухлар белгиланилади, [Alt] [Enter] клавишлари бирга босилади;

. Файллар Диспетчерининг Fileдаги Properties (сифатлар) командаси сичқонда танланади. Ҳар икки ҳолда ҳам экранга сўроқ чиқади. Аҳамият берилса, сўроқда сарлавҳа:

- файл номи (File name);
- размери (Size);
- тузилган санаси (Lastchange);
- йўл (Path);
- атрибутлари (Attributes), атрибутлар ўз навбатида қўйидагиларни ўз ичига олади;

- ўқишига (Read Only);
- архив (Archive);
- бекитиф файл (Hidden);
- системали (System).

Ҳар бир файл атрибутларининг ўрнатилган ( — белгиси) ёки ўрнатилмаган ( — белгиси) хусусиятлари мавжуд.


Атрибутларни ўзгартириш учун сичқон ёрдамида керакли хусусиятлар танланиб, ОК кнопкаси босилади.

Атрибутларни билиб-бilmай ўзгартириш ярамайди.

Мисол учун файлни фақат ўқишига деб белгилаб қўйсангиз, сўнгра унга маълумот ёзиш мумкин бўлмай қолади.

Тажриба ошгандан сўнг бу банддан фойдаланган маъқул.

*Дискда файл қидириш* Файллар Диспетчеридағи File таг ости менюсидаги Search (излаш) командаси ёрдамида керакли файлларни диск каталоги ва таг ости каталогларда излаш амалга оширилади. Бу команда босилганда экранга қуийдаги сўроқ чиқади.



30-расм

Search For (Иzlaniш) майдонида изланиши лозим файлнинг номи кўрсатилади. Номни клавишлар ёрдамида териш ҳам, ёки мавжуд номлардан сичқон кўрсаткичи ёрдамида танлаш ҳам мумкин. Start From (бошланиш жойи) майдонида туб каталог (мисол с: — диски) кўрсатилса, сўнгра Search Alt Subdirectories байроқча белгиси танланиб, ОК ни боссангиз, бор таг ости каталоглардан керакли файлни излаш амалга оширилади. (30-расм)

Сўнгра керакли файл неча марта учраса, барининг қайси каталогда жойлашгани тўғрисидаги маълумот экранга чиқарилади.

### 5.8.10 Дисклар билан ишлаш

Файллар Диспетчери ёрдамида дискетлар устида турли операциялар: нусха олиш, форматлаш, дискетни системали деб ўрнатиш, метка қўйиш бажарилади.

Буларни амалга оширишга Файллар Диспетчерининг Disk (Диск) таг ости менюсининг командалари хизмат қилади.

Дискетларни нусхалаш учун Copy Disk командаси хизмат қилаади. Бу ҳолда иккала диск сифими баробар бўлиши лозим. Экранга чиқсан сўроқقا диск — ўрнатувчи ва диск — қабул қилувчилар номи кўрсатилади. Бир диск қурилмасидан ҳам ўрнатиш, ҳам нус-

ха қабул қилишга фойдаланиш мүмкін. Мазкур вариантда күшимчаларни алмаштириш учун сұроқ чиқади.

Дискларни форматлаш учун Format Disk командаһынан фойдаланилади.

Пайдо бўлган сўроқча диск қурилмасининг номи, сифими, режимлари кўрсатилади. Бу команда MS DOS операцион системасининг Format командаһига ўхшаш.

Windowsда ҳам дискларни системали деб ўрнатиб қўйиш мүмкін. Бунинг учун Make System Disk командаһынан фойдаланилади. У ҳам Файллар Диспетчерининг File таг ости менюсида жойлашган.

### 5.8.11 Каталоглар билан ишлаш

Каталоглар билан файллар каби барча операцияларни бажариш мүмкін. Мисол учун тузиш, нусхалаш, ўчириш ва ҳ.о.

Windowsда каталоглар тўғрисида маълумот, Norton Commanderдан фарқли, тўлиқ экранга берилмайди. Яъни каталогнинг борини, туб каталогдан мавжуд таг ости каталогларнинг ҳаммаси бир вақтда экранга чиқарилмайди.

Жорий каталогга «яқин» бўлган каталоглар кўринади. Каталоглар дараҳти тасвирлаётганди, унинг ҳолати  белги билан кўрсатилади.

31-расм каталог дараҳтига мисол бўлади. Аҳамият берилса чап тарафда каталог белгиси, ўнгда унинг номи кўрсатилади.


Файллар Диспетчерининг Tree (дараҳт) таг ости менюсида Indicate Expandable Branches (ейилувчи шаклларни белгилаш) режими мавжуд: У куйидагини англатади:

— каталогда таг ости каталоги бор, бироқ у очилмаган;

— каталогда таг ости каталоги бор ва улар очилган;

— каталогда таг ости каталоги йўқ.

Каталогларни кўришнинг энг қулай усули, керакли каталогнинг сичқон ёрдамида номини чиқиллатишdir.



31-расм

Ёки клавишлар күрсаткичлари орқали ҳам бажариш мумкин.

Шу каталогга энг тез ўтиш йўли бошланғич ҳарфни 2 марта босилса шу ҳарф билан бошланадиган каталог дараҳти экранда пайдо бўлади.


Бошқа дискдаги каталоглар дараҳтини чиқариш учун, панел юқорисидаги керакли диск белгиси чиқиллатилади.

Агар шунда [Shift] ҳам бир вақтда босилса, дискдаги каталоглар дараҳтини борини, ҳаттоқи бекитиф каталогларни ҳам экранга чиқаради. Албатта, операция жуда тез бажарилмай, чўзилиши мумкин.

Жорий каталогдан бошланган каталогларни экранга чиқариш учун К — клавиши босилади.

Каталогларни «бекитиб» қўйиш ҳам мумкин. Бунинг учун каталог номи ёки белгиси устида тўрт марта чиқиллатиш зарур бўлади.

*Каталогларни ҳосил қилиши.* Каталогларни ҳосил қилиш учун Файллар Диспетчерининг File менюсининг Create Directory (Каталог ҳосил қилиш) командаси танланади. Экранда пайдо бўлган сўроққа ҳосил қилинадиган каталог номи киритилиб OK кнопкаси босилади (32-расм).



32-расм

### 5.8.12 Файллар Диспетчерини созлаш

Файллар Диспетчерида файлларни экранга чиқариш, файллар характеристи, турлари тўғрисида маълумотлар, бажариладиган ҳаракатлар тасдиғи ва бошқа режимлари олдиндан ўрнатилиши мумкин. Бу тадбирлар Файллар Диспетчерини созлаш деб юритилади.

Файлларни экранга чиқариш тартиби қуйидаги ҳолатларда бўлади:

Sort by Name (Ном бўйича саралаш) — панелда алфавит бўйича каталог, сўнгра файллар номи тасвиrlenади;

Type (Тур бўйича саралаш) — панелда алфавит бўйича каталог, сўнгра файллар кенгайтирилган номи билан тасвиrlenади;

Size (Размер бўйича саралаш) — панелда алфавит бўйича каталог, сўнгра файллар размери камайиб борган ҳолда тасвиrlenади;

Date (Сана бўйича саралаш) — панелда алфавит бўйича каталоглар, сўнгра файллар ҳосил қилинган санаси бўйича (янги санадан аввалига нисбатда) тасвиrlenади. Булар ичida энг муҳими размерлар бўйича саралашдир.

Файллар размери бўйича маълумотлар турли режимлардан иборат.

Файллар Диспетчери менюсининг View (Кўриб чиқиш), Name (Ном), All File Details (Файлнинг барча характеристикалари), Partial Details (Алоҳида характеристикалар) таг ости менюлари мавжуд бўлиб:

Name — файл номи;

All File Details — файл атрибутилари: номи, размер, санаси ва сўнгги модификациялари;

Partial Details — экранга чиқадиган сўроққа файлнинг қайси алоҳида характеристикаларини панелга чиқариш кўрсатилади.

Турлар бўйича панелга чиқариладиган файлларга чекланиш бериш мумкин. Мисол учун, доимо .DOC файллари билан ишласангиз, қолган турдаги файллар бўйича маълумотни бекитиш мумкин.

Бу ҳолларда Файллар Диспетчери менюсининг Viewга тегишли By File Type (Файл тури бўйича) командасидан фойдаланилади. Бу команда босилганда экранга сўроқ чиқади. Сўроқда Directories — таг ости каталоглар, Programms — программа файллари (яъни,.COM,.EXE,.PIF ёки .BAT туридаги файллар), хужжат файллари (Documents) ҳамда бўлак файллар (Other Files) белгиси орқали ўрнатиш ёки ўрнатмаслик мумкин бўлади.

Ундан ташқари Shol Hidden /System Files байроқча вазифасини ўтаб, файлларни бекиф, системали эканлигини англатади ва керагини танлаш имконияти берилади.

*Амалларни тасдиқлаш.* Файллар Диспетчери томонидан баъзи бир операциялар бажарилаётганида экранга чиқадиган сўроқларни ўчириб кўйиш мумкин.

Бу вазифани Файллар Диспетчери менюсининг Options гурухидаги Confirmation командаси бажаради. Бироқ ўрганаётганингизда ушбу командадан фойдаланмай, бирор бир профессионал программачи ёрдамида амалий ишлатиб кўринг.

Умумий Файллар Диспетчериనи созлаш ҳар куни қилинадиган иш эмас ва якка ўзингиз бажаришингизни лозим кўрмаймиз.

Каталог ва файллар номларини панелга қайси шрифтда чиқаришни бажариш учун Options таг ости менюсидаги Font (Шрифт) ёрдамида керакли шрифт танланади.

Танланган конфигурацияни ёдда сақлаш учун ва кейинги мулоқатларда ишлатиш учун, Options таг ости менюсидаги Save Settings on Exit (Чиқишида параметрларни сақлаш) режими танланади ва [Shift] клавиши босилади. Сўнгра Файллар Диспетчери дарчасининг кнопкаси сичқон ёрдамида икки марта чиқиллатилади.

Шундан сўнг танланган параметрлар сақланиб қолишига ишонч ҳосил қилса бўлади.

*Холат сатрини экранга чиқариш.* Файллар Диспетчери менюси Options таг ости менюсидаги Status Bar (холат сатри) режими бажарилаётган функция ҳолатини, экраннинг пастки қисмида, фойдаланувчига маълум қилиб туришга хизмат қилади.

## 5.9 WINDOWSНИ СОЗЛАШ

Windows ўз конфигурациясини созлаш учун кўп имкониятларни беради. Бунинг учун Windows бошқарув панели (Control Panel) хизмат қиласди.

Бошқарув панели пиктограммаси компьютер ва соат белгисидан иборат. Бошқарув панели дарчасида кўп пиктограммалар жойлашган бўлади.

Хар бир пиктограмма программанинг бир бўлаги ҳисобланади. Уларга кириш учун мос пиктограммани боссангиз диалогли сўроқ чиқади. Ўз навбатида сўроқдаги керакли параметрлар ўзгартирилиб, сўнг ОКни босиб улар ўрнатилиади.

Бошқарув панелининг қўйидаги имкониятлари мавжуд:

- Color (Ранг) — Windowsдан фойдаланиладиган экрандаги дарча, меню, сўроқлар элементларини, ранглар бўёғини ўрнатиш;
- Font (Шрифтлар) — шрифтларни ўрнатиш;
- Ports (Портлар) — COM1-COM4 коммуникацион портларнинг характеристикаларини ўрнатиш;
- Mouse (Сичқон) — сичқон кўрсаткичи силжиш тезлиги ва икки марта чиқиллатишни аниқловчи параметрларни бошқариш;
- Desktop (Оформление) — Windows экранни параметрларини киритиш (курсор милтиллашини частотаси, пиктограммалар оралиғидаги масофа, дарчалар кенглигини чегараси ва ҳ.о.лар);
- Keyboard (Клавиатура) — клавиатура параметрларини кўрсатиш (Символлар қайтарилиш тезлиги ва ҳ.о.лар);
- Printers (Принтерлар) — принтер драйверларини ўрнатиш ва ўчириш, босиб чиқариш параметрларини бериш;
- International (Стандарт) — Сана ва вақтни тақдим этиш формати, пул бирлиги ва йифиндиси, бутун ва каср сонлар ажратиб турувчисини киритиш ва ҳ.о.лар;
- Date/Time (Сана/Вақт) — жорий сана ва вақтни ёритиш;
- Network (Тармоқ) — Локал тармоққа қўшилишни бошқариш;
- 386 Enhanced (386 Кенгайтирилган) — Windowsни кенгайтирилган режимига хос маҳсус параметрларини бериш (кўп масалалик приоритетлари ва ҳ.о.лар);
- Drivers (Драйверлар) — қўшимча қурилмалар драйверларини созлаш, ўрнатиш ва ўчириш (мисол учун овоз платасини);
- Sound (Овоз) — Windows ва Windows программалари ишлашида турли ҳодисаларга чиқадиган овоз сигналларини бошқариш.

## 5.10 WINDOWSДА ШРИФТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА БОСИБ ЧИҚАРИШ

Персонал компьютер экранида, ҳамда принтер орқали қофозда маълумот қандай тасвириланади?

Ўқувчи код жадвалида ҳар бир символга (ҳарф, сон, белгига) нлик код ёки номер берилганини билади (3.2 бандга қаранг).

Шунинг учун компьютер ўнлик коди асосида символ тасвирига:

- а) мос «литера»ни хотирадан топиб, экранга чиқаради («бошиб чиқаради»);  
 б) символ кодини принтерга узатади, у эса а) даги механизм асосида символ тасвирини қофозга чиқаради.

Бу ҳолатда символ «литералари» хотираада қандай ташкил қилинади?

Экранда шрифтлар билан ишлаш технологияси монитор режимларига (матнли ёки график) мос келади.

1) Матнли режимда экран 80 позициялы 25 қаторга бүлинишини биласиз. Ҳар бир позицияга код таблицасидаги ихтиёрий символни чиқариш мумкин. Барча символлар бир хил размерга (эни ва бўйи) эга бўлади. Мисол учун EGA монитори учун 8x14 ва 8x16 пиксель VGAда бўлади.

Мисол учун, катақ дафтарида устунлар бүйича 8 та, қаторлар сони эса 14 тали матрицаны чизиб күрамиз. Катақларни кераклигини бүяб ихтиёрий символни хосил килиш мүмкін.

Компьютерда қатордаги катаңни 1 биттаң тенг күрилады ва 8 биттің ташкил этиб, ихтиёрий бир символни литерасига 14 байтты хотира қисми керак бўлади.

Мазкур символни компьютерда ҳосил қилишни, ҳар бир қаторга 0 дан 255 гача бўлган сонларни (иккилик саноқ системасида) жойлабгина ҳосил қилинади.

Бундай күринишдаги байтлар кетма-кетлиги бит картаси деб, шрифтлар эса растрли деб аталади. Код жадвалидаги 256 символ учун, 3584 байт жой керак бўлади ва у сўнгра файлга ёзиб қўйилади (кўпинча .FNT кенгайтирилган номида бўлади), сўнгра компьютерга юкланади.

Мисол п— ҳарфини литераси компьютерда 14 байтга қуида-  
гича жойлашган бўлади: (Жадвалга қаранг.)

Текстли режимда ишлатиладиган растр шрифтлари албатта күпчиликни қониқтирмас эди, чунки босиб чиқариладиган шрифтни катта-кичиклигини ўзгартириш тўғридан-тўғри мумкин эмас эди.

Шунинг учун бажариладиган матнларни шрифтларини бироз ўзгартириш билан курсив, босма, кичик, сиқилган кўринишда босиб чиқариш имкониятларини қамраган қўшимча программалар (мисол Printfx ва ҳ.о.лар) яратилганди. Бироқ мазкур программалар ҳам бир текстни турли қисмида ҳар хил шрифтлардан фойдаланиш имкониятини бермас эдилар. Нашриёт ишларига маъқул келмаслиги, улар расм, тасвирларни қофозга тушира олмасди ёки синик чизиқларда тасвирни бузиб кўрсатарди.

2) Windowsнинг график технологияси бу ҳолатни кескин ўзгартириб юборди. Гарчи символларни тақдим этиш ҳамон код жадвали асосида қолган монитор ва принтерлар ишлаш принципларига ҳеч қандай қўшимча талаб ёки сўроқ туғилмагани ҳолда, Windows программа таъминотида полиграфия ишларига оид янгиликларни, текстлар билан ишлашни юқори поғоналарга олиб чиқди.

Чунки текст графика, шрифтларнинг мўллиги ва турли катталик, стилда берилиши экранда тасвирланадиган маълумотни, қофозга ҳам шу кўринишда чиқариш қулайлиги, унумдор ва сифатли ишлашга йўл очиб берди. Хозир барча газета ва журналлар Windowsда саҳифаланаётганини билсангиз керак.

### 5.10.1 РАСТРЛИ ВА ВЕКТОРЛИ ШРИФТЛАР

Windowsнинг иловаларида юзлаб турли шрифтлар мавжуд ва улар сони кундан-кунга ошиб бораётпти. Агар биз авваллари битта экран шрифтидан фойдаланган бўлсак, эндиликда фойдаланаётган шрифтлар ўзининг турли-туманлиги билан полиграфия ва нашриёт талабларини қондирмоқда.

Аввало, Windowsнинг шрифтлари негизини True Type шрифтлари ташкил этишини ва у нашриёт ишининг мавжуд талабларига жавоб беришини айтиб ўтиш жоиз.

Шрифтлар символлар тасвирини ҳосил қилиш бўйича классификациялашда растр ва вектор шрифтларига ажратилади.

Юқорида ёзганимиздек растр символи тасвири битлар картасида кодлаштирилади (ҳосил қилинади).

График режимда ҳам растр символи мавжуд ва у текст режимидагидек ҳосил қилинади, фақат литея матрицаси 8x8 ёки 16x16 ўлчовда бўлади.

Растр шрифтининг асосий камчилиги размерини катталаштириб кўришда билинади. Символ синик чизиқлардан ташкил топгандек кўринишни олади (33-расм).

Чизиқлар синифини йўқотиш учун эса қайтадан бошқа шрифтларни ҳосил қилиб, хотирага яна жойлаб қўйиш керак бўлади. Бунинг учун қўшимча вақт ва қўшимча хотира харажати лозим.

ABCD

ABCD

ABCD

ABCD

33-расм

Вектор шрифтларини кодлаштириш эса геометрик фигураналар ёрдамда акс эттирилади ва улар расм контурини аниқлайди.

Бошқача қилиб айтганда, символ контури формулалар билан ҳисобланадики, бу ҳолат на шрифт размери ёки кўрилма тасвир имкониятига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабдан вектор шрифтларини тасвири силлиқ, равон ва сифатли.

Эслатма. Вектор шрифтлари ҳам нуқталар (пикселлар) ёрдамида, эгилувчан чизиқлар билан ҳосил қилинади.

Windowsда растр шрифтидан фойдаланиш экранга матнли маълумотлар чиқариш билан чегараланган. Ҳужжатлар билан ишлашда асосан TrueType махсус форматидаги вектор шрифтда ҳужжат ёзсангиз, шу кўринишдаги ҳужжатни қофозга оласиз. TrueType технологияси WYSIWYG (нимани кўрсангиз шуни оласиз) принципини бажарилишига яққол мисол. Яъни экранда расм, матн, жадвал ёки бошқа маълумотлар бир вақтда бўлса, қофозда ҳам шу кўринишда ҳужжат оласиз. Бу жуда зўр, катта нашр қилиш имкониятини беради.

Растр шрифтидаги файллар .FON, TrueType файллари эса .TTF кенгайтирилган номда сакланади.

Бу шрифтлар одатда Windowsning SYSTEM каталогига жойлашган бўлади ва исталган илова, программада улардан фойдаланиш мумкин.

### 5.10.2 TrueType шрифтлари

Windowsда турли шрифтлар мавжуд, лекин асосий маҳсулот шрифтлар яратишга қаратилган TrueType фирмаси шрифтларига эътиборингизни қаратишни лозим топдик.

TrueType шрифтлари моношир (бир хил кенгликда) ва пропорционал (мутаносиб) кўринишга эга бўлади.

Моношир кўриниши ёзув машинкаси, текст режимидаги экран шрифтлари (Courier VK) бу шрифтга мисолдир.

Пропорционал шрифтлар нашриёт-босма шрифтлари кабидир ва уларнинг тури моношир шрифтларидан қўпроқдир.

Ундан ташқари шрифтларга CUR белгилаши киритилган бўлса, унда кириллица ҳарфлари ҳам борлигини билдиради.

*Шрифт стили.* Шрифтларнинг бирортасини танлаб, иш бошлашда унинг стил ва ўлчамини ҳам танлаш мумкин.

TrueType шрифти тўрт стилда берилиши мумкин:

- . оддий (regular, normal);
- . ярим семиз (bold);
- . курсив (Italic);
- . ярим қалин курсив (bold italic).

*Шрифт ўлчами.* Символ катталиги 1x72дюймга тенг пунктлар да ўлчанади. 10 пункт 3.53 ммга тенг ҳисобланади. Шрифтлар танлаб олаётганингизда вертикаль устун кўринишида сиздан символ ўлчами сўралиб, рўйхат берилади: 1 дан 20 гача. Улар пункт билан ўлчанганд шрифт размерларини билдиради.

*Шрифт эфекти.* Windowsда текст тераётганингизда қўшимча хусусиятлардан фойдаланиш мумкинки, Effect (эфектлар) командасида қўйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

- 1) Underline — тагига бир, икки пунктир чизиқларида чизиш;
- 2) Strikethrough — устига чизиш;
- 3) Superscript — юқори индекс;
- 4) Subscript — пастки индекс;
- 5) Small Caps — ёзма ҳарфлар размерини бироз катталаштиради;
- 6) Outline — символ нозик контур билан тўлдирилади;
- 7) Shadow — символ сояси билан таъминланади.

Стил, размер, эфект шрифт атрибути ҳисобланиб ўзгартириш фойдаланувчи ихтиёрида бўлади.

### 5.10.3 Font диалог дарчаси

Шрифтнинг стили, ўлчами ва эфектини Font диалог дарчасида ўрнатилади. Горизонтал меню очилганда унинг [Format-Font] ёки [Text-Font] командасини танласангиз мазкур дарча пайдо бўлади.

Диалог дарча эса Font (ширифт) Font Style (ширифт стили) ва Size (размер) каби бўлаклардан иборат. Ҳар бир бўлакда ўз навбатида шрифтлар стил номлари ва ўлчамлар (пунктлардан) ташкил топган рўйхатлар мавжуд. Рўйхатдан керак шрифт параметри танлаб олинади.

Умуман шрифт танлаб олишни бошқа кенг тарқалган усулда, яъни инструментлар панелида танлаш осонроқ ва қулий ҳисобланади.

Инструментлар панелидан қандай фойдаланиши биласиз.


### 5.10.4 Босиб чиқариш диспетчери

Windows Босиб чиқариш диспетчери ўз таркибида (Print manager) программа спуллерига эга. Спуллер асосий иш вақтидан ташқари компьютерда босиб чиқариш вазифасини ўтайди, яъни аввалига босиб чиқариладиган маълумот принтер драйвери ёрдамида тўғридан-тўғри принтерга эмас, вақтинчалик файлга ўтказилади.

Сўнгра сиз бошқа иш бажараётганингизда ҳам босиб чиқариш диспетчери маълумотни вақтинчалик файлдан олиб, принтерда қофозга босиб чиқаришни амалга оширади. Босиб чиқариш диспетчери исталганча принтерга хизмат қила олади, ҳамда принтерлардаги хужжатларни (топшириқларни) бошқаришни амалга оширади ва керак бўлса навбатлар ҳосил қилиб, топшириқларни ёзиб

қўяди. Мисол учун бу ҳолат локал тармоқлар билан ишлаганда жуда қўл келади.

Босиб чиқариш диспетчери Бошқарув панелидан ёқилади. Ундаги Use Print Manager (Босиб чиқариш диспетчеридан фойдаланиш) режими танланади. Танлашни амалга оширишингиз билан мазкур диспетчер ишга тушади. Унинг дарчасида (34-расм) принтернинг драйверлари Epson Lx-80, HP LaserJet 4p ва бошқалар кўринади.



### 34-расм

Босиб чиқариш диспетчерининг Options командаси орқали босиб чиқариш тезлиги ўрнатилади.

Босиб чиқаришни тўхтатиш ва давом эттириш учун Pause (пауза), ҳамда Resume (давом эттириш) дан фойдаланилади.

Босиб чиқаришда хатолар юз берса (қоғоз йўқлиги, принтер ёқилмаган, принтер учун хотира камчилиги ва ҳ.о.) қуйидаги ҳаракатлардан бирини бажариш лозим бўлади:

Retry (қайтариш) — босиб чиқаришни хатони тузатгач қайта-риш лозим;

Cancel (рад этиш) — босиб чиқаришни рад этиш.

## VI БОБ. INTERNET

**Internet**, худди компьютер сингари, кундалик ҳаётимизда объектив реаллик бўлиб қолди. Вақти келиб хизмат жойидан ташқари, ҳар бир уй, хонадонга бу мўъжиза кириб келиши ҳеч гапмас.

Чунки дунё бўйлаб 60 миллион одамлар *Internet* билан ишламекдалар. *Интернет, провайдер, e-mail, URL* аллақачон кўпчиликнинг оғзидан тушмай қолди.

Интернет олами кўп қиррали, унга фойдали — муаммосиз кириш ва ишлаш учун унинг терминларини билиш ва тушуниш зарур бўлади. Улар жуда кўп, бироқ аввалига улардан айримларини ўрганиш барибир керак, қолганларини иш жараёнида ўрганиб оласиз.

Кўйидаги терминлар мазмунига аҳамият беринг.

**Browser** (броузер) — кўриш воситаси. Тармоқдаги маълумотларни интерактив қидириш, топиш, кўриш ва ишлов бериш учун график интерфейснинг программа таъминоти.

**URL** — манзил шакли (*Uniform Resource Locator*). Сервер номи кўрсатиладиган файл, файл каталоги йўли ва файл сақланадиган жой-манзил шакли.

**WWW**(World Wide Web) — бу тарихда бошқа исталган бундай воситалар ичida жуда тез оммавийлашаётган янги глобал оммавий ахборот воситасидир.

**e-mail** — электрон почта ўтказилиши.

**WWW servers** — электрон сервер.

**WWW pager** — электрон саҳифа.

**File server** — файл сервери. Узоқроқ масофада жойлашган фойдаланувчилар (мижозлар) учун файллардан фойдалана олишни таъминловчи компьютер.

**Site** — сайт. Интернетда сервернинг жойлашган манзили.

Бугунги кунда Интернет турли мамлакатлар ва турли қитъаларда жойлашган компьютерлар глобал тармоғидан иборат.

Хозиргача мавжуд телефон тармоқларининг тузилишида ҳар бир шаҳар ҳам районда АТСлар (Автомат телефон станциялар) бор бўлиб, барча АТСлар магистрал каналлар (оптикаволокон кабеллар, мис кабеллари, мис симлари, сунъий йўлдош каналлари) билан боғланган.

Ҳар бир шаҳар ва район шаҳарлараро алоқалар, халқаро алоқалар каналига уланган.

Компьютер тармоқлари, яъни Интернетда АТСлар ўрнига компьютер-серверлар хизмат қиласи. Компьютерлар ўртасидаги маълумотларни ўтказиш учун худди телефон тармоқларидағидек магистрал каналлардан фойдаланилади.

Тармоқ ишини башқарып турувчи ягона марказий компьютер йўқ, унинг ресурслари минглаб алоҳида компьютерлар орасида тақсимланган. Тармоқнинг бекиёс кучи ва заифлиги ҳам шундадир.

*Интернет серверлари* кўплаб фойдаланувчилар учун уларда сақланаётган маълумотларга бир йўла фойдаланиш имконини беради. Бироқ ҳамма серверлар ҳам тенг имкониятларга эга эмас. Мисол, айримларга кўриш воситаларисиз маълумот олиш учун кўп вақт керак дейилади. Агар, серверга кириш чогида бунинг иложи бўлмаса ёки сервер банд деган хабар берилса, буни телефон линиясида «банд» дегандек тушунинг ва операцияни кейинроқ қайтаринг.

## 6.1 ИНТЕРНЕТ ҲАҚИДА

Етмишинчи йилларда Америка университети олимлари чекланган доира учун муомала воситаси сифатида компьютер тармоғини таклиф этган эдилар.

Кейинчалик, персонал компьютерлар пайдо бўлиши билан бу тармоқларга қўшилиб ишлайдиганлар, фойдаланувчилар кўпайди. Ундан ташқари тармоқ янги технологиялар, таклифлар, техник ечимлар билан тўлатиб борилди. Интернетда бемалол ишлаш учун, имконият ва йўналишларни танлашда ёрдам берувчи броузерлар тармоқнинг ривожланишида катта сакраш бўлди.

Интернетнинг яна бир қулайлиги бўлмиш, ICQ(почта вазифаси-ни ўтувчи) ихтирони кашф қилиниши катта зарурятга айланди.

Бир қараща техниканинг тез ривожланишига қўнишиб қолган замонавий жамиятнинг ўта ҳайратланишига сабаб йўқдай. Бироқ Интернетдан фойдаланган ҳар бир кимса ҳаётимизга бир янгилик кириб келганини яхши тушунади. Интернетни радио ва телевидение сингари ахборотнинг янги манбаси, — деб аташ мумкин эди.

Бироқ бу манба телевидение, радиодан кўра кучлироқ, яъни унда танлаш эркинлиги бордир.

Интернет нимани ўқиш бўйича танлашнинг кенг эркинлигини беради, бунда аниқлаш учун кутубхонага бориш керак эмас, сайёрининг бошқа томонидаги сайтга (Site) ўтиш учун бир неча дақиқа кутасиз ва ниҳоят сизга керакли мақола мухайё бўлади.

Яхши тайёрланган сайтлар у ёки бу воқеанинг бутун тарихини ёритиш учун қизиқтираётган масалалар бўйича материаллар сайланмасини тақдим этади.

Интернетнинг имкониятлари шунчалик кўпки, мисол учун шопинг қилиш (товарларни томоша ва харид қилиш), дам олиш ва ҳордиқ чиқариш турлари, туризм. Буларни ҳар бири билан ҳам уйда ўтирган ҳолда хабар топасиз.

Хозир виртуал танишиш — мулоқот қилишнинг янги тури йўлга қўйилган. Одатда муомала қўшнилар, қариндошлар, ҳамкаслар (курсдошлар), дўстлар билан чекланиб қолади.

Интернет оддий ҳаётдан фарқли ўлароқ, кўринишинг, эгнинг даги либос, жамият қайси қатламига мансублигинг ва ҳатто қайси мамлакат фуқароси бўлишингдан қатъий назар, тармоқда биринчи дуч келган кимса билан суҳбатга кириш мумкин.

## 6.2. ИНТЕРНЕТНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Интернетнинг баъзи амалий томонини кўриб чиқайлик.

Интернетда *WWW*(*World Wide Web*) — бу оммавий ахборот воситаси сифатида, жуда тез тарқалаётган ва оммавийлашаётган глобал тармоқдир.

Энг қизиги, агар 50 млн фойдаланувчини йиғиш учун радио — 38, компьютер — 16, телевизор — 13 йил вақт сарфлаган бўлса, Интернет учун бу муддат 4-йилни (аҳамият беринг, фақат 4-йил) ташкил этади.

Рақамларга эътибор берилса АҚШда 23%, Буюк Британияда 15%, Германияда 8%, Францияда 7%, Японияда 14% аҳоли Интернетга уланган.

Интернетда катта тажрибали фойдаланувчилар кўп вақт ўтказишида, улар программалар ишлатиш ва ҳордиқ чиқариш билан банд бўладилар.

Буюк Британияда 1.2 млндан ортиқ фойдаланувчилар Интернетни иш қидириш, салкам 2 млн эса саёҳатлар тўғрисидаги ахборотни кўришга ишлатишида. 1998 йилнинг иккинчи ярмида 4.8 млн харид (470 млн фунт стерлинга) Интернет орқали бажарилган. Nop Research маълумотига қараганда 1.9 млн фойдаланувчи газеталарнинг электрон версияларини ўқишиган ва 1.3 млн эса молиявий ахборотлар излагани маълум.

Умуман, Буюк Британия етакчи компаниялари 2000 йилда барча сотувчиларнинг 20% бевосита Интернет орқали бўлишини кутишмоқда.

Интернетнинг немис фойдаланувчилари орасида сиёсий ахборотларни (9 млн фойдаланувчи), регионал ахборотларни (8 млн), иш излаш (7 млн), харидлар қилиш (7 млн) рақамлари аниқланди.

Интернетда АҚШ болаларини ишлаши (фойдаланиши) тўғрисида *AQL* компанияси ҳисботига кўра 2 ёшдан — 5 ёшгача бўлган болалар ҳафтасига уч соат, 6 дан 11 ёшгача болалар ҳафтасига тўрт, 12 дан 17 ёшгача эса 7 соатга яқин вақтини тармоқда ўтказар экан. Интернетдан 12 ёшдан фойдаланувчи болалар 5 млнни ташкил қиласди.

Маълумотларга қараганда кўпгина юқори ривожланган давлатларда, ҳаттоқи фермерлар ҳам Интернетдан кенг фойдаланаяптилар. Чунки кўплаб фермерлар учун тармоқ ахборот алмашинуви ва

уни йиғишнинг асосий манбаи ва ҳаттоқи химикатлар ва ўғитлардан тортиб, то тракторлар ҳамда комбайнларгача бўлган товарлар сотиб олиш жойи ҳам бўлиб қолди.

Ўзбекистонда ҳам Йнтернетдан фойдаланувчиларнинг сони ошиб бормоқда.

Йнтернетга чиқиши, ундан фойдаланиш учун провайдерлар хизматини тартибга солиш мақсадида почта ва телекоммуникация агентлиги қошида “UzPAK” ахборот узатиш миллий тармоғи ташкил топган. Барча провайдерлар халқаро тармоқларга чиқиши, мулоқот қилиши учун лицензияга эга бўлишлари лозим бўлади. Лицензия “UzPAK” орқали берилади.

Йнтернет глобал тармоғидан фойдаланиш ҳақи ҳамон қиммат эканлигини айтиш лозим. Шу сабабдан энг кам ҳақ учун энг зўр сервис хизматини кўрсатадиган провайдерни топиш долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 дан ортиқ компания Йнтернет — провайдер хизматини кўрсатиши мумкинлигини эълон қилди.

Провайдер хизмати ўз компьютерларида электрон саҳифалар (*WWW-pages*) ёки электрон серверларни (*WWW-servers*) жойлаштиради, фойдаланувчини Йнтернетга улаб беради, натижада почта ўтказилиши (*E-mail*) таъминланади.

Йнтернетга уланиш учун фойдаланувчидан компьютер ва модем мавжудлиги сўралади.

Йнтернет бўйича маҳсус курсни ўрганиш учун алоҳида босмадан чиқсан адабиётни ўқиши маслаҳат берилади. Ундан ташқари, компьютер тўғрисида босилаётган журналларни ҳам кўздан кечириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## VII БОБ. КОМПЬЮТЕР ВА ТАШҚИ МУХИТ

### 7.1. Компьютер вируслари

Ҳозирги замон компьютерларининг энг катта камчилиги вируслардан ўзини ҳимоя қила олмаслигидир. Шунинг учун компьютерларни вирусдан асраш керак.

*Вирус.* Вирус бу ассемблер тилида ёзилган кичик программа бўлиб, у «безори», «шўх» программа яратувчилар маҳсули ҳисобланади. Бу программалар яққол ёки пинҳоний кўринишда намоён бўлади.

Вирус аввало касалланган амалий ёки система программасида иш бошлайди. Уларнинг тарқалиш йўллари турлича: оддий хабар ва расмлар орқали ёки бутун программа орқали тарқалади. У оддий файлни экранга чиқаришдан то компьютер қисмларини ишдан чиқаришгача бориб етади. Масалан, қаттиқ дискдаги бор маълумотни ўчириб ташлаши мумкин.

Компьютерни вируслардан сақлаш учун профилактик воситалардан фойдаланилади. Бунинг учун компьютер дисководига четдан келган ҳар қандай дискни текшириш учун антивирус программаларидан фойдаланилади. Масалан: AidsTest, DrWeb ва бошқалар.

· Бошқа компьютерлардан тармоқ орқали қабул қилинадиган файлларни ҳам албатта текширувдан ўtkазилади.

· Windowsda Word билан ишлаганда NORMAL. DOT глобал шаблонига AutoExec макрокомандасини қуидагича тўзиш керак:

```
Sub MAIN  
Disable Auto Macros  
End Sub
```

Бу тадбир Word хужжатларини ҳар турли специфик вируслардан сақлайди.

· Антивирус программалари энг сўнгги версияларини ҳар яrim ёки бир йил давомида фойдаланишга киритиш лозим. Чунки янги вируслар пайдо бўлиши мумкин.

Вирусларни аниқлаш (диагностика) ва даволаш учун Россияда яратилган (В. Лозицкий) AidsTest программасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Программа формати:  
AidsTest. exe [Path] Options [ ]

Изоҳ:

Path — диск, файл ёки файллар гурухини белгилайди;

Options қўйидаги командалардан иборат: /f — вирус мавжуд программаларни даволайди, ёки даволаш мумкин бўлмаса буткул ўчириб ташлайди.

/g — барча файлларни бирма-бир текширади;

/s — файлларни вирусларга синчилаб текширади;

/p — (файл номи) — текшириш натижаларини кўрсатилган файлга ёки принтерга (LP1:) чиқариши мумкин:

/x — вирус тушган барча файлларни ўчиради;

/q — тиклаш мумкин бўлмаган файлларни ўчиришга рухсат сўрайди.

Шунингдек DrWeb программасидан фойдаланиш зарур. У хотира ва архив файлларини ҳам вирусга текшириб беради.

Команда формати:

Web [Диск:] [йўл] \ [опция]

Изоҳ.

Диск: — дискнинг a:, b:, c: ёки бўлак бирор бир номи терилади.

Агар [\*] кўрсатилса, барча дискларни текширади.

Йўл — текшириладиган файлларнинг йўли аниқ берилади.

Опция — қўйидаги командалардан иборат:

/f — файл ва система жойлашган қисмни даволайди;

/d — тиклаш мумкин бўлмаган файлларни ўчиради;

/a — барча файлларни текширади;

/u — архив файлларни вирусга текширади;

/v — файлларни вирусдан касалланганигини текширади;

/p — текшириш натижасини кўрсатилган файлга ёки кўрсатилмаса report. web файлига ёзади;

/h — вирусни хотиранинг юқори адресларида қидиради.

Кўп адабиётларда ADinf ревизор программасидан ҳам фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берилади.

ADinf программаси ҳам Россияда (Д. Мостовой) яратилган бўлиб, файллар бесабаб ўзгариб қолса, тезда бу тўғрисидаги маълумотни экранга чиқаради. Бироқ, даволамайди ва бошқа ҳеч қандай тадбир ўтказмайди.

## 7.2. ФОЙДАЛАНУВЧИГА МАСЛАҲАТЛАР

Компьютердан узокроқ, манфаатлироқ фойдаланиш учун қўйидагиларни билиш керак:

1. Компьютер — бу машина, ҳеч қачон ва ҳеч нарсани ўзи ҳал қилмайди.

2. Компьютерга оид техник адабиёт хужжатларидан доимо фойдаланиб туринг.

3. Компьютерни ишлатишда операциялар (амаллар) кўплиги ва клавишилар комбинациялари турлилигидан ҳеч ҳам чўчиманг. Тўғри, Windows қобиғида операциялар сони биргаликда ишлатиладиган комбинациялар етарлича кўп ва турли амаллар бажариш

мумкин. Фақат компьютерда доимо ишлаганингизда тажрибангиз ошиб боради.

4. Эксперимент қилиб туринг. Ҳар бир амални бажариш учун кичик эксперимент зарур. Яъни, адабиёт ёки ҳужжатни ўқиб командани тӯғри ёки нотӯғри тушундимми деб шубҳаланиб ўтиргунча, клавишларни босиб, командани бажариб кўриш керак.

5. Абсолют ҳақиқатни изламанг. Компьютерда ишлаганингизда бир амални бир нечта программа бажариши мумкинлигини билиб оласиз. Агар бирор бир программа сизга кўпроқ маъқул келса, бошқа шунга ўхшашиб программага ўтишни, энг яқин танишингиз маслаҳат қилса ҳам ўйлаб кўринг. Чунки дилингизга ўтириб қолган программада ишлаган маъқул.

Бироқ, торозунинг икки палласидек, доимо программалардан программаларга ўтиб юрсангиз, маҳсулдор ишлашдан айрилиб қоласиз. Куруқ консерватив бўлиб, бир программага ёпишиб олсангиз дуруст саналмайди, дунёқарашингиз торайиб, тараққиётдан орқада қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

6. Клавиатурани тақиллатиб босиши ярамайди. Тезда ишдан чиқиши мумкин.

7. Сиз компьютерга ўрганиб қоласиз, компьютер Сизга. Уни эҳтиёт қилишни унутманг.

### 7.3. КОМПЬЮТЕРНИ ТАНЛАШ

Компьютер Америка, Европа ёки Япониянинг ҳар бир хона-донига кириб келгани кўпчиликка маълум. Юртимизда ҳам кўпгина фозил, замонавий фикрловчи инсонларнинг ҳам компьютерга қизиқиши ортгани сир эмас.

Уйга қандай компьютер олса бўлади, деган савол шу юзасидан кўпчиликни қийнайди.

Энг аввало у универсал бўлгани маъқул.

Бундай компьютер конфигурациясини қўйидагилар ташкил этган бўларди:

- 233 МГц частотали «Пентиум II» процессори;
- оператив хотира — 32 Мб;
- 2.5—4.5 Гб ҳажмидаги қаттиқ диск;
- 2—4 Мб хотирали видеокарта;
- 15—17 дюйм ўлчамдаги монитор;
- AWE32 (AWE64) ёки шунга ўхшашиб овоз платаси;
- CD ROM дисководи (тезлиги 24x-32x)

Комплекттага яна клавиатура, сичқонча, микрофон, SB овоз колонкалари ҳам кириши мумкин. Ундан ташқари ўйинлар учун жойстик (манипулятор), монитор учун ҳимоя фильтри (агар монитор сифати паст бўлса), электр тармоқ фильтри ҳам сотиб олинади.

Мазкур комплектни универсал ҳисоблашга етарли асос бор, чунки ўйинлардан тортиб то замонавий дастур талабларига бемалол жавоб беради.

Аммо бу ҳаммаси эмас.

Босиб чиқариш учун уч турдаги принтерлардан кичик ҳажмдағи ишларни босиша пуркагишли принтер маъқул. У нисбатан арзон, сифати ҳам дуруст ҳисобланади.

Агар босиша сифатига юқори талаблар күйилмаса ва босиб чиқармоқчи бўлган файлларнинг ҳаммаси кундалик фойдаланишга асқотса, унда оддийгина матрицали принтер билан ҳам бемалол иш битириш мумкин.

Ҳужжатни сифатли босиб чиқариш учун эса нисбатан қиммат лазер принтеридан фойдаланиш лозим бўлади.

Агар Сиз мусиқага қизиқсангиз, у ҳолда машғулотлар учун «жадвалли синтезатор» картаси «жонли» мусиқа асбобларининг илгари ёзиг олинган овозларини эшитиш учун яхши овоз картаси керак бўлади. У бевосита иш вақтида овозларга ишлов бериши мумкин.

Видео тасвирга тушириш билан қизиқувчиларга компьютерни видео кириш платаси билан тўлдиришни маслаҳат берилади. Видеодан тасвирларни хотираға ёки қаттиқ дискка киритиб, унга ишлов берилади, монтаж қилинади, кадрларга ёзув ёсса бўлади ва ҳ.о.

Агар Сиз лазер дискларида ёзилган кинофильмларни компьютер ёрдамида кўрмоқчи бўлсангиз, Сизга MPEG — декодер номли қўшимча плата керак бўлади. Бугун бундай фильмлар кўп эмас, бироқ мутахассисларнинг фикрича, яқин орада тасвирининг юқори сифатлилиги, арзон нархи ва ленталарнинг эскирмаслиги ҳисобига видеомагнитафонларни сиқиб чиқаради.

## ИЛОВА

### WORD ПРОЦЕССОРИННИГ АСОСИЙ КОМАНДАЛАРИ

| Команда<br>инглиз тилида | Команда<br>рус тилида | Мазмунни           |
|--------------------------|-----------------------|--------------------|
| <b>1) File</b>           | <b>Файл</b>           | <b>Файл</b>        |
| New                      | Создать               | Ҳосил қилиш        |
| Open                     | Открыть               | Очиш               |
| Close                    | Закрыть               | Ёпиш               |
| Save                     | Сохранить             | Сақлаш             |
| Save As                  | Сохранить как         | Күйидатича сақлаш  |
| Save All                 | Сохранить все         | Барчасини сақлаш   |
| Find Filee               | Поиск файла           | Файл излаш         |
| Summary Info             | Сводка                | Маълумот           |
| Templates                | Шаблоны               | Шаблонлар          |
| Page Setup               | Параметры Страницы    | Варақ параметрлари |
| Print Preview            | Просмотр              | Кўриб чиқиш        |
| Print                    | Печать                | Босиб чиқариш      |
| Exit                     | Выход                 | Чиқиш              |
| <b>2) Edit</b>           | <b>Правка</b>         | <b>Таҳрир</b>      |
| Undo                     | Отменить              | Бекор қилиш        |
| Cut                      | Вырезать              | Кесиш              |
| Copy                     | Копировать            | Нусха кўчириш      |
| Paste                    | Вставить              | Қистириш           |
| Paste Special            | Специальная вставка   | Махсус қистириш    |
| Clear                    | Очистить              | Тозалаш            |
| Select All               | Выделить все          | Барчасини белгилаш |
| Find                     | Найти                 | Излаш              |
| Replace                  | Заменить              | Алмаштириш         |
| Go To                    | Перейти               | Ўтиш               |
| Auto Text                | Автотекст             | Автотекст          |
| Bookmarks                | Закладка              | Хатчўп             |
| Links                    | Связи                 | Алоқалар           |
| Objeet                   | Объекты               | Объектлар          |
| <b>3) View</b>           | <b>Вид</b>            | <b>Кўриниш</b>     |
| Normal                   | Нормальный            | Нормал             |
| Outline                  | Структура документа   | Хужжат тузилиши    |
| Page Layout              | Размер страницы       | Варақ ўлчами       |
| Master Document          | Главный документ      | Асосий хужжат      |

|                   |                           |                             |
|-------------------|---------------------------|-----------------------------|
| Full Screen       | Полный экран              | Тұлиқ экран                 |
| Toolbars          | Панели инструментов       | Инструментлар панели        |
| Ruler             | Линейка                   | Чизгіч                      |
| Header ahd        | Колонтулы                 | Колонтулалар                |
| Footer Footnotes  | Сноски                    | Изоҳлар                     |
| Annotations       | Примечания                | Эслатмалар                  |
| Zoom              | Масштаб                   | Масштаб                     |
| <b>4) Insert</b>  | <b>Вставка</b>            | <b>Қистирма</b>             |
| Break             | Разрыв                    | Узилиш                      |
| Page Numbers      | Номера страниц            | Варақ номерлари             |
| Annotation        | Примечание                | Эслатма                     |
| Date and Time     | Дата и время              | Сана ва вақт                |
| Field             | Поле                      | Майдон                      |
| Symbol            | Символ                    | Белги                       |
| Form Field        | Поле формы                | Шакл майдони                |
| Footnotes         | Сноска                    | Изоҳ                        |
| Caption           | Название                  | Ном                         |
| Cross-References  | Ссылка                    | Кувгин                      |
| Index and Tables  | Оглавление и<br>указатели | Сарлавча ва<br>күрсаткичлар |
| File              | Файл                      | Файл                        |
| Frame             | Кадр                      | Кадр                        |
| Picture           | Рисунок                   | Расм                        |
| Object            | Объект                    | Объект                      |
| Database          | База данных               | Маълумотлар базаси          |
| <b>5) Format</b>  | <b>Формат</b>             | <b>Формат</b>               |
| Font              | Шрифт                     | Шрифт                       |
| Paragraph         | Абзац                     | Абзац                       |
| Tabs              | Табуляция                 | Табуляция                   |
| Border and        | Обрамление и              | Рамкага солиш ва            |
| Shading           | Заполнение                | Тұлатиши                    |
| Columns           | Колонки                   | Устунлар                    |
| Change Case       | Регистр                   | Регистр                     |
| Drop Cap          | Буквица                   | Ҳарфлар                     |
| Bullet and        | Список                    | Рўйхат                      |
| Heading Numbering | Нумерация<br>заголовков   | Сарлавҳалар<br>рақами       |
| AutoFormat        | Автоформат                | Автоформат                  |
| Style Gallery     | Таблицы стилей            | Усуллар жадвали             |
| Style             | Стиль                     | Стиль (усул, йўналиш)       |
| Frame             | Кадр                      | Кадр                        |
| Picture           | Рисунок                   | Расм                        |
| Drawing           | Рисованный                | Чизилган                    |
| Objects           | Объект                    | Объект                      |
| <b>6) Tools</b>   | <b>Сервис</b>             | <b>Хизмат</b>               |
| Spelling          | Орфография                | Имло-хато                   |

|                       |                               |                               |
|-----------------------|-------------------------------|-------------------------------|
| Grammar               | Грамматика                    | Грамматика                    |
| Thesaurus             | Синонимы                      | Синонимлар                    |
| Hyphenation           | Перенос слов                  | Бўғинлаш                      |
| Language              | Язык                          | Тил                           |
| Word Count            | Статистика                    | Статистика                    |
| Auto Correct          | Автокоррекция                 | Автокоррекция                 |
| Mail Merge            | Слияние                       | Кўшилиш                       |
| Envelopes and Labels  | Конверты и Наклейки           | Конвертлар ва Наклейкалар     |
| Protect               | Установить защиту             | Химоя ўрнатиш                 |
| Document Revisions    | Исправление                   | Хато тузатиш                  |
| Macro                 | Макрокоманда                  | Макрокоманда                  |
| Customine             | Настройка                     | Созлаш                        |
| Options               | Опции                         | Опциялар                      |
| <b>7) Table</b>       |                               |                               |
| Insert Rows           | Таблица                       | Жадвал                        |
| Delete Rows           | Вставить строки               | Қатор қистириш                |
| Merge Cells           | Удалить строки                | Қаторни йўқотиш               |
| Split Cells           | Объединить ячейки             | Ячейкаларни бирлаштириш       |
| Select Row            | Разбить ячейки                | Ячейкаларни бўлиш             |
| Select Column         | Выделить строку               | Қаторни белгилаш              |
| Select Table          | Выделить столбец              | Устунни белгилаш              |
| Table AutoFormat      | Выделить таблицу              | Жадвални белгилаш             |
| Cell Height and Width | Автоформат таблицы            | Жадвални автоматик форматлаш  |
| Headihgs              | Высота и ширина ячейки        | Ячейка баландлиги ва кенглиги |
| Convert Table to Text | Заголовки                     | Сарлавҳалар                   |
| Sort                  | Преобразовать таблицу в текст | Жадвални матнга айлантириш    |
| Formula               | Сортировка                    | Саралаш                       |
| Split Table           | Формула                       | Формула                       |
| Gridlines             | Разбить таблицу               | Жадвални бўлиш                |
|                       | Линии сетки                   | Тур чегаралари                |
| <b>8) Window</b>      |                               |                               |
| New Window            | Окно                          | Дарча                         |
| Arrange All           | Новое окно                    | Янги дарча                    |
| Split                 | Упорядочить все               | Борини тартиблаш              |
|                       | Разбить                       | Бўлиш                         |

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдуқодиров А. А. ЭҲМ — алгоритм-дастур. Тошкент: Уқитувчи, 1991 й.
2. Аппазов Е. М. Ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш. Тошкент., Узбекистон, 1997 й.
3. Евсеев Г., Пацюк С., Симанович С. Вы купили компьютер, М.: 1998 г.
4. Қабулов В. Ақл мўъжизаси (Кибернетика ҳақида ҳикоялар). Т.: Ёш гвардия, 1974 й.
5. Компьютер. Компьютеры и телекоммуникации. Научно-популярный технический журнал, №№ 1—15, Ташкент. 1999 г.
6. Королев Л. Н. Структуры ЭВМ и их математическое обеспечение. М.: Наука, 1978 г.
7. Морисуз М., Есикава Т. Микро — ЭВМ за три дня. — М.: Мир, 1981 г.
8. Мўминов Н. Ахборотлаш ва ҳаёт. Тошкент, Фан, 1992 й.
9. Нурмухамедов Т. А. IBM PC ва MS DOS билан танишув. Тошкент: Мехнат, 1994 й.
10. Прангишвили И. В. Микропроцессоры и локальные сети микро ЭВМ в распределенных системах управления — М.: Энергоатомиздат, 1985 г.
11. Рахмонқулова С. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш. Тошкент: 1998 й.
12. Фигурнов В. Э. IBM PC для пользователя. Краткий курс. — М.: ИНФРА, 1999 г.
13. Шафрин Ю. Основы компьютерной технологии. Справочник школьника. М.: 2000 г.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Сүз боши .....  | 3  |
| I-БОБ. КОМПЬЮТЕРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ .....              | 5  |
| 1.1. Дастрлабки уринишлар .....                         | 5  |
| 1.2. Компьютернинг юзага келиши .....                   | 6  |
| 1.3. Очиқ архитектура принципи .....                    | 8  |
| 1.4. Компьютер бозорининг ҳозирги ҳолати .....          | 8  |
| 1.5. Бошқа турдаги асосий қомпьютерлар .....            | 9  |
| II-БОБ. ПЕРСОНАЛ КОМПЬЮТЕР ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ .....    | 11 |
| 2.1. Компьютернинг асосий қисмлари .....                | 11 |
| 2.2. Хотира .....                                       | 14 |
| 2.3. Электрон платалар, контроллер ва шиналар .....     | 17 |
| 2.4. Компьютер қурилмаларининг жойлашиш схемалари ..... | 19 |
| 2.5. Компьютернинг ташқи қурилмалари .....              | 21 |
| 2.5.1. Эгилувчан магнитли дисклар .....                 | 21 |
| 2.5.2. Винчестер — қаттиқ диск .....                    | 23 |
| 2.5.3. Монитор ва видеокарта .....                      | 25 |
| 2.5.4. Принтерлар .....                                 | 27 |
| 2.6. Компьютернинг қўшимча қурилмалари .....            | 29 |
| III-БОБ. АХБОРОТ ВА КОМПЬЮТЕР .....                     | 31 |
| 3.1. Сон ва саноқ системалари .....                     | 31 |
| 3.2. Бит, байт, файл ва программа .....                 | 34 |
| 3.3. Файллар ва каталоглар .....                        | 35 |
| 3.4. Клавиатура ва сичқонда ишлаш .....                 | 38 |
| 3.5. Компьютерни ёқиб ўчириш .....                      | 41 |
| IV-БОБ. КОМПЬЮТЕРНИНГ ПРОГРАММА ТАЪМИНОТИ .....         | 41 |
| 4.1. MS DOS операцион системаси .....                   | 43 |
| 4.1.1. Операцион система .....                          | 43 |
| 4.1.2. Умумий маълумотлар .....                         | 44 |
| 4.1.3. MS DOS билан мулоқот .....                       | 47 |
| 4.1.4. Файллар билан ишлаш .....                        | 47 |
| 4.1.5. Экран ва принтер билан алоқа .....               | 50 |
| 4.1.6. Дисклар билан ишлаш .....                        | 50 |
| 4.1.7. Умум системадаги программа ва командалар .....   | 52 |
| 4.2. NORTON COMMANDER .....                             | 54 |
| 4.2.1. Умумий тушунчалар ва маълумотлар .....           | 55 |
| 4.2.2. Панеллар ва функционал клавишлар .....           | 56 |
| 4.3. Маълумотларни таҳрирлаш асослари .....             | 62 |
| 4.4. ЛЕКСИКОН .....                                     | 63 |
| 4.4.1. Бажариш вазифалари .....                         | 63 |
| 4.4.2. Лексиконни юклаш ва асосий меню .....            | 63 |
| 4.4.3. Матн бўйича силжиш .....                         | 64 |
| 4.4.4. Матн киритиш .....                               | 65 |
| 4.4.5. Алифболарга ўтиш .....                           | 65 |
| 4.4.6. Белгиларни алмаштириш ёки суриб ёзиш .....       | 65 |

|  |     |
|--|-----|
| 4.4.7. Матнларни таҳирлаш техникиаси .....                   | 66  |
| 4.4.8. Мати қисмлари билан амаллар .....                     | 67  |
| 4.4.9. Түрли шрифтлардан фойдаланиш .....                    | 68  |
| 4.4.10. Контекст билан ишлаш .....                           | 68  |
| 4.4.11. Босиб чиқариш .....                                  | 69  |
| 4.4.12. Файлларни ўқиш ва ёзиш .....                         | 69  |
| 4.4.13. Қайтариш .....                                       | 69  |
| <b>V-БОБ. WINDOWS</b> .....                                  | 73  |
| 5.1. WINDOWSнинг тузилиши .....                              | 74  |
| 5.2. WINDOWS — асосий тушунчалар .....                       | 75  |
| 5.2.1. Илова .....   | 75  |
| 5.2.2. Ҳужжат .....  | 75  |
| 5.2.3. Дарча .....   | 75  |
| 5.2.4. Пиктограмма .....                                     | 76  |
| 5.2.5. Меню .....  | 76  |
| 5.2.6. Дарчага кўшимчалар .....                              | 80  |
| 5.2.7. Айирбошлаш буфери .....                               | 81  |
| 5.3. Программалар диспетчери .....                           | 83  |
| 5.4. WINDOWS таркиби .....                                   | 83  |
| 5.5. Янги программани қандай ўрганиш маъқул .....            | 84  |
| 5.6. WINDOWS қобигини бошқариш воситалари .....              | 85  |
| 5.6. WINDOWS асосий элементларининг ўзаро фаолияти .....     | 86  |
| 5.7.1. Илова дарчаси .....                                   | 87  |
| 5.7.2. Инструментлар панели .....                            | 90  |
| 5.7.3. Ҳужжат дарчаси .....                                  | 90  |
| 5.7.4. Диалог дарчаси .....                                  | 91  |
| 5.8. WINDOWS нинг асосий технологик принциплари .....        | 95  |
| 5.8.1. WINDOWS ишини бошлаш ва тамомлаш. Умумий схема .....  | 96  |
| 5.8.2. WINDOWS қобигида амалий программаларни бажариш .....  | 97  |
| 5.8.3. Иловаларда ишлаш ва тамомлаш .....                    | 97  |
| 5.8.4. WINDOWS да файллар билан ишлаш .....                  | 99  |
| 5.8.5. WINDOWS да файллар Диспетчерининг ўрни .....          | 99  |
| 5.8.6. Файллар диспетчери панели .....                       | 100 |
| 5.8.7. Файллар билан ишлаш .....                             | 101 |
| 5.8.8. Файл ва гуруҳларни белгилаш .....                     | 101 |
| 5.8.9. Бёлгиланган файллар билан амаллар .....               | 102 |
| 5.8.10. Дисклар билан ишлаш .....                            | 104 |
| 5.8.11. Каталоглар билан ишлаш .....                         | 105 |
| 5.8.12. Файллар диспетчерини созлаш .....                    | 106 |
| 5.9. WINDOWS ни созлаш .....                                 | 108 |
| 5.10. WINDOWS да шрифтлар билан ишлаш ва босиб чиқариш ..... | 108 |
| 5.10.1. Растрли ва векторли шрифтлар .....                   | 110 |
| 5.10.2. True Type шрифтлари .....                            | 111 |
| 5.10.3. Font диалог дарчаси .....                            | 112 |
| 5.10.4. Босиб чиқариш диспетчери .....                       | 112 |
| <b>VI-БОБ. INTERNET</b> .....                                | 114 |
| 6.1. Internet ҳақида .....                                   | 115 |
| 6.2. Internetнинг кундалик ҳаётдаги ўрни .....               | 116 |
| <b>VII-БОБ. КОМПЬЮТЕР ВА ТАШҚИ МУХИТ</b> .....               | 118 |
| 7.1. Компьютер вируслари .....                               | 118 |
| 7.2. Фойдаланувчига маслаҳатлар .....                        | 119 |
| 7.3. Компьютерни танлаш .....                                | 120 |
| Илова .....  | 122 |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....                | 125 |

СОДИҚЖОН СОБИРОВИЧ ҚОСИМОВ  
АБДУЖАББОР АБДУХАМИДОВИЧ ОБИДОВ

## КОМПЬЮТЕР ОЛАМИ

*Кўлланма*

Тошкент «Чўлпон» 2001

Муҳаррир *И. Каримов*  
Бадиий муҳаррир *А. Кива*  
Техник муҳаррир *Е. Толочко*  
Мусаҳҳиҳа *Г. Азизова*

ИБ 0797

Теришга берилди 06.12.2000 й. Босишига рухсат этилди 15.02.2001. Формати  $60 \times 90^{\frac{1}{16}}$ ,  
Тип. қозози. Юқори босма усулда босилди. Шартли б.т. 8,0. Нашр т. 7,9. 5000 нусхада  
босилди. Буюртма № 249.

«Чўлпон» нашриёти. Тошкент, 129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 31—2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-йй. 2001 й.

Қ61

Қосимов С. С., Обидов А. А.

Компьютер олами. — Т.: «Чўлпон», 2000. — 128 б.  
I. Муаллифдош.

ББК 74.202.4